



ЖАҲОН АДАБИЁТИ ХАЗИНАСИДАН

# ҒАРОЙИБ ТАҚДИРЛАР

*Ҳикоялар*



ТОШКЕНТ  
«O‘ZBEKISTON»  
2018

УЎК 821(100)  
КБК 84(0)  
F 24

F 24 Ғаройиб тақдирлар [Матн]: ҳикоялар / таржимон  
Ж. Матёкубов. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2018. –  
176 б. – (Жаҳон адабиёти хазинасидан).

ISBN 978-9943-25-658-3

### **Таржимон *Жамшид МАТЁКУБОВ***

Сиз азиз китобхонларга тақдим этилаётган мазкур тўплам-  
да жаҳон адабиёти вакилларининг турли ўтмишу тақдирлар,  
турфа феъл-атворли кишилар ҳаёти акс этган ажойиб ҳикоя-  
лари жамланган.

Ўйлаймизки, кўнгилни ийдиргувчи ушбу ҳикоялар ўзни ва  
ўзгани англашда Сизга ҳамроҳ бўлади.

**УЎК 821(100)**  
**КБК 84(0)**

ISBN 978-9943-25-658-3

© Ж. Матёкубов (тарж.), 2018  
© «O‘zbekiston» НМИУ, 2018

*Жек Лондон*  
(1876–1916)



## АЁЛ МАТОНАТИ

### Ҳикоя

Чодир этаги кўтарилиб, кўзларига маъюслик чўккан ва кировга беланган бўритумшук ичкарига суқилди.

– Ҳой, Чук! Сиваш! Даф бўлинглар, шайтондан тарқаганлар! – жўровоз қичқиришди чодирдагилар. Беттлз итнинг тумшуғига қалайи товоқ билан урган эди, у дарҳол думини тугди. Луи Савой чодирга кириладиган жойни тўсиб турган бир кулоч брезентни маҳкамлади, сўнг оёғи билан жазиллама товани тўнкариб, унга қўлини тутганча исина бошлади.

Аямажиз. Икки кун аввал спиртли термометр нолдан олтмиш даража паст ҳароратни кўрсатиб ёрилиб кетган, совуқ эса тобора забтига олган, қаҳратон яна қанча давом этишини ҳеч ким билмайди. Бундай изғиринда печкадан узоқлашишни душманингга ҳам раво кўрмайсан. Тўғри, бунга журъат этадиганлар йўқ эмас, бироқ бу жасорат ўпкани совуққа олдириш билан хотима топади. Куруқ, хирилдоқ йўтал одамнинг гирибонидан олади, яқин-атрофда тўнғиз мойи куйдирилганда эса йўтал баттар зўраяди. Баҳор ёки ёзда музлама заранг ерда кимгадир гўр қазийдилар. Унга жасад туширилади ва совуқда бус-бутун сақланган майит қиёмат куни зиён-заҳмат етмагандек тиради, деган ақидага мувофиқ устига мох тўшаллади ва шу ҳолича қолдирилади. Бундай пайтда охирзамонда жисм қайта тирилишига имон келтирган-

ларга ўлиш учун Клондайқдан-да қулайроқ жойни тавсия этиш мушкул. Аммо, афсуски, бу Клондайк дегани ҳаёт кечириш амримахол бўлган маскан.

Чодир ичи ташқаридагидай совуқ эмасди, лекин бу ерни иссиқ деб ҳам бўлмасди. Бу ерда жихоз ўрнини босадиган ягона буюм печка бўлиб, одамлар уни кучоклагудек бўлардилар. Ернинг ярмига қарағай буталалари тўшалган, уларнинг ости қор, устидан эса жунчайшаблар солинган. Чодир ичининг қори шибаланган иккинчи ярмида қозончалар, товалар ва кутб қўналғасининг бошқа асбоб-анжомлари тартибсиз сочилган, кип-қизил чўғланган печкада ўтин чирсиллаб ёнар, аммо ундан уч қадам нарида муз палахсаланиб ётарди. Муз эндигина дарё бўйидан олиб келингандай қаттиқ ва қуруқ эди. Совуқ ҳаво оқими чодир ичидаги бор иссиқликни юқорига кўтаради. Печканинг тепасидаги туйнук орқали ташқарига чиқарилган қувур атрофида брезентнинг қуруқ доираси оқариб кўринади. Ундан кейин чакиллаб сув томиб турган брезентнинг ҳўл доираси бошланади. Ниҳоят, чодир тепасининг қолган қисмини ҳамда ён-атрофларини ярим дюйм қалинликдаги оппоқ қуруқ қиров қоплаган.

– Оҳ! Уҳ! Вой жоним-ей! – жунчайшаб тагида ётган йигитча уйқусида инграб юборди. Унинг қонсиз ва озғин юзига анчадан бери устара тегмаганди. Йигитча кўзини очмай, оғриқдан борган сари қаттиқроқ ва аламлироқ инграрди. Ярмини жунчайшаб ёпиб турган танаси бамисоли чакиртикан устида ётгандай қалтирар, қақшар эди.

– Қани, йигитчани ағдариб қўйинглар-чи! – буюрди Беттлз. – Уни яна ваража тутяпти.

Олти киши дарҳол беморга ёпишиб, то хуруж ўтиб кетмагунча унинг танасини у ёқдан бу ёққа ағдариб, қаттиқ-қаттиқ уқалай бошладилар.

– Бунақа ҳаётнинг падарига лаънат! – ғўлдиради йи-  
гитча жунчойшабни олиб ташлаб, тўшагида ўтираркан. –  
Мен уч қиш давомида бутун мамлакатни тинимсиз кез-  
дим, обдан чиниққан бўлишим керак эди! Йўқ, бу лаъна-  
ти ўлкага келдим тарикча ҳам жасоратга эга бўлмаган  
хотинчалиш афиналикка айландим-қолдим!

У оловга яқинроқ сурилди ва тамаки ўрай бошлади.

– Ҳадеб нолийверар экан-да, деб ўйламанглар! Мен  
хамма нарсага чидайман! Лекин ҳозир ўзимдан уя-  
либ кетдим, бор гап шу... Атиги ўттиз миля йўл босган  
бўлсак-да, силласи қуриб қоқшолга йўлиққан боладек  
ҳис қиялман ўзимни! Уят!.. Кимда гугурт бор?

– Қизишма, ўғлон! – Беттлз беморга гугурт ўрнига  
ёниб турган тарашани узатиб, оталарча оҳангда сўз бош-  
лади: – Сеники узрли – ҳаммининг бошида бор бу. Чар-  
чадинг, ҳолдан тойдинг! Ўйлайсанки, менинг биринчи  
саёҳатим ёдимдан чиққанми? Чиқиб бўпти! Дарёда муз  
тешигидан сув ичгач, то оёққа тургунча ўн дақиқалаб куй-  
маланган пайтларим бўлган. Барча бўғимларим қакшаб,  
суякларим шундай зирқираб оғрир эдики, ақлдан озай  
дердим. Томирларнинг чангак бўлиб қолиши-чи? Баъзан  
шундай тортишардики, бу лаънати, кўналғадагиларнинг  
хаммаси мени тикка турғазиш учун ярим кун овора  
бўларди. Сен ёш бўлсанг ҳам чайир экансан, баракал-  
ла! Бир-икки йил ўтиб, бизга ўхшаган қарияларни бир  
чўқишда қочирадиган бўласан. Энг муҳими, зуваланг  
пишиқ, не-не бакуватт йигитларни муддатидан аввал бо-  
болари ёнига жўнатадиган ортиқча ёғ йўқ танангда.

– Ёғ дейсизми?

– Ҳа-да. Кимнинг баданида кўп ёғ ва эт бўлса, у йўл  
азобига дош беролмайди.

– Билмас эканман!

– Билмасмидинг? Бу бор гап, ишонавер. Жуссадор  
йигитлар шашти баланд бўлгани билан чидамсиздир.

Менга қолса, энг заиф тоифа шулар! Фақат серпай, қотма кишиларнинггина чангали маҳкам, бир нарсага ёпишсалар, худди ит суякка ёпишгандек, жон-жаҳдлари билан ёпишадилар. Йўк, хомсемиз одамлар бунақа ишларга ярамайдилар.

– Менга кулоқ тутинг, биродарларим, – гапга аралашди озик-овқат солинган қути устида ўтирган Ситка Чарли. – Сизларнинг гапингизни тинглар эканман, бу ўлка ҳали кам ўрганилган, бу ердаги гулханлар эса худди кўкдаги юлдузлар каби санокли бўлган пайтларда таниганим – бир эркак ва бир аёлни эсладим. Аёл нозиккина эди, аммо унинг юраги кўтос келбатли эркак юрагидан каттароқ эди. Жасоратда тенгсиз эди у. Биз Шўр Сув томон борардик, йўл машаққатли эди. Аччиқ изғирин, қалин қор ва азоб берувчи очлик доимий йўлдошимиз эди. Аммо бу аёл ўз эрини оташин муҳаббат билан севарди. Унинг севгиси ҳақиқатан ҳам оташин эди, бошқача атаб бўлмасди.

Ситка жимиб қолди. Болта билан муз палахсасидан бир неча бўлакни синдириб, уларни печка устидаги олтин ювиладиган тоғорачага солди. Улар шу йўл билан ичимлик суви тайёрларди. Эркаклар унга яқинроқ сурилдилар, бемор ўспирин эса тиришаётган томирларига зиён етказмаслик учун қулайроқ ўрнашиб олди.

– Биродарларим, – давом этди Ситка, – менинг томирларимда сивашларнинг қизил кони оқмоқда, лекин қалбим оқ. Биринчиси, аждодларимнинг гуноҳлари бўлса, иккинчиси, дўстларимнинг шарофатидир. Мен одамлар ва уларнинг қилмишлари устидан худди сизлар каби ҳукм чиқаришни, сизлар каби фикр юритишни ўрганганман. Шундай экан, агар мен бирор оқтанли ҳақида кескин гапирсам, биламанки, мендан норози бўлмайсизлар. Айни пайтда аждодларим қавмидан бирон кишини мақтаганимда ҳам «Ситка Чарли – сиваш,

унинг кўзлари қийшиқ кўради, тилидан эса ёлгон ари-майди», демасизлар. Шундай эмасми?

Тингловчилар бошларини қимирлатиб тасдиқ ишорасини қилдилар.

– Ўша аёлнинг исми Пассук эди. Мен уни шўр сувли денгиз соҳилини макон тутган қабиласи вакиллари-дан ҳалол сотиб олдим. У аёлга кўнгил қўймагандим, унга боқиш кўзларимга ҳам завқ бағишламасди. У доим нигоҳини ерга тикиб турар, умрида кўрмаган одамнинг кучоғига мажбуран итқитилган ҳар қандай қиз каби тортинчоқ ва хуркак эди. Қалбимда унга жой йўқлигини айтдим, лекин мен олис сафарга отланган эдим ва менга итларимни боқадиган, дарё бўйлаб узоқ сузадиган бўлсак, эшкак эшишда ёрдам берадиган одам керак эди. Битта жунчойшабни икки киши ҳам ёпина олади. Шундай қилиб, мен Пассукни танладим.

У вақтлар ҳукумат хизматида бўлганимни сизларга айтгандим чоғи? Шу боис мени чаналар, итлар ва озиқ-овқат захирамиз билан ҳарбий кемага ўтказишди. Пассук ёнимда эди. Биз шимолга, Беринг денгизининг музлари томон суздик ва у ерда бизни – мени, Пассукни ва итларни соҳилга туширдилар. Ҳукумат хизматчиси сифатида пул, инсон қадами етмаган ўша жойларнинг харитаси ва кўплаб мактубларни олдим. Мактублар муҳрланган ва нам тегишидан яхши ҳимояланган бўлиб, уларни улуғвор Маккензи яқинида музлар орасида сиқилиб қолган кит овловчи кемаларга етказишим лозим эди. Барча дарёларнинг онаси бўлмиш бизнинг Юконни ҳисобга олмаганда, Маккензидан кўра катта дарё оламда йўқ.

Аммо булар унчалик муҳим эмас, чунки мен сизларга сўзлаб бермоқчи бўлган ҳикоянинг на кит овлаш кемаларига ва на Маккензи бўйларида ўтказганим – қаҳратон қишга дахли бор. Баҳорда кунлар илиб, бироз узайгач, биз Пассук билан жанубга, Юкон соҳилларига жўнадик.

Бу оғир, тинкакуритар сафар эди, бироқ қуёш бизга йўл кўрсатди. Ҳали айтганимдек, бу ўша пайтлар кимсасиз ўлка эди ва биз то Қирқинчи Миляга етгунча гоҳ чангак, гоҳ эшакларни ишга солиб, оқимга қарши сузавердик. Оқ юзларни яна кўриш ёқимли эди ва ниҳоят, биз қирғоққа тушдик.

Ўша киш жуда қаттиқ келди. Қаҳратон ва зимистон киш бошланди, совуқ билан бирга очлик ҳам ҳаётимизга тиш қайраб турарди. Компания агенти жон бошига атиги қирқ қадокдан ун ва йигирма қадокдан тўнғиз ёғи тарқатди. Ловия отлиққа ҳам йўқ эди. Итлар улиганиулиган, одамларнинг эса курсоқлари бўшаб, юзларини чуқур-чуқур ажинлар босганди. Кучлилар кучсизландилар, кучсизлар ҳалок бўла бошладилар. Қўналғада зангила<sup>1</sup> касали авж олди.

Бир куни кечкурун биз озик-овқат омборига бордик ва куп-куруқ пештахталарни кўриб, очликни баттарроқ ҳис этдик. Гулхан ёруғида ўтириб суҳбатлашдик, чунки баҳоргача етсин деб шамларни ғоят тежардик. Хуллас, бошимизга тушган кулфат хабарини етказиш учун бирор кишини Шўр Сув тарафга жўнатишга қарор қилинди. Шунда ҳамма бошлар мен томонга бурилди, кўзлар эса менга умидвор боқардилар, зотан, ҳамма мени тажрибали сайёҳ деб биларди.

– Денгиз бўйидаги Хейнс миссиясигача етти юз миля, – дедим, – бутун йўлни чанғида босиб ўтиш керак. Энг яхши итларни ва энг яхши озик-овқат захирасини менга беринг, йўлга чиқаман. Пассук ҳам мен билан кетади.

Одамлар рози бўлишди. Шу маҳал Дароз Жефф ўрнидан турди. У елкадор, бақувват одам эди. Жефф ўзини хўб мактади. Айтдики, у гўё кўпни кўрган сайёҳ эмиш, атай

---

<sup>1</sup> Дармон қуриши ва очлик туфайли пайдо бўладиган милк касаллиги (изоҳлар таржимонники).



чанғида юриш учун яратилганмиш ва урғочи кўтос сунтини эмиб катта бўлганмиш. У менга ҳамроҳ бўлишини, агар йўлда ҳалок бўлсам, миссияга бир ўзи етиб бориб, топширикни адо этишини билдирди. Мен у кезлар ғўр эдим, янкилар<sup>1</sup>ни яхши билмасдим. Мақтанчоқлик ожизликнинг биринчи аломати эканини, катта ишларга кодир кишилар эса тилларини тийиб юришларини қаердан билай? Хуллас, энг яхши итларни ва озик-овқат захирасини олиб, учовлон йўлга тушдик: Пассук, Дароз Жефф ва мен.

Хувиллаган бийдай маконда қорни топтаб, сўқмоқ очиш, таёқ тутиш ва муз қуршови орасидан йўл топиш нима экани ўзингизга маълум, шу боис йўл машаққатлари тўғрисида кўп гапирмайман. Энг яхши итлар базўр оёқда турар, биз уларни бир амаллаб чаналарни тортишга мажбур этардик. Уайтриверга етганимизда учта чанадан иккитаси қолди, ҳолбуки, биз энди икки юз миля юргандик! Тўғри, биз ҳеч нима йўқотмадик: ўлган итлар тирик итларнинг жиғилдонига тушди.

Пеллига етгунча на инсон қорасини кўрдик, на гулхан тутунини. Пеллида озик-овқат захирамизни тўлдириб олиш, шунингдек, йўлда силласи қуриган ва ғингшийвериб жонга теккан Дароз Жеффни қолдириш умидида эдим. Лекин озик-овқат идорасининг омбори деярли бўшаб қолган экан. Компания агенти кучли йўталдан қийналиб нафас олар, кўзлари безгақдан йилтирарди. У миссионернинг бўм-бўш кулбасини, итлар жасадни тортиб чиқармасинлар, деган мақсадда унинг тошлар қалаштириб ташланган қабрини кўрсатди. Нарирокда бир тўда хиндуларни учратдик, лекин улар орасида болалар ва кексалар йўқ эди, тириклардан ҳам кўпи баҳорга етолмаслигини сездик.

---

<sup>1</sup> Янкилар – америкаликларнинг лақаби.

Хуллас, курсоқларимиз бўш ва кўнглимиз чўккан ҳолда йўлда давом этдик. Хейнс миссиясига қадар мангу қорлар ва оқ сукунатни оралаб беш юз миля босиш керак эди. Йилнинг ёруғлик энг кам тушадиган вақти эди, қуёш ҳатто чошгоҳ маҳали ҳам кунюрар уфқини ёритмасди. Аммо муз тўсиқлари камайиб, юришимиз осонлашди. Мен итларни тинимсиз ҳайдардим, биз деярли тўхтамай йўл босаётгандик. Ўйлаганимдек, муттасил чанғида юришга тўғри келди. Чанғи эса баданимизни қаттиқ оғритар, оёқларимизда битмайдиган яралар, товонимизда ёриқлар пайдо бўлганди. Оғриқлар вақт ўтгани сайин қаттиқ азоб бера бошлади. Бир куни эрталаб энди чанғиларни таққан эдик, Дароз Жефф ёш боладай йиғлаб юборди. Мен уни кичик чаналар учун йўл шиббалашга олдинга жўнатдим, лекин у енгилроқ бўлсин деб чанғиларини ечди. Натижада йўл яхши топталмади, итлар унинг мўкасинидан қорда ҳосил бўлган чуқурларга тушиб кетишди. Итларимиз озиб-тўзиб, қуруқ терию устихонга айланган, минг машаққат билан олға босишарди. Мен Жеффни қаттиқ койидим, у чанғиларни бошқа ечмасликка ваъда берди, аммо сўзида турмади. Шунда уни таёқ билан урдим, шундан сўнггина итлар қорга йиқилмайдиган бўлди. Жефф ўзини ёш боладай тутарди; йўл азоби ва ёғ деб аталган нарса уни гўдакка айлантирганди.

Пассук-чи? Жефф эркак бўла туриб, гулхан ёнида узола тушиб ётган ва хўнг-хўнг йиғлаётган пайтда у егулик тайёрлар, эрталаблари итларни кўшишда, кечқурунлари эса уларни чанадан бўшатишда кўмаклашарди. Итларимизни эҳтиётлаган ҳам Пассук бўлди. У чанғида ҳаммадан олдинда итларнинг йўлини шиббалаб борарди. Пассук... Очиғи, ўшанда унинг жонбозлигини табиий деб қабул қилдим ва бу ҳақда ортиқча бош қотирмадим. Хаёлим бошқа ўйлар билан банд эди, устига-устак, ёш

эдим, аёлларни унчалик билмасдим. Кейинроқ, ўша кунларимни эслагачгина хотинимнинг қандай аёл бўлганини англадим.

Жефф бизга тирик товон бўлиб қолган эди. Итлар кучдан қолган, у бўлса орқада қолган пайтларида чанага осилиб оладиган қилиқ чиқарди. Пассук чанани ўзи бошқарар, Жеффга иш қолмаганди ҳисоб. Ҳар куни эрталаб мен унинг овқатдаги улушини тўлиқ берардим ва у ҳаммадан олдин туриб кетар, биз эса буюмларни йиғиштириб, чанага ортардик ва итларни қўшардик. Бир куни чошгоҳда унга етиб олдик. Жефф йиғлаганча оёғини судраб борар, чаккаларида ёш музлаб қолганди. Унга эътибор бермай ўтиб кетдик. Тунда дам олиш учун кўндик, Жеффнинг овқатини ва жунчойшабини тайёрлаб кўйдик. Сўнг унга белги бўлсин деб каттакон гулхан ёқдик. Бир неча соатдан сўнг у оксай-оксай келди, шикоят қила-қила улушини еб ётди. Ҳар куни шу ҳол такрорланаверди. Бу одам касал эмасди, шунчаки чарчаган ва очликдан дармони қуриган эди, холос. Ҳолбуки, ҳамма ишни биз қилардик, унга юмуш қолмаганди. Лекин ҳамма бало Беттлз оғам айтган бадандаги ортиқча ёғда эди, ахир, биз овқат тақсимлашда унинг улушига хиёнат қилмасдик.

Кунларнинг бирида Оқ Сукунат қўйнида тентираб юрган икки шарпага дуч келдик: бир эркак ва бир бола. Улар оқтанли эди. Ле-Барж кўлида муз кўчиб, уларнинг ҳамма буюмларини олиб кетибди, ҳар бирининг елкасида биттадан жунчойшаб қолганди, холос. Тунлари улар ҳам гулхан ёқишар ва олов ёнида қунишиб ўтирганча тонг оттиришарди. Уларда озгина ун бор экан, уни илиқ сувга қориб ичишарди. Эркак менга саккиз товоқ унни кўрсатди – бор захиралари шу экан. Олдиндаги энг яқин манзил – Пеллигача икки юз миля юриш керак, аммо у ерда ҳам очлик бошланган эди. Йўловчилар уларга бир

ҳинду ҳамроҳлик қилганини ва овқатни у билан тенг бўлишиб еганларини айтишди. Лекин ҳинду негадир уларни тарк этибди. Мен бунга ишонмадим, овқатни қизганишмаган бўлсалар, ҳинду нега улардан айрилади?

Биз уларга ҳеч вақо беролмасдик. Улар энг семиз итимизни (аслида у ҳам жуда озгин эди) ўғирлашга уришиб кўришди, бироқ мен револьвер ўкталиб, уларни ҳайдадим. Бу икки шарпа худди мастдек чайқалиб, Оқ Сукунат қўйнида Пелли томон кетди.

Энди бизда атиги учта ит ва битта чана қолган, итларнинг териси устихонига ёпишиб кетганди. Ўтин оз бўлса, гулхан яхши ёнмайди ва кулба исимайди. Бизнинг аҳволимиз ҳам худди шундай эди. Кам овқатланардик, шу боис совуқ суяк-суягимиздан ўтарди; бетимизни совуқ уриб шундай қорайтиргандики, кўрганда туққан онамиз ҳам танимаган бўларди. Оёқларимизнинг оғриғига зўрға чидардик. Тонгда, йўл ҳозирлигини кўраётганда бақириб юборишдан ўзимни аранг тиярдим – чанғилар шу қадар каттик оғритардики! Пассук чурқ этмай олдинда борар ва йўлни шиббаларди. Янки эса оҳ-воҳ қилар, йиғларди.

Ўттиз миляли дарёда оқим тез бўлгани сабабли баъзи жойларда сув музни ювиб кетади. Биз фақат музи юпқалашган, ўйилган-ёрилган, баъзан бутунлай сувли жойлардан чиқардик. Кунларнинг бирида одатдагидек Жеффага етиб олдик: у биздан аввал йўлга чиққан ва энди нафас ростлаётганди. Бизни сув ажратиб турарди. У сувни четлаб, муз устидан ўтган бўлса керак, аммо бу музлик жой чана юришига торлик қиларди. Биз яқин жойдан яна бир мустаҳкам муз йўлакча топдик. Пассук таёқни қўлига олиб, муз устидан биринчи бўлиб ўтди. У энгил ва чанғилари кенг бўлгани учун эсон-омон ўтиб олди, сўнг итларни чақирди. Лекин итларда на таёқ бор, на чанғи, натижада улар сувга йиқилди. Кучли оқим итларни бағрига олди, шунда уларнинг бўйинбоғлари узилиб,

муз остига шўнғиб кетди. Тўғри, итларимиз жуда орик эди, аммо танг қолганимизда улар лоақал бир ҳафталик озиғимиз бўларди, деган умидда эдим. Мана, энди улар ҳам йўк!

Эртасига эрталаб бор озиқ-овқатимизни уч кишига тенг бўлдим. Жеффга энди ихтиёр ўзингда, истасанг, биз билан юр, истамасанг, қол, бизнинг юкимиз енгиллашди ва тезроқ юришимиз зарур, дедим. У бақириб-чақириб, пўла бўлган оёғини ва бошқа баҳоналарни рўқач қилди, мени оқибатсиз дўстликда айблаб бошлади. Аслида, Пассук иккимизнинг оёқларимиз уникидан баттарроқ оғрир эди, чунки биз итларга йўл очгандик, бу эса осон иш эмасди. Дароз Жефф, ўлсам ўламанки, бу ердан бир қадам ҳам жилмайман, деб онт ичди. Пассук лом-мим демасдан унинг жунчойшабини, мен эса қозонча ва болгани олдик ҳамда йўлга отландик. Аёл Жеффга ажратилган улушга қараб: «Бу мишиқига шунча егулик қолдириш аҳмоқлик. Унинг ўлгани яхшироқ бўларди», деди. Мен бош чайқадим: «Йўк, дўст доим дўст бўлиб қолиши керак». Шунда Пассук менга Қирқинчи милядаги одамларни эслатди. У ерда яхшилик ва дўстликни қадрлайдиган қанча инсонлар бор, ахир, улар мендан ёрдам кутишаётганди. Мен яна бир қарра йўк дегандим, у белимдан револьверни шарт суғуриб олди-да, боя Бетлз оғам айтганидек, Дароз Жеффни муддатидан аввал бобокалонлари хузурига равона қилди. Пассукни сўқдим, лекин у қилмишидан пушаймон бўлмади, заррача ачинмади ҳам. Мен ич-ичимда унинг тўғри қилганини тан олардим.

Ситка Чарли хикоясини тўхтатиб, печка устидаги тоғорачага яна бир нечта муз бўлагини ташлади. Эркалар ҳамон жим эди. Итларнинг даҳшатли изғириндан нолиётгандек зорланиб улишлари уларнинг юракларига оғриқ соларди.

– Ҳар куни йўлда чўғи ўчган гулханларга дуч келардик, уларнинг ёнида, шундоққина қор устида ҳалиги

икки шарпа тунаган бўларди, – ҳикоясини давом эттирди Ситка Чарли. – Мен билардимки, то Шўр Сувга етгунча биз ҳам бир неча марта тунни шу тарика ўтказишга мажбур бўламиз. Ниҳоят, учинчи шарпани – ҳиндуни учратдик, у ҳам Пеллига кетиб борарди. Ҳинду бизга ҳалиги ота-бола овқатни у билан баҳам кўришдан бош тортишганини, уч кундан буён ейишга уни йўқлигини гапириб берди. Ҳар тун у мўқасинидан бир парча чарм қирқиб олар ва қайнатиб, тамадди қилар экан. Энди мўқасинидан деярли ҳеч нарса қолмаганди. Ҳинду соҳил бўйида яшовчи қабиладан эди, мен у билан Пассук тилмочлигида гаплашдим. У ҳеч қачон Юконда бўлмаган, йўлни ҳам билмас, шунга қарамай ўша томонга борарди. Ортга қайтиши учун у жуда узоқ йўл босиши лозим бўлар, бинобарин, олға юришдан бўлак чораси йўқ эди.

У биздан егулик сўрамади, чунки ҳолимиз танглигини кўриб турарди. Пассук, худди жўжалари кулфатда қолган какликдай, гоҳ менга, гоҳ ҳиндуга жавдираб боқар, нимадир демокчидек бўларди. Мен унга ўгирилиб, шундай дедим:

– Бу одамга нисбатан адолатсизлик қилишибди. Овқатимиздан пича берамизми?

Унинг кўзларида қувонч балқиганини кўрдим, бироқ гоҳ менга, гоҳ ҳиндуга узоқ тикилгач, лабларини қимтиганча гапни чўрт кесди:

– Йўқ. Шўр Сувгача ҳали олис, йўлда бизга ўлим хавф солади. Яхшиси, у бегона одамни ўлдирсин, бизга тегмасин, – деди.

Ҳинду Оқ Сукунат аро Пеллини кўзлаб йўлида давом этди.

Тунда Пассук йиғлади. Унинг кўз ёшларини илгари ҳеч кўрмагандим. Бу гулхан тутунидан эмасди. Унинг қайғуси мени ажаблантирди, изғирин ва азоб унинг иродасини синдирибди, деган хаёлга бордим.

Ҳаёт – ғалати нарса. Мен у ҳақда хўп ўйлаганман, кўп фикр юритганман, лекин у ҳақда қанча ўйламайин, бирор якуний хулоса чиқаролмаганман. Ҳаёт дегани тасаввуримга тушунарсиз ва чигал нарса сифатида муҳрланган. Нега биз ҳаётга бу қадар чанқоқмиз? Ахир, ҳаёт бир ўйинки, унда инсон ҳеч қачон ғолиб бўлолмайди. Яшамоқ – то қариллик писиб келгунча оғир ва азобли меҳнатга гирифторм бўлмоқ демак, ахийри сўнган гулхандан қолган кул уюми ёнида жон таслим этамиз. Бола азоблар ичида дунёга келади, кекса одам азоблар ичида сўнги бор нафас олади, бизнинг барча кунларимиз шундай изтироб ва ташвишларга тўла. Шундай бўлса-да, инсон ўлимнинг очиқ кучоғига киришни истамайди: қоқилади, уринади, ортига қарайди, сўнги лаҳзагача курашади. Ахир, ўлим меҳрибон-ку. Бизга фақат ҳаёт азоб беради. Лекин уни севамиз, ўлимни эса ёмон кўрамиз. Мана, ҳаётнинг ёзилмаган қонуни. Бу жуда ғалати!

Пассук билан кам сўзлашардик. Кечаси қор устида ўликдай жонсиз ётардик, эрталаб эса ўликлар каби сассиз йўлга отланардик. Теварагимиздаги барча нарсалар, бутун борлиқ жонсиз ҳолатда эди гўё. Қимирлаган жон йўк: на какликлар, на олмахонлар, на қуёнлар. Дарё ўзининг оқ кўрпаси остида сокин оқарди. Ҳатто дарахтларнинг шираси ҳам музлаб қолганди. Ҳаво ҳозиргидай қаҳратон эди. Атрофда на бир гулхан бор, на тик этган товуш – фақат совуқ ва Оқ Сукунат. Биз вақт ҳисобини йўқотиб, баайни мурдалардек кетиб борардик. Кўзларимиз Шўр Сув томонга қадалган, фикру хаёлимиз Шўр Сув ҳақида эди, оёқларимиз ҳам бизни Шўр Сувга судрарди. Биз Такхинада тўхтадик, лекин уни танимадик. Кўзларимиз Уайт Хорс яқинидаги ерларга қаради, лекин уларни кўрмади. Оёқларимиз Каньонга қадам қўйди, лекин бунни сезмадик. Биз тез-тез қорға йиқилардик, аммо йиқилаётганда ҳам кўзимиз Шўр Сув тарафда бўларди.

Нихоят, бир кун Пассук пичирлаб шундай деди:

– Сен менинг эримсан, Чарли, сенга яхши хотин бўлдим. Сенинг гулханигни ёқдим, овқатингни пиширдим, итларингни боқдим, эшкак эшдим, қорни топтаб йўл очдим, лекин ҳеч қачон нолимадим. Сенга ҳеч қачон, отамнинг чодирини иссиқроқ эди ёки Чилкутда овқатимиз кўпроқ бўларди, демадим. Сен сўзласанг, мен тингладим. Сен буюрдинг, мен бош эгдим. Шундай эмасми, Чарли?

– Ҳа, шундай, – дедим мен.

– Сен илк бор Чилкутга келиб, менга лоақал бир марта киё боқмасдан, худди ит харид қилгандай сотиб олиб, ўзинг билан олиб кетганинда қалбим сенга қарши исён кўтарган, алам ва кўркувга лиммо-лим эди, – давом этди у. – Лекин ўшандан бери кўп сувлар оқиб кетди. Сен мени аядинг, Чарли, худди яхши одам итини аяганидек. Юрагинг совуклигича қолди, унда менга ўрин йўқ эди, бироқ сен менга нисбатан доимо одил бўлдинг. Сен жасоратли ишларга жазм этганинда ёнингда турдим ва улкан хавф-хатарлар билан юзлашишдан чўчимадим. Сени бошқа эркаклар билан такқосладим, уларнинг кўпларидан кўра яхшироқ эканингни, ўз номусингни сақлай олишингни, сўзларинг – оқилларнинг сўзлари, тилинг эса ростгўйлар тили эканини кўрдим. Сен билан фахрлана бошладим. Кейин шундай пайт келдики, қалбим бутунлай сеники ва барча ўй-хаёлларим сен ҳақингда бўлди. Сен мен учун авжи ёз палласидаги қуёш каби эдинг, бу қуёш олтин пиллапоясидан фақат юқорига ўрлар ва ҳеч қачон осмонни тарк этмасди. Кўзим қаёққа тушмасин, ҳамма жойда фақат қуёшни кўрардим. Аммо сенинг юрагинг, Чарли, совуқ эди, унда менга жой йўқ эди.

– Ҳа, шундай эди. Қалбим совуқ эди, унда сен учун жой топилмасди, – дедим унинг сўзларига жавобан. – Лекин илгари шундай эди. Ҳозир менинг юрагим баҳор қуёшига тутилган қорли масканни эслатади. Унда бутун



борлиқ эриб, жилғалар шовулламоқда, табиат яшилланиб, гуллаб бормоқда. Какликлар сайроғи, кўнғизларнинг визиллаши, мусика оҳанглари эшитилади унда, чунки киш мағлуб бўлди, Пассук, мен аёл севгисини англаб етдим.

У жилмайиб, мени қаттиқ кучоқлади. Сўнг:

– Мен бахтиёрман, – деди.

Шундан кейин у бошини кўксимга қўйиб, оҳиста нафас олган кўйи узок вақт жим қолди. Сўнг яна шивирлади:

– Менинг йўлим шу ерда адоғига етади, мен чарчадим. Лекин аввал сенга бир нарсани айтиб бермоқчиман. Кўп йиллар бурун, қизалоқлик чоғимда отамнинг Чилкутдаги вигвамида<sup>1</sup> ёлғиз қолардим, аёллар ва ўғил болалар эса эркаклар ўрмонда овлаган ёввойи ҳайвонларни ташигани кетардилар. Шундай кунларнинг бирида мен тери устида ёлғиз ўйнаб ўтирардим. Бир маҳал эндигина киш уйкусидан тургани учун ориқ ва оч, катта кўнғир айиқ вигвамга калласини сукди ва наъра тортди: «Ў-ў-ў, ў-ў-ў!»! Айни шу дақиқада ўлжалар ортилган чанани ҳайдаб акам келиб қолди. У ўчоқда ёниб турган ўтинни олиб, тап тортмай айиқ билан олиша кетди, итлар эса чанани судраганча айиққа тармашдилар. Катта олишув ва тўс-тўполон бўлди. Улар оловни топтаб ташладилар, ерга тўшалган тери йиртилиб тўзғитилди, вигвам қулади. Ахийри, айиқ жон таслим қилди, лекин акамнинг бармоғи айиқнинг жағида қолди, айиқ тирноқлари унинг юзига из солган эди. Пелли томон кетаётган ҳалиги хинду қўлларини оловга тутиб иситганида, бош бармоқларидан бири йўқлигини пайқадингми?.. У менинг акам эди. Лекин мен унга овқат бермадим ва у Оқ Сукунат кўйнига оч-наҳор кетди...

Оғалар, Буғу довони қорларида жон берган Пассукнинг муҳаббати ана шундай эди. Бу буюк муҳаббат! Зо-

---

<sup>1</sup> Вигвам – Шимолий Америка хиндуларининг ўтовсимон кулбаси.

тан, аёл уни машаққатли йўлдан аччиқ хотимага томон олиб кетаётган эркакни деб ўз акасини қурбон қилган эди. Муҳаббати шу қадар кучли эдики, Пассук ўзини қурбон қилди. Кўзларини мангуга юмиши олдидан у менинг қўлимдан тутиб, олмахон мўйнасидан тикилган нимчаси ичига суқди. Унинг белида қаттиқ тугилган халтача боғланганини сездиму ҳаммасини тушундим. Биз ҳар куни у билан овқатни тенг бўлишардик, аммо у ўз улушининг фақат ярмини еб юрган, қолганини эса шу халтачага солиб, мен учун ғамлаган экан.

Пассук шундай деди:

– Мана, Пассукнинг йўли тугади; сенинг йўлинг эса, Чарли, тугамаган, у сени буюк Чилкут оша денгиз бўйидаги Хейнс миссиясига элтади. У сени ҳали куёшнинг нурларига кўп марта тоблайти, кўп манзилларга, бегона ерларга ва номаълум дарёларга олиб боради. Бу йўлда эса сени иззат-икром ва шон-шухрат кутмоқда. У сени кўп аёлларнинг ошиёнларига етказди. Улар яхши аёллар, Чарли, бироқ сен ҳеч ерда Пассукникидан буюкроқ муҳаббатни учратмайсан.

Унинг ҳақлигини билиб турардим. Ақл-хушим бошимдан учди. Халтачани улоқтириб юбордим ва менинг ҳам йўлим битганини айтиб, унинг ёнида қолишга онт ичдим. Пассукнинг толиққан кўзларига ёш қалқиб чиқди. У мени аҳдимдан қайтаришга уринди:

– Ситка Чарли одамлар орасида ҳалоллиги билан ажралиб туради, унинг ҳар бир сўзида ҳақиқат намоён бўлади. Энди у ўз шаънини унутган шекилли, Буғу довонида ножоиз сўзларни гапирмоқда. Наҳот, Ситка Чарли унга ўзларининг энг яхши овқатларини, энг яхши итларини берган Қирқинчи Милядаги одамларни унутган бўлса? Пассук доим эридан фахрланиб келган. Энди Чарли ўрнидан турсин, чанғиларини кийсин ва йўлга отлансин, токи мен яна у билан ифтихор қилай.

Унинг танаси кучоғимда секин-аста совигач, кўз-ғалдим, тикқачоқ халтачани топдим, чанғиларимни илдим ва чайқала-чайқала йўлга чиқдим. Тиззаларим қалтирар, бошим айланар, қулоғим шанғиллар, кўзларим олдида эса ўт чакнарди. Болаликнинг унутилган хотиралари кўз ўнгимдан липиллаб ўтди. Ўзимни гоҳ иссиқ чодирда, биқирлаб қайнаб турган қозон ёнида, гоҳ эркаклар ва қизларнинг морж териси қопланган довул садоси жўрлигидаги қўшиғига рақс тушаётган ҳолда кўрардим, гоҳ Пассук билан ёнма-ён кетиб борардик, у кўлимдан тугиб олган эди. Агар ухлаб қолсам, мени уйғотарди. Қора терга ботиб йиқилганимда, мени турғизиб қўярди. Чуқур қор ичида адашсам, яна йўлга солиб қўярди. Шу тариқа, ақл-хушдан маҳрум ёки боши шаробдан оғирлашиб, кўзига ғалати нарсалар кўринаётган барча одамлар каби довдирай-довдирай денгиз бўйидаги Хейнс миссиясига етдим...

Ситка Чарли ўрнидан турди ва эшик ўрнига қўйилган брезент парчасини кўтариб, ташқарига чиқди. Кун чошгоҳга етган эди. Қуёшнинг совуқ гардиши жанубда Гендерсон тизмасини нурафшон этиб, муаллақ турарди. Ҳаво ярқироқ қиров зарраларидан тўкилган ўргимчак тўрини эслатарди, олдинда, йўл ёқасида юнгига қиров қўнган ит тумшуғини осмонга кўтарганча аламли увларди.

## БИР БЎЛАК ГЎШТ

Том Кинг товоқ тагини сўнгги тишлам нон билан сидириб тозалагач, оғзига солиб узоқ ва ҳафсала билан чайнади. Стол ёнидан тураркан, гарчи бор овқатни бир ўзи еган бўлса-да, қорни тўймаганини ҳис этиб юраги сиқилди. Шерик бўлишмасин деб, хотини икки боласини ҳам қўшни хонага олиб чиқиб, барвақт ухлатди. Аёл ҳам овқатга қўл ургани йўқ, ташвишманд қиёфада эри-

ни жимгина кузатиб ўтирди, холос. Ишчи оиласидан чиққан озгин, дардманд бу аёлда ёшлик таровати оз-моз сакланиб қолган эди. Бугун у қайла пишириш учун кўшнилардан қарзга ун олди. Охирги икки пеннини эса нонга харжлади.

Том Кинг дераза ёнидаги шалоқ курсига ўтиргани ҳамон одатича лабига трубкасини қистириб, ён чўнтагига кўл юборди. Тамакиси тугаганини билиб ҳушига келгач, хаёлпарастлиги учун ўзидан ғижиниб, трубкани четга суриб кўйди. Унинг ҳаракатлари суст, беўхшов эди, гўё ўз мушакларининг залворидан силласи қуригандай. Том калладор, баҳайбат гавдали одам бўлиб, қиёфаси кўзга кўпам ёқимли кўринмасди. Кўпол ва униққан кийими эгнида халта мисол осилиб турарди. Оғир пошнали яғир бошмоқлари ҳам аллақачон умрини ўтаб бўлган, икки шиллинг турадиган арзонгаров кўйлагининг илвираган ёқасидаги доғларни эса минг ювган билан кеткизиб бўлмасди.

Фақат боксчиларга хос сиёғига қараб, Том Кингнинг касб-корини беҳато айтиб бериш мумкин эди. Рингда ўтган кўп йиллар унинг ҳаётига ўз муҳрини босган, қиёфасига олишишга шайланаётган йиртқич сергаклигига ўхшаш алланималарни сингдирганди. Бу тунд қиёфа, гўё ҳар бир чизиғи иложи борича яққол бўртиб туриши учун, соқол-муртдан киртишлаб тозаланган эди. Шаклсиз лаблари хийла дағал, оғзи эса чандиқни эслатарди. Оғир, чўнг жағи туртиб чиққанди. Солқи қовоқлари остидаги кўзлари ва бутасимон қошлари секин ҳаракат қилар, қарийб маъносиз эди. Бироқ, шубҳасиз, Кингнинг қиёфасида ҳайвоний нимадир бор эди, айниқса, ҳамлага тайёр шерники каби кўзларида. Тор пешонаси қия тушган, калта кузалган сочлари тагидан хунук бошининг ҳар бир бўртиғи манаман деб турарди. Икки марта синган, саноксиз зарбалардан ҳар кўйга солинган бурни ҳамда

доим шишиб юрадиган, қайта-қайта мажақлангани боис одатдагидан икки баравар катталашган шалпанг қулоғи, албатта, унинг ҳуснига ҳусн қўшмас, яқиндагина киртишланган, аммо чаккасидаги уч бериб қолган соколи юз терисига кўкимтир тус берганди.

Қисқаси, Том Кинг қоронғи муюлиш ёки бирон овлок жойда учраганида одамни сескантирадиган қиёфа эгаси эди. Шундай бўлса-да, у мутлақо жинойтчи эмасди, жинойтга дахлдор ҳеч иш ҳам қилмаганди. Ҳар замон сўқинишини айтмаса – у яшайдиган муҳитда бу табиий ҳол – ҳеч кимсага зарар етказмаганди. Ҳеч ким ҳеч қачон унинг биров билан ёқалашганини кўрмаган. Том Кинг профессионал боксчи эди ва бутун қаҳр-ғазабини профессионал жанглари учун сақларди. Рингдан ташқарида у тепса-тебранмас, мулойим одамга айланарди, ёшлик йилларида қўлига тушган пулларни сахийларча улашган эди. У бировга кек сақламас, душманлари кам эди. Ареналарда муштлашиш унинг учун яшаш воситаси ҳисобланарди. Рингда у рақибига шикаст етказиш, ҳолдан тойдириш, яксон этиш мақсадида зарбалар берар, аммо бунини беғараз қилар эди. Унинг учун бу оддий иш жараёни эди. Томошабинлар рақиблар қандай қилиб бир-бирларини нокаут қилишларини кўриш учун тўпланардилар, пул тўлардилар.

Пул мукофотининг катта қисми ғолибга тегарди. Том Кинг йигирма йил бурун Улумул Гужер билан тўкнаш келганида, унинг Ньюкаслдаги мусобақада синган пастки жағи битганига энди тўрт ой бўлганидан хабардор эди. У рақибининг айнан шу жағини мўлжалга олди ҳамда тўккизинчи раундда уни яна синдирди. Гужерга адоват сақлагани учун эмас, балки бу Гужерни сафдан чиқаришнинг энг тўғри йўли бўлгани ва мўмай мукофотни қўлга киритиш учун эди. Гужер ҳам унга ғазаб қилмади. Зотан, ўйин қонунини шундай эди, икковлари ҳам бунини билар ва унга амал қилардилар.

Том Кинг камгап киши эди. Дераза олдида жим ўтираркан, у хўмрайиб қўлларига қаради. Қўлининг устки қисмидаги калин қон томирлари бўртиб чикқан, бармоқларининг япаски бўғимлари эса қайси корга яраганларидан дарак берарди. Том Кинг инсон ҳаёти – артериялар ҳаёти, деган гапни ҳеч қачон эшитмаган, бироқ бу калин ва шишган веналарнинг нимани англатишини у яхши биларди. Унинг юраги кучли босим билан қон ҳайдарди бу томирларга. Ҳозир улар вазифасини аввалгидек бажаролмасди. Зўриктира-зўриктира уларни қайишқоқлик хусусиятидан маҳрум этган, шу билан бирга, ўзи ҳам аввалгидек чидамли эмасди. Энди у тез толиқар, бир маҳаллардагидек бонгдан бонггача: гоҳ арқонга тиралиб, гоҳ рақибини арқонга тираб ва раунддан раундга зўрайиб, сўнгги – йигирманчи раундда бутун зал оёққа қалқиб гувиллай бошлаган маҳал бор шиддати ва қувватини жамлаб ҳужум қилиш, уриш, чап беришга ҳоли етмасди. Рақибига қайта-қайта зарбалар бўронини йўллаш учун бетиним уришолмасди. Жанг чоғида шишиб кетадиган томирлари кейин бўшашарди, лекин бутунлай эмас, озгина, сўнг кўз илғамас даражада аввалгидан кенгайиброқ қоларди, холос.

Том Кинг томирлари ва пачоқ бўғимларига боқаркан, «Уэльслик Олабўжи» лақаби билан машҳур Бенни Жоннинг калласига тегиб, илк бор суякчаларидан бири сингунига қадар бу қўллар худди ўспиринларникидек чиройли бўлганини эслади.

Шу маҳал уни яна очлик безовта қилди.

– Эҳ! Наҳотки, бир бўлак гўшт топишнинг иложи бўлмаса?! – гўлдиради у баҳайбат муштларини тугиб ва паст овозда сўкиниб қўйди.

– Мен уриниб кўрдим, Беркдан ҳам, Соулейдан ҳам сўрадим... – гуноҳқорона минғиллади хотини.

– Беришмадими?

– Ярим пеннилик ҳам беришмади. Берк айтдики... –  
Аёл тутилиб қолди.

– Гапингни охирига етказ! Нима деди у?

– Шундоғам ундан қарзга ейишга анча нарсалар олганимизни юзимга солди. Иннайкейин, айтдики, Сэндл сенинг адабингни бериб қўярмиш.

Том Кинг «Ҳм-м, шунақами?» деб қўйди, ортиқ лом-мим демади. Дафъатан бир пайтлар ўзи бокқан бультерьер зотли ит ёдига тушди. Том уни нукул лаҳм гўшт билан боқарди. Ўшанда Берк мингта бифштексни ҳам бемалол қарзга берган бўларди унга. Бироқ замонлар ўзгарди. Том Кинг қариди, иккинчи даражали клублардаги мусобақаларда қатнашадиган кекса боксчилар эса дўкандорлардан арзигулик ул-бул қарз олишга умид қилолмайдилар.

Том Кинг бугун бир бўлак мол гўштига кўнгли суёт кетиб уйғонгани ва бу истак ҳеч сусаймаётганиди. Боз устига, у бўлажак олишув олдидан етарлича шуғулланмаган. Австралияда бу йил қуруқ келди: ҳамманинг аҳволи танг, иш топиш амримаҳол. Томнинг шерикликда машғулот ўтказадиган кишиси йўқ эди, ейиш-ичиши ҳам бетайин, қорни аҳён-аҳёндагина тўярди. Баъзида у, агар омади чошиб қолса, бир неча кун қора ишларни бажарар, эрталаблари эса оёғининг чигалини ёзиш учун бутун Домен паркини айланиб югарарди. Аммо шериксиз шуғулланиш барибир қийин, бу ҳам етмагандек, агар хотининг ва бола-чақанг ошонон сўраб турган бўлса. Сэндлга қарши бўлғуси жанг дўкандорларни ийдиролмади. Гейети-клуб котиби ғолибга аталган мукофот ҳисобидан уч фунтгина берди бор-йўғи, бундан ортиқ пул беришга рози бўлмади. Вақти-вақти билан эски кадрдонларидан бир неча шиллинг униб қоларди; қурғокчилик туфайли ўзлари

кийналиб қолишмаганида эди, улар бажонидил Томга кўпроқ қарз берган бўлардилар. Ҳа, яширишга на ҳожат, у мусобақага ёмон тайёрланганди. Тузукрок овқатланиш, турмуш ташвишларини нари суриб кўйишга имкон йўқ эди. Қолаверса, қирқ ёшда формага кириш йигирма ёшдагидек осон кўчмайди.

– Соат неча бўлди, Лиззи?

Хотини соатни сўраш учун қўшниникига югурди ва бирпасда қайтди.

– Чорак кам саккиз.

– Биринчи жанг ҳадемай бошланади, – деди у. – Бу фақат синов. Кейин Диллер Уэллс ва Гридди – тўрт, сўнг Скайлайт ва қандайдир матрос эса ўн раундлик жанг ўтказадилар. Менинг галим келишига камида бир соат бор экан.

У яна ўн дақиқа жим ўтиргач, отланди.

– Очиғи, Лиззи, мен рисоладагидек шуғулланолмадим.

Кинг шляпасини олиб, эшикка қараб юрди. Хотинини ўпмади, ҳеч қачон хайрлашув олдидан уни ўпмасди. Лекин бу оқшом аёлнинг ўзи уни ўпишга қарор қилди ва эрининг бўйнидан кучиб, эгилишга мажбур қилди, девкомат эрининг ёнида у жимитдек бўлиб қоларди.

– Омадингни берсин, Том, – шивирлади у. – Сен енгишинг керак...

– Ҳа, мен уни енгишим шарт, – такрорлади у. – Енгишим керак, вассалом!

Том ўзини кайфи чоғ қилиб кўрсатмоқчи бўлиб қулди. Хотини уни қаттиқроқ кучди. У аёлининг елкаси оша факирона кулбасини кўздан кечирди. Дунёга келиб нима топган бўлса, ҳаммаси шу ерда эди: қачонлардан буён ижара ҳақи тўланмаган хона, хотини ва фарзандлари. Ҳозир эса, тун бўлишига қарамай, аёли ва болаларига егулик топиб келиш учун уларни тарк этади, бироқ у егуликни ҳозирги ишчилар сингари дастгоҳ ёнида



диккинафас, ҳолдан тойдирар меҳнат билан топмайди, балки ибтидоий замонлардагидек ҳайвоний олишувда, бокс жангида қўлга киритади.

– Мен уни енгаман, – яна қайтарди у, лекин бу сафар овозида ғамгинлик сезилди. – Агар енгсам, ўттиз фунт оламан, ҳамма қарзларимизни тўлаймиз, шунда ҳам анча пул ортиб қолади. Енголмасам – ҳеч вақо тегмайди менга, бир пенни ҳам. Ҳатто трамвайда қайтишимга ҳам пул беришмайди. Майли, яхши қол, кампиргинам. Агар енгсам, тўғри уйга келаман.

– Мен ухламайман, сени кутиб ўтираман! – эшик олдида кичкириб қолди аёли.

Гейети-клуб роса икки миля нарида эди. Том Кинг яёв бораркан, ўтмишдаги бахтиёр кунларини хаёлидан ўтказди. У оғир вазнда Жанубий Уэлснинг янги чемпиони эди, мусобақаларга кэбда<sup>1</sup> борарди, унга ғалабаси учун катта пул тиккан бойваччалардан биронтаси ҳамроҳлик қилар ва йўл ҳақини тўларди. Энди бўлса Томми Берне ва анави қоратанли америкалик Жек Жонсон маза қилиб автомобилда юришибди, у эса пою пиёда! Ҳолбуки, роса икки милни яёв босиб ўтиш – энг расво тайёргарлик, буни ким ҳам билмайди дейсиз. У қариган, ҳаёт эса кексаларни аямайди. Энди у ҳеч нарсага ярамайди, фақат қора иш қилишигина мумкин, ўшанда ҳам синган бурнию бадбуруш қулоғи панд бермаса. Бирор хунарнинг бошини тутмагани чакки бўлган экан-да. Шундай кунларда аскотган бўларди. Лекин ҳеч ким, ҳеч қачон бундай маслаҳат бермаган, берганида ҳам барибир бировнинг йўриғига юрмаслигини у ич-ичида тан оларди. Ахир, у кезлар ошиғи олчи эди-да! Даста-даста пуллар, қизғин, шон-шуҳрат келтирувчи жанглар, орадаги таътилларда эса маза қилиб узоқ дам олишлар, кайфу сафо... атрофингни ўраган аён-

---

<sup>1</sup> Кэб – тўрт йўловчига мўлжалланган бир отли извош.

лар, амрингга ҳозир хушомадгўйлар... Елкангга қоқиб мулозамат қилишлар, кўл сиқишлар... беш дақиқа сен билан суҳбат қилиш шарафига ноил бўлиш учун бири кўйиб бири виски тутувчи бойвачча йигитлар... Ва ниҳоят, барча шодликларнинг гултожи – жазавага тушган оломон, шиддатли яқун, «Кинг ғалаба қозонди!» дея жар солган ҳакам, эртаси куни газеталарнинг спорт саҳифаларида унинг исми ўқловдек ҳарфлар билан ёзилган бўларди. Ҳа, суронли йиллар эди у пайтлар! Бироқ ҳозир, бу ҳақда одатдагидек узок ва бафуржа ўй сураб экан, ўша йиллар кўп қарияларни йўлидан супуриб ташлаганини англади. Ўшанда у порлаётган юлдуз эди, навқирон эди. Улар эса юлдузи сўнган кексаларга айланганди. Улар устидан ғалаба доим осон кўчарди, чунки улар қон томирлари шишиб кетган, бўғимлари пачоқ, сонсиз жангларда ортирилган чарчоқ танасига маҳкам ўрнашган одамлар эди. Раш-Каттерс Бэйда қария Стоушер Биллни ўн саккизинчи раундда мағлуб этгани, кейин унинг кийиниш хонасида ёш боладек хўнграб йиғлагани эсида. Балки Билл ўшанда ижара ҳақидан қарздор бўлиб юргандир? Эҳтимол, уни уйида хотин-бола-чақаси кутишгандир? Балки Билл ҳам айни жанг куни оч қолиб, бир бўлаккина мол гўштига зор бўлгандир? Чол таслим бўлишни хоҳламаган ва Том уни беаёв дўппослаганди. Бугун ўзи ўша кўйга тушгач, йигирма йил бурун – ўша оқшом Стоушер Биллга, фақат осон эришиладиган шуҳрат ва осонгина қўлга кирадиган пуллар учун рингга чиққан навқирон Том Кингдан кўра кўпроқ нарса керак бўлганини яққол англади. Стоушер Билл кийиниш хонасида йиғлаган экан, бошқача бўлиши мумкинми? Ҳа, ҳар кимга муайян миқдордаги олишувга етарли куч ато этилган, бундан ортиғига илож йўқ. Жангнинг темир қонуни шундай. Кимдир юзлаб оғир жангларга бардош беради, бошқа биров эса йигирма жангни базўр ўтказади, ҳар кимнинг тана қуввати ва жўшқинлиги

муайян муддатга мўлжалланган, шундан кейин у тамом бўлади. Начора, у – Том Кинг бошқалардан кўра узоқроқ қолди, унинг чекига шафқатсиз, қолдан тойдирувчи жанглар кўпроқ тушар, ўпка ва юрак зўриқишнинг зўридан «пак» этиб ёрилишга бир баҳя қоларди, артериялари қайишқоқлигини йўқотиб, ўсмирларники сингари силлиқ ва юмшоқ мушаклари қаттиқ тугунларга айланар, асаблари нураб борар, саботи дарз кетар, тана ва мия эса бетиним зўриқишдан адоий тамом бўларди. Тўғри, бошқаларга нисбатан чидамлироқ чиқди у! Барча эски оғайнилари аллақачон рингни тарк этиб бўлишган. У қариялар гвардиясининг сўнгги жангчиси. Улар Томнинг кўз ўнгида сафдан чиқдилар, энди у ҳам ўша қисмат остонасида турибди.

Уни кўп қарияларга қарши қўйдилар ва Том уларни бирин-кетин йўлдан итқитиб ташлади, Стоушер Биллга ўхшаганлар кийиниш хонасида обидийда қилганини эшитганида қулди. Энди эса ўзи кексайиб қолди, энди ёшлар унда ўз кучларини синаб кўрадилар. Мана, масалан, анави Сэндлини олинг. У Янги Зеландияда машҳур боксчи. Бироқ бу ерда, Австралияда уни ҳеч ким билмайди. Шу сабабли кекса Том Кингга қарши чиқаришяпти. Бордию, Сэндли ўзини кўрсатолса, унга кучлироқ рақиб топишади ва муқофот пулини кўпайтиришади, бинобарин, бугун у жон-жаҳди билан олишиши муқаррар. Зотан, бу жангда у ҳамма нарсани қўлга киритади – пулни, шон-шухратни, карьерани. Шараф ва бойликка элтувчи бу кенг йўлда тўғаноқ бўлиб кекса, оқсоч Кинг турибди, холос. Том Кинг эса, агар ютса, уй эгаси ва дўкандор билан ҳисоб-китоб қилишига етарли ўттиз фунтдан ортиқ ҳеч вако ололмайди. Шуларни ўйларкан, унинг ҳорғин миясида порлоқ, шўх-хандон ва музаффар, пайлари қайишқоқ, териси қаттиқ, соғлом, ўпка ва юраги чарчок билмас Ёшлик гавдаланди. Кучини эҳтиёт қиладиганлар

устидан қаҳ-қаҳ урадиган Ёшлик. Ҳа, Ёшлик – бу жазо берувчи қудратли куч! У қариларни яксон этаркан, бу билан ўзини ҳам яксон қилаётганини хаёлига келтирмайди. Унинг ҳам бир куни артериялари кенгайди, бармоқларидаги бўғимлар моғорлайди ва ўз навбатида, музаффар Ёшлик уни маҳв этади. Зотан, Ёшлик ҳамиша навқиронлик ҳисобланади. Авлодлар эса кексайиб бора-верадилар.

Кеслри-стритда у чапга бурилиб, яна уч даҳани босиб ўтди ва Гейети-клубга етиб келди. Эшик олдини ўраб олган шумтака болалар ҳурмат билан четландилар ва у ортида шундай овозларни эшитди:

– Бу ўша! Том Кинг!

Кийиниш хонасига бораётиб, клуб котиби – тулкиюз, ўйноққўз йигитчани учратди, у Том билан қўл сиқишиб кўришди.

– Аҳволингиз қалай, Том? – сўради у.

– Зўр! Бодрингдай диркиллаб турибман! – жавоб килди Том, ҳолбуки, бунинг ёлғонлигини ва агар ҳозир чўнтаги тўла пул бўлганида, ўйлаб ўтирмай, ҳаммасини бир бўлак тотли гўштга жон деб қурбон қилишини яхши биларди.

У кийиниш хонасидан чиқиб, секундантлари ҳам-роҳлигида ўриндиклар орасидаги йўлак бўйлаб зал ўртасидаги квадрат шаклли, арқонлар билан чегараланган майдонча томон юрганида, кутавериб зериккан томошабинлар уни гулдурос қарсақ ва олқишлар билан қарши олдилар. Том Кинг ўнгу сўлга таъзим қилиб борар, лекин таниш чехралар кам эди. Томошабинларнинг аксарияти у рингда дастлабки ғалабалар нашидасини сурган кезлар ҳали дунёга келмаган ғўр ёшлардан иборат эди. Кинг арқон остидан илдам ўтиб, майдончага чикди ва ўз бурчагига бориб, йиғма курсига ўтирди. Ҳакам Жек Болл қўлини сиқиб далда бериш учун унга қараб юрди. Болл

собиқ боксчи бўлиб, жангларда қатнашмай қўйганига ўн йилдан ошганди. Икковлари ҳам қариялар эдилар. Том билардики, Боллга ишониш мумкин. Агар Сэндлга қарши уришаётиб, қоидалардан сал-пал оғишадиган бўлса, Болл уни жазоламайди.

Оғир вазнли ёш боксчилар бирин-сирин майдончага кўтарилишар, ҳакам уларни халойиққа таништирар ва уларга қанча дов белгиланганини эълон қиларди.

– Шимолий Сиднейдан Ёш Пронто, – қичқирди у, – ғолибни жангга чорлайди. Дов – эллик фунт!

Томошабинлар қарсак чалишди. Сэндл арқондан ҳатлаб, ўз бурчагини эгаллаганида уни ҳам олқишлар билан кутиб олишди. Том Кинг рақибини қизиқиб кузата бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг улар шафқатсиз жангга чиқадилар ва унда бир-бирларини ҳушдан кетгунча дўппослаш учун бор кучларини ишга соладилар. Аммо у Сэндлни бафуржа кузатолмади, чунки рақибни ҳам ўзига ўхшаб спорт костюми устидан узун шим ва свитер кийганди. Сэндлнинг юзи мардонавор ва хушбичим эди, пешонасига тилларанг кокиллари тушиб турар, бакуват ва пайдор бўйни эса улкан жисмоний кучдан сўзларди.

Ёш Пронто у бурчакдан бунисига ўтиб рақиблар билан бир-бир қўл сиқишгач, рингдан сакраб тушди. Чорловлар давом этарди. Ёшлар бирин-кетин арқон остига шўнғий бошлашди: ҳали оммага нотаниш, аммо қизиққон йигитчалар ғолиб билан куч ва абжирликда беллашиш учун тайёрликларини маълум қилишга ошиқардилар. Бир неча йил бурун шуҳрат чўққисида турган энгилмас Том Кингга жанг олдидан бўладиган бундай маросимлар кулгили ва зерикарли туюларди. Бироқ ҳозир, худди сеҳрлангандек, Ёшликнинг бу намоишидан кўз узолмай ўтирарди. Ҳаммавақт шундай бўлган – янги-янги йигит-

чалар арқон остига шўнгиб, кўйиб берса барчани жангга чақирганлар. Ва қариялар улар қаршисида ҳамиша мағлуб бўлиб бош эгишган. Ёшлар кексаларни босиб-янчиб шухрат томон талпинардилар. Ёшлар оқими борган сари катталашди. Ёшлик очофат, енгилмас куч эди. Улар доимо қарияларни йўлдан итқитиб ташлаганлар, кейин эса ўзлари ҳам қариб, ўша кексалар изидан чоҳга кулайдилар, уларнинг гавдаларини босиб-янчиб янги-янги авлодлар юқорига интилишади. Қиёматга қадар шундай бўлади, зотан Ёшлик ўз йўлида давом этади ва ҳеч қачон ўлмайди.

Кинг журналистлар ложасига кўз ташлаб, «Спортсмен»даги Морган ва «Рефери» репортёри Корбетт билан бош ирғаб саломлашди. Сўнг қўлларини секундантлари – Сид Сэлливен ва Чарли Бейтсларга чўзди. Улар Сэндлга қарашли секундантлардан бирининг сергак назари остида Томга қўлқоп кийдириб, ипларини маҳкам боғладилар. Сэнди қўлқоп тақаётганида эса Томнинг секунданти ҳам худди шундай қилди. Сэндининг шимини ечиб олдилар, у ўрнидан турди, сўнг бошидан ошириб свитерини ечишди ва Том Кинг қаршисида Ёшликнинг мужассам тимсоли – қудратли кўкрак ва атласдек силлик тери остида диркиллаб ўйнаб турган пишиқ мушакларни кўрди. Бу танада ҳаёт барқ урар ва Том Кинг билардики, ҳали бу тана тириклигини йўқотмаган, чунки ҳаёт хужайралари уни узок, тинкақуритар жангларда томчилаб тарк этади ва шу тариқа Ёшликнинг инъоми учун тоvon тўланиб, тана жангдан жангга навқиронлигини бой бериб боради. Рақиблар бир-бирларига қараб юришди, бонг янгради, секундантлар йиғма курсиларни олиб рингдан тушиб кетишди. Том Кинг ва Сэнди қўл сиқишиб, жанговар ҳолатда турдилар. Сэнди баайни пўлат ва пружиналардан ясалган пишиқ механизм каби ҳаракат қилиб, дарҳол хужумга ўтди, чекинди, қайта ҳамла қилди, чап қўлда

Томнинг кўзига урди, ўнг кўлда – қовурғалари остига, қарши зарбага йўлиқмаслик учун худди рақсга тушаётгандай енгил сакраб ўзини четга олди, чекинди ва яна ўшандай енгил ҳаракатлар билан таҳдидли ҳамлага ўтди. У пишиқ ва эпчил йигит эди. Ғаройиб томоша нақд. Залда завқ-шавққа тўла хитоблар эшитилди. Бироқ бу томоша Кингни сира довдиратиб қўймади. У шунчалар кўп жанг қилгандики, шунчалик кўп ёш боксчилар билан тўқнаш келгандики, бу тахлит фавқулодда тез ва фавқулодда абжирона зарбаларнинг баҳоси арзонлигини тушунарди. Афтидан, Сэнди олишув тақдирини дарров ҳал қилишни мўлжаллаган. Буни кутиш мумкин. Ёшлик тутадиган йўл шу: беқиёс устунлигини беҳуда совуриш ва рақибни фақат мислсиз кучининг ўзи билан яксон этиш мақсадида кўр-кўрона хужумга отилиш. Сэнди – оёқлари енгил ҳаракат қиладиган, сершижоат, ялтираган оппоқ бадан ва ўйноқи мушакларнинг жонли мўъжизаси – хужум қилар ва чекинар, гоҳ у, гоҳ бу ерда пайдо бўлар, сирпанар ва шўнғир, ҳаракатлари билан кўзни қамаштирадиган ҳамла ясар, уни шуҳрат томон элтувчи йўлда кўндаланг турган Том Кингни яксон этиш ўтида ёнарди. Том Кинг буларнинг барига сабот билан чидади. У ўз ишини билар ва энди, ёшлиги ўтиб кетган пайтда Ёшликнинг нималигини яхшироқ тушунарди. Ҳозир фақат сабр қилиш керак – то рақиб шаштидан қайтгунча. Шундай қарорга келгач, у истехзоли кулиб, энгашди ва бошининг тепа қисмини онгли равишда зарбаларга тутиб берди. Бу хоин усул бўлса-да, бокс қоидаларига хилоф эмасди. Ҳар ким ўз бўғимларини ўзи асраши лозим, агар рақиб қаллангнинг юқори қисмига жони борича урадиган бўлса, ўзидан ўпқаласин. Кинг зарбага чап бериши ҳам мумкин эди-ю, бироқ Уэльслик Олабўжининг бошига уриб бармоғининг бўғимини мажақлаган дастлабки жангларидан бири ёдига тушиб, фикридан қайтди. Энди бу усулни рақибига

қарши қўллайди. Сэндлнинг бармоғидаги бўғин суякларидан бири синса ажабмас. Сэндл буни қизигида сезмаса сезмас, майли, парвойига ҳам келтирмай, жанг охиригача қайта-қайта оғир зарбалар бераверсин. Лекин қачондир, узоқ олишувлар қувватини сўриб ола бошлаганида у ортига назар солади ва Том Кингнинг бошига уриб, ўз бўғимига шикаст етказганидан афсус-надомат чекади.

Биринчи раунд мобайнида нукул Сэндл хужум қилди, зал эса унинг қуюндай ҳамлаларининг чакмоқ янглиғ шиддатига маҳлиё бўлиб қолганди. У Кингни зарбаларга кўмиб ташлади, Кинг эса жавоб бергани йўқ. У бир марта ҳам зарба бермади, фақат «ёпилди», муштларни қайтарди, ҳамладан сақланиш учун клинчга<sup>1</sup> кирди. У шошилмай ҳаракат қилар, ахён-ахёнда ёлғондакам ҳамла қилар, залворли муштлар тушганида калласини чайқар, аммо олға юрмас, қувватини қатра ҳам сарфламаган эди. Рингда сўқир Ёшликка қарши эҳтиёткор Кексалик кураш олиб борарди.

Томнинг барча ҳаракатлари ўлчовли, хотиржам эди, кўрғошин қовоқлари тагидаги кўзлари ва қарахт нигоҳи эса унга гаранг ёйинки чала ухлаган одам тусини берганди. Бироқ унинг кўзлари ҳамма нарсани кўриб турарди – рингда ўтган йигирма йилдан ортиқ вақт ҳеч нимани назардан қочирмасликка ўргатган эди. Бу кўзлар зарба тушаётган маҳал юмилмас, уларда кўрқув шарпаси йўқ эди, улар совуқ боқар ва масофани аниқ чамаларди.

Раунд тугаб, бир дақиқалик танаффус эълон қилинган, Том Кинг ўз бурчагида дам оларди. У оёқларини узатиб, қўлларини арқон устига ташлаганча кўксини тўлдириб нафас олар, секундантлар тинмай сочиқ билан елпимокда

---

<sup>1</sup> *Клинч* – боксдаги химоя ҳаракати, рақибга ёпишиб олиб зарба беришига йўл қўймаслик.



эдилар. Том кўзларини юмиб, залдаги товушларга кулок солди.

– Нега олишмаяпсан, Том? – кичқиришарди айрим томошабинлар. – Нима бало, ундан кўрқяпсанми?

– Мушаклари акашак бўлиб колган унинг! – деди биринчи қатордагилардан кимдир. – У чакқон ҳаракат қилолмайди. Сэндлнинг ғалабаси учун бир фунтга қарши икки фунт тикаман!

Бонг урилиб, ракиблар бурчакларидан чиқиб келишди.

Сэндл орадаги масофани бир ҳатлашда босиб ўтди – унинг сабри чидамаётганиди, Кинг эса бундан хурсанд бўлди. Чунки Сэндл унинг кучни тежаш тактикасига мос иш тутаётганиди. У тузукроқ шуғулланмади, чала овқатланди, демак, энди ҳар бир одимида кучини тежаш керак. Бунинг устига, ринггача икки миля яёв юриб келганини айтмайсизми!

Бу раунд аввалгисининг такрори бўлди: Сэндл довул каби рақибига отилди, томошабинлар эса Кинг нега муштлашмаётганига тушунмай бақир-чақир қила бошладилар. Бир-иккита бўш, самарасиз зарбаларини истисно қилганда, Кинг ҳеч нима қилмади ҳисоб. У фақат чап берар, зарбани даф қилар ва клинчга кирарди, холос. Сэндл жанг суръатини оширишга интиларди, лекин тажрибали Кинг унинг ногорасига ўйнамади. У кучини эҳтиёт қилишда давом этар, қиёфасида жангларда абжағи чикқан хунук башаранинг аччиқ истехзоси қотиб қолганди. Сэндл – Ёшлик тимсоли, Ёшликка хос беғамлик билан кучини аямай исроф қиларди. Рингда пишиб етилган Кинг сон-саноксиз оғир жангларда бекиёс ҳаётий сабоқ ва улкан тажриба орттирганди. У жуда султ ҳаракат қиларди. Бироқ бир сония ҳам ҳушини йўқотмай, совуқ нигоҳи билан Сэндлни кузатар, унинг жанговар ғайрати сўнишини кутарди. Томошабинларнинг аксарии

яти «Кинг ниҳоят даражада кучсизланган, маҳоратини йўқотган», деб ўйлаб, Сэнлнинг ғалабасига бирга уч тиқиш мумкинлигини бор овозда муҳокама қила бошладилар. Лекин кўпни кўрган, Кингни аввалдан биладиган баъзилар – бундайлар озчилик эди – унинг ғалабасига пул тикардилар.

Учинчи раунд ҳам аввалгиларидай бошланди – та-шаббус ҳамон Сэнлда эди, хужум устига хужум қиларди. Раунднинг ярим дақиқаси ўтар-ўтмас Сэнл ўзига хаддан зиёд ишонганидан хушёрликни бой берди. Кингнинг кўзлари чакнаб кетди ва шу лаҳзадаёқ унинг ўнг қўли юқорига бир марта сапчиди. Бу унинг биринчи ҳақиқий зарбаси бўлиб, кучли чиқиши учун тирсакдан ярим букилган қўлда, бутун гавда залвори билан йўлланган эди. Гўё ўзини ухлаганга солиб ётган шер яшин тезлигида панжа ургандай бўлди. Зарба Сэнлнинг чаккасига тегиб, уни худди кушхонадаги ҳўкиздек ерга кулатди. Томошабинлар «ох» урдилар, залдагилар дарҳол Томни мақтаб шивир-шивир қила бошладилар. Ҳа, аён бўлдики, кекса боксчининг мушаклари ҳеч ҳам акашак бўлиб қолмабди, унинг ўнг қўли худди чилангар болғасидек урилди!

Сэнл эсанкираб қолди. У ўрнидан турмоқчи бўлган эди, секундантлари «Санокни кут!» деб кичкириб, уни тўхтатишди. Бир тиззасига суянган ҳолда нақ қулоғи тагида ҳакамнинг сонияларни санаганини эшитаркан, у туришга тайёр эди. Ўнинчи сонияда эса тик турар ва жангга ҳозир эди. Том Кинг уни кузатиб, зарба бир неча дюйм пастроққа – ияк остига тегмаганидан афсусланди. Ўшанда рақиби нокаутга учрар, у эса ўттиз фунтни чўнтагига уриб, хотини ва болалари ёнига жўнаган бўларди. Раунд давом этар, белгиланган уч дақиқа ҳали тугамаганди. Сэнлнинг қалбида рақибига нисбатан илк бор ҳурмат уйғонди. Кинг эса аввалгидек хотиржам бўлиб, кўзлари

яна мудроқ боқа бошлаганди. У секундантлар ринг ёнида арқон остидан ўтишга тайёр турганини кўрганида раунд охирлаб бораётганини фаҳмлаб, жангни ўз бурчаги яқинига кўчиришга тутинди. Бонг чалингани заҳоти у стулга чўкди, Сэндл эса ўз бурчагига бориш учун бутун майдончани кесиб ўтишга мажбур эди. Бу арзимаган нарса эди, бироқ бундай майда-чуйдалар йиғилиб-йиғилиб катта аҳамият касб этиши мумкин. Сэндл бир неча қадам ортиқча босади, бироз ортиқча қувват сарфлайди ва қимматли ҳордиқ вақтидан бир қисмини бой беради. Ҳар раунд бошида Кинг бурчагидан секин чиқиб борар ва бу билан рақибини кўпроқ масофани босиб ўтишга мажбур этарди. Раунд адоғида эса шундай хийла ишлатардики, жанг унинг бурчагига яқин жойга кўчарди ва бонг урилиши билан у курсига ўтирарди.

Навбатдаги икки раундда Кинг кучини қандай тежаб-тергаган бўлса, Сэндл шундай исроф қилди. Сэндл жангни қизғин тус олдиришга ҳаракат қилардики, бу Кингнинг ҳолини хийла танг қилиб қўйди, зотан, у йўллаган ҳисобсиз зарбалардан анча-мунчаси нишонга тегди. Аммо Кинг гарчи залдаги ёш-яланг норози ҳайқириб ва баъзи қизикқон томошабинлар рўй-рост курашишни талаб қилиб турган бўлсалар-да, барибир фаоллашмади. Олтинчи раундда Сэндл яна ғафлатда қолдию Том ўнг қўлини иккинчи марта сермади ва ҳакамлар қаншаридан мушт еган Сэндлнинг тепасида яна бир бор тўққизгача санадилар.

Еттинчи раундда Сэндл ўзининг қудратли кучини намоён этолмади. У машаққатли, оғир жанг майдонига тушиб қолганини яхши тушуниб турарди. Том Кинг қари эди, бироқ у бунақа чол билан ҳеч қачон куч синашмаганди. Кекса рақибни зинҳор эсини йўқотиб қўймас, мохирона ҳимояланар, зарбаси эса заранг таёқдай эди, гўё ҳар муштида биттадан нокаут яширингандай... Шун-

га қарамай Кинг тез-тез зарба беришдан сақланарди. У япасқи бўғимларини бир он бўлсин унутмасди, зотан, билардики, ҳар бир зарб ҳисоб-китобли ва бармоқларининг бўғим суякчалари жанг охиригача бардош бериши керак. У ўз бурчагида ўтириб, майдонча оша рақибига қарар экан, Сэндлнинг шу навқиронлиги устига унинг тажрибаси қўшилса, оғир вазнда жаҳон чемпиони бўлиб етишиши мумкинлиги ҳақида ўйлади. Лекин ҳамма гап шунда-да: Сэндл ҳеч қачон жаҳон чемпиони бўлолмайди. Ҳозир унда тажриба етишмайди, уни эса фақат ёшлиқни қурбон қилиб орттириш керак, бироқ тажриба ҳосил қилган пайтда ёшлиқ аллақачон ўтиб кетган бўлади. Кинг улкан тажрибасининг бор имкониятларини ишга солди. У клинчга кириш учун қулай фурсатни ҳеч бой бермас, бундай пайтларда зил-замбил елкаси рақибининг қовурғасини босиб турарди. Ринг мантиғи шундай: елка ва мушт шикаст етказиш бобида бирдек яхши, аммо кучни тежаш нуқтаи назаридан елка сўзсиз устундир. Қолаверса, клинч чоғида Кинг бутун вазнини рақибига ташлаб нафас ростлар, ундан ажралишни хоҳламасди. Ҳар гал уларни айириш учун ҳакамнинг аралашуви ва ҳали дам олишни ўрганмаган Сэндлнинг ёрдами керак бўлди. Сэндл югурик қўлларию ўйноқи мушакларини ишга солишдан ўзини тиёлмасди. Кинг клинчга кириб, чўнг елкасини Сэндлнинг қовурғасига тирар ва бошини унинг сўл қўли остига яширарди. Сэндл эса доимо ўнг қўлини шу елкадан оширар ва чап қўлтиғи остидан чиқиб турган юзга мушт туширарди. Бу томошабоп, аммо хавфсиз усул эди ва табиийки, кучни беҳуда кеткизарди. Кинг юзига тушаётган зарбаларга матонат билан бардош бераркан, фақат истехзоли жилмаярди.

Сэндл ўнг қўлида Кингнинг кўксига қаттиқ урди. Четдан қараган одам «Кинг яхшигина калтак еди», деб ўйлаган бўлса бордир, бироқ бокс жангларини

колдирмай кўриб борадиган синчков ишқибозлар зарба йўлланаётган лаҳзада Кингнинг ўнг қўлқопи рақибнинг тирсак мушагига текканини илғаб колдилар. Ҳа, Сэндлнинг ҳар бир зарби нишонга тегарди, лекин ҳар гал Кинг унинг тирсак мушагига енгил уриб, зарба кучини кирқарди. Тўққизинчи раундда Кинг тирсакдан ярим букилган ўнг қўлида бир дақиқа ичида Сэндлнинг калла суягига уч марта урди ва Сэндл уч мартасида ҳам гурсиллаб йиқилди. Ҳар гал изн берилган тўққиз сониядан сўнг ўрнидан тураркан, баттар эсанкираб қолар, лекин ҳамон кучли эди. Борган сари у ҳам шиддатини йўқотиб, эҳтиёткорона ҳаракат қила бошлади. Сэндлнинг юзи тундлашди, у ҳамон асосий сармояси – ёшлигидан умидвор эди. Кингнинг сармояси эса тажриба эди. Кучи кетиб, жанговар руҳи бўшашгач, Кинг кўп йиллик жангларида орттирилган ақл ва айёрликни ишга солиш, кучини мисқоллаб сарфлашнинг ҳадисини олганди. У нафақат ортиқча ҳаракат қилмасликни, балки рақибини ҳолдан тойдиришни ҳам ўрганганди. Тажрибали Кинг қўли, оёғи ва тўши билан қайта-қайта алдамчи ҳаракатлар қилиб, Сэндлни ортга чекинишга, чап беришга, қарши зарбалар беришга мажбур этарди. У дам олар, аммо рақибини бир сония ҳам тин олгани қўймасди. Муғамбир Кексаликнинг жанг қилиш стратегияси шундай эди.

Ўнинчи раунд бошида Кинг Сэндлнинг ҳамлаларини қайтариш учун сўл қўлида унинг юзига зарба бера бошлади. Сэндл эҳтиёткорлик қилиб чап қўл билан юзини тўсди-да, ўнг қўлида рақибнинг бошига кулочкашлаб урди. Бу оғир оқибатларга элтувчи зарба эмасди, аммо биринчи бор йўлланганда Кинг таниш ҳолатни туйди – унинг миясини қандайдир қора ғубор қоплагандай бўлди. Бир лаҳза, тўғрироғи, лаҳзанинг юздан бир улушича вақт ичида Кинг Сэндлни кўздан йўқотди. Рақиб кўз олдидан йўқолди, рингни қуршаган ҳаяжонли оқ

башаралар ҳам, лекин у бирдан яна рақибни ҳам, томошабинларни ҳам кўра бошлади. Худди бир он кўзи илиниб, яна уйғонгандек бўлди. Бу он шу қадар қиска бўлдики, Кинг йиқилишга улгурмади. Томошабинлар чайқалганини, тиззалари букила бошлаганини кўрдилар, бироқ у дархол ўзини ўнглаб олди ва иягини янада эгиб, юзию бошини чап қўли билан яширишга уринди.

Сэнди Кингни баттар гангитиш мақсадида зарбасини бир неча бор такрорлади, шунда Том химоянинг махсус усулини қўлладики, у бир пайтнинг ўзида қарши ҳужум воситаси бўлиб ҳам хизмат қиларди. У чап қўлда рақибини чалғитаркан, ярим одим чекинди ва шу заҳоти ўнг қўлда кучининг борича Сэндининг жағи остига солди. Зарба шунчалар аниқ чамаланган эдики, Сэнди айна олдинга хиёл эгилган чоғда тегди ва у аввал юқорига кўтарилиб, сўнг чалқанчасига полга гурс этиб кулади. Кинг бу усулни бир неча бор қўллаб, сўнг кучини тежамай қўйди ва рақибига устма-уст зарба ёғдириб, уни арқонга тиради. У Сэндини кўз очгани қўймас, дам олишига йўл бермас, оёққа қалққан томошабинларнинг тинимсиз гулдуриси ва олқишлари остида ургани-урган эди. Нокаут муқаррардек туюларди, бир қор-қол юз беришидан хавфсираган полициячи жангни тўхтатмоқчи бўлиб, майдонча яқинига келди. Аммо шу пайт Сэндининг бахтига раунд тугаганидан хабар бериб бонг янгради ва у чайқала-чайқала ўз бурчагига етиб, полициячини ахволи яхшилигига ишонтирди. Буни исботлаш учун ҳатто икки марта сакради. Полициячининг кўнгли жойига тушди.

Кинг ўз бурчагида бошини ортга ташлаганча оғир-оғир нафас олиб ўтирарди. Унинг ҳафсаласи пир бўлди. Агар жанг тўхтатилганида эди, ҳакам унинг фойдасига қарор чиқарган ва мукофот пули ҳам унга теккан бўларди. Ахир, у Сэндиндан фарқли ўлароқ, шон-шухрат

учун эмас, ўттиз фунт учун олишмоқда. Энди бўлса Сэнди бир дақиқада ўзини ўнглаб олади. «Ёшлик ўз ишини қилади!» Миясидан шу фикр лип этиб ўтди ва Кинг бу сўзларни биринчи марта Стоушер Биллни йўлидан супуриб ташлаган ўша тунда эшитганини эслади. Аллақандай олифта жангдан сўнг Томни виски билан сийларкан, елкасига қоқиб шундай деганди: «Ёшлик ўз ишини қилади!» Олифта ҳақ экан. Ўша оқшом – эҳ, нақадар олис энди! Кинг ростдан ҳам ёш эди. Бугун бўлса Ёшлик унинг қаршисида, анави бурчакда ўтирибди. У эса Ёшликка қарши роса ярим соатдан бери жанг қиляпти. Том қариб қолган. Агар Сэнди каби олишганида эди, у ўн беш дақиқа ҳам чидаёлмасди. Ҳамма бало шундаки, унинг қуввати тикланмаяпти. Манави шишган қон томирларию ҳорғин юраги раундлар орасидаги танаффусларда куч тўплашига имкон бермайди. Очиғини айтганда, мусобақадан олдин ҳам унинг қуввати етарлича эмасди. Том оёқлари оғирлашаётганини, томирлари чангак бўла бошлаганини сизди. Ҳа, айнан жанг олдидан пиёда икки миля йўл босгани чакки бўлди! Устига-устак, эрталабдан бери бир бўлак гўштга кўнгли суст кетганини қаранг! Унинг кўнглида қарзга гўшт беришни хоҳламаган дўкдорларга нисбатан аччиқ нафрат уйғонди. Тўйиб овқат емаган қари одамнинг олишиши қийин. Бир бўлак мол гўшти нима деган гап ахир? Арзимаган нарса, нари борса бир неча пенни туради. Ҳозир эса ўша бир бўлак гўшт унинг учун ўттиз фунт стерлингга айланиши мумкин.

Ўн биринчи раунд бошланганини билдириб бонг урилиши билан Сэнди хужумга отилиб, ўзини тетик кўрсатмоқчи бўлди, холбуки, у анча ҳолдан тойган эди. Кинг бу боксинг эски найранги эканини биларди. Дастлаб у рақибнинг ҳамлаларидан қочиб, клинчга кирди,

сўнг бирдан юлқиниб чикди ва чап кўлда ёлғондакам тахдид қилиб, уни эгилишга мажбур этди. Шу заҳоти ярим одим тисланиб, қойилмақом апперкот<sup>1</sup> билан Сэндлни яна чалқанча қулатди. Шу дақиқадан бошлаб Кинг Сэндлнинг нафас ростлашига имкон бермади. Ўзига ҳам мушт тушар, лекин бераётган зарбалари сони ундан анча кўп эди. У Сэндлни арконга тираб кўйиб, ёндан, тўғридан узун ва қисқа зарбаларни бетиним ёғдирди. Айни пайтда унинг клинчларидан юлқиниб чикди ва кўлини туширишига йўл кўймай, ракибининг клинчга киришга уринишларини чиппакка чиқараверди.

Томошабинлар ақлдан озаёздилар, энди улар бутунлай Том тарафида бўлиб, қарийб ҳар бирлари томоғини йиртгудай бўлиб бакирарди:

– Бўл, Том! Кўрсатиб кўй унга! Сен ютиб чиқасан, Том!

Олишув охири жуда қизғин бўладиганга ўхшарди, ахир, томошабин шунинг учун пул тўлайди-да. Ярим соат қувватини тежаб сарфлаган Том Кинг энди уни ягона кудратли хужумда мўл-кўл сарфлар ва бу хужумни яқунлашга кучи етишини биларди. Унинг бирдан-бир имкони яти эди бу – ҳозир ёки ҳеч қачон. У тез кучдан қолмоқда, шу боис ракибини кучи батамом тугашидан олдинроқ мағлуб этишдан умидвор эди. Аммо Том хужум қилишда давом этиб, зарба устига зарба бериб, уларнинг салмоғи ва етказилаётган шикастлар кўламини совуққонлик билан баҳолар экан, бу йигитчани нокаут қилиш мушқуллигини тушуна бошлади. Унда битмас-туганмас ҳаётий куч ва сабот бор эди – ҳали сарфланмаган ҳаётий куч ва ёшликнинг саботи. Ҳа, Сэндрл, шубҳасиз, чидамли ва туғма боксчи эди. Фақат ана шундайлардан чемпионлар шакл-

---

<sup>1</sup> *Апперкот* – ракибининг ияги остига ёки жағига кучли зарба бериш.



ланади. Сэнди гандираклар ва чайқалар экан, энди Том Кингнинг оёқлари ҳам чангак бўлаётгани, бўғимлари эса хизмат қилишдан бош тортмоқда эди. Шунга қарамай у ўзини кескин ҳамлалар қилишга мажбур этар, ҳар бир зарб мажақланган қўлларида азобли оғриқ кўзгатарди. Деярли зарба емаган бўлса-да, у худди рақиб сингари тез ҳолдан тоя бошлади. Унинг муштлари нишонга аниқ тегар, бироқ уларнинг залвори йўқ эди ва ҳар бирига улкан ирода кучи сарфланаётган эди. Оёқлари бўлса кўрғошиндан куйилгандек оғирлашиб кетди, уларни базўр судраётгани сезилиб қолди. Сэндининг тарафдорлари бундан хурсанд бўлиб, қийқирганча ўз арзандаларига далда бера бошладилар.

Бу Кингни шошилишга, қолган-қутган қувватию бор диққатини жамлашга мажбур қилди. У Сэндига пайдарпай иккита зарба берди: бири – рақибнинг қорнига, асаб толалари туташган нуқтага, иккинчиси – чаккасига. Зарбалар у қадар оғир эмасди, лекин Сэнди шунчалик мадордан кетгандики, тап этиб қулади-қўйди. У узала тушиб ётар, танаси бўйлаб титроқ югурганди. Ҳакам унинг тепасида туриб, баланд товушда ҳалокатли сонияларни санай бошлади. Агар санок ўнга етиб ўрнидан турмаса, Сэнди жангни бой беради. Оломон нафасини ичига ютди. Кинг аранг оёқда турарди, у чала ўлик одамга хос беҳоллик ва бош айланишидан кўнгли беҳузур бўларди. Кўз ўнгида одамларнинг юзлари чаплашиб кетди, сонияларни санаётган ҳакамнинг саси эса олис-олислардан эшитилаётгандек эди гўё. Аммо унинг жангда ютиб чиққанига ишончи комил эди. Бунчалик дўппосланган одамнинг ўрнидан туриши мумкин эмас ахир.

Фақатгина Ёшлик ўрнидан туриши мумкин эди ва Сэнди турди. У тўртинчи сонияда ағдарилиб, юзтубан ётиб олди ва сўқир каби пайпаслаганча арқонни ушлади. Еттинчи сонияда бир тиззасига суяниб дам олар, худди

маст кишидек бошини тутиб туrolмади. Хакам «тўққиз!» деганида Сэндр аллақачон тик турган, чап қўлда юзини, ўнг қўли билан қорнини тўсиб, химоя позициясини эгаллади. Шу тариқа энг нозик жойларини муҳофаза қиларкан, у вақтдан ютиш учун клинчга кириш умидида гандираклаганча олға юрди. Сэндр ўрнидан туриши билан Том Кинг ҳам унга томон қадам босганди. Том Сэндрга икки марта зарба берди, лекин рақибни қўлини кўтариб, уларнинг кучини қирқди. Кейинги сонияларда эса Сэндр клинчга кириб, рақибга маҳкам ёпишиб олган ҳолда жон-жаҳди билан ҳакамнинг уларни ажратишига халал беришга уринди. Кинг чираниб клинчдан чиқиш чорасини кўрарди. У яхши биларди, Ёшлик жуда тез кучини тиклайди, бинобарин, у фақат Сэндрнинг кучини тиклашига тўсқинлик қилиш билангина ғалаба қозониши мумкин. Битта яхши зарба ишни хотималайди. Сэндр мағлуб бўлади, сўзсиз мағлуб бўлади. Кекса Том уни енгади, жанговар қобилияти билан ундан устун келади, кўпроқ очко тўплайди.

Клинчдан чиқаркан, Сэндр қаттиқ чайқалди, унинг тақдири қил устида эди. Биргина яхши мушт туширилса бас, йиқилади ва шу билан масала ҳал! Шу маҳал Том бир бўлак гўшт еёлмаганини яна алам билан эслаб, сўнгги ҳал қилувчи ҳамла учун куч тўпламаганидан афсус чекди. У бор кучини йиғиб, зарба берди, бироқ етарлича кучли ва етарлича шиддатли чиқмади зарби. Сэндр гандираклаб кетди, лекин йиқилмади, арқонга тиралиб, уни ушлаб олди. Кинг довдир-совдир қадам ташлаб, рақибга отилди ва тоқат қилиб бўлмас оғриқларини нутиб, яна битта зарба берди. Бироқ бу сафар ҳам зарбаси кучли чиқмади. Унинг қўлида куч камая бошлаганди. Ҳамон курашаётган, лекин нотавонликдан тобора хиралашиб, сўниб бораётган идрокдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди унда. Чаккани мўлжаллаб солган мушти елкага

тегди. Кинг яна мўлжалга олди, ammo зарба нишондан тепарокқа тегди, чарчаган мушаклари унга бўйсунмас, ўзи ҳам оёқда зўрға турарди. Кинг яна бир бор қўлини сермади. Бу гал зарбаси бутунлай зое кетди ва у тинкамадори қуриб, Сэндлга суяниб қолди, йиқилмайин деб уни қўшқўллаб ушлади.

Кинг айрилишга ҳаракат ҳам қилмасди. У қўлидан келган ҳамма ишни қилди ва энди унинг учун ҳаммаси тугаган эди. Ёшлик эса ёшлигини қилди. Клиндча Сэндлга ёпишиб тураркан, Кинг унинг қувватга кираётганини сизди. Ҳакам уларни ажратганида Ёшлик кучини қандай тиклашини ўз кўзи билан кўрди. Сэндл сония сайин кучаярди, дастлаб ожиз ва хато кетаётган зарбалари тобора салмоқланиб, аниқлашиб борарди. Том Кинг чаккасига йўналтирилган қўлқопли муштни худди туман ичида қолгандек элас-элас илғади ва қўлини кўтариб ҳимояланмоқчи бўлди. У хатарни кўрди, қарши ҳаракат қилишни хоҳлади, бироқ қўллари ҳаддан зиёд оғирлашиб кетганди. Улар худди бир тонна кўрғошиндан қуйилгандек, сира кўтарилмасди. Кинг уни кўтариш учун бор матонатини ишга солди. Шу онда қўлқопли мушт нишонга тегди. Қаттиқ оғриқ худди электр токи каби Томнинг бутун вужудига ёйилди ва у зулмат ичига шўнғиди...

...Кўзини очганида у ўз бурчагида, курсида ўтирар, зални кўрфаздаги денгиз шовқинига ўхшаш ҳайкириқ тутиб кетганди. Кимдир орқа миясига ҳўл латта босди, Сид Сэлливен эса унинг юзию кўксига ҳаётбахш совуқ сув қуярди. Қўлқоплари аллақачон ечиб олинган эди. Сэндл унга эгилиб қўлини сиқиб қўйди. Кинг ўзини йўлдан иткитиб ташлаган бу одамга қарши кўнглида ҳеч қандай адоват ҳис этмади ва шундай самимий қўл сиқиш билан жавоб бердики, япасқи бўғимлари қисирлаб кетди. Сўнг Сэндл ринг ўртасига чиқди. У Ёш Пронтонинг

жангга даъватини қабул қилажагини маълум этиб, ғолиб учун бўнакни юз фунтга кўтаришни таклиф қилганида залдаги дўзахий сурон бир зум босилгандай бўлди. Кинг секундантлари баданини артишаётгани, юзига хўл сочик босиб, рингдан олиб чиқишга ҳозирланаётганларини лоқайд кузатарди. Шунда у вужудида очликни ҳис қилди. Бу уни тез-тез қийнайдиган қорин очлиги эмас, балки улкан ожизлик, кўкрак остида кўзғалиб, бутун баданга тарқалган қалб титроғи эди. Унинг хаёли яна жангга, Сэндрл базўр оёқда туриб, мағлубиятига бир баҳя қолган сонияларга кетди. Ҳа, бир бўлак гўшт ишни якунига етказган бўларди! Ҳал қилувчи зарба берган пайтда унга, мана, нима етишмаган, мана, ниманинг касрига жангни бой берган у! Ҳаммаси бир бўлак гўшт туфайли юз берди!

Секундантлар уни турғазиб, арқон остидан ўтишига ёрдамлашмоқчи бўлишди. Лекин Том уларни нари суриб, ўзи арқондан ошиб ўтди ва пастга оғир сакради. Кейин секундантлари ортидан томошабинларга тўла марказий йўлак бўйлаб юрди. Кийим алмаштириш хонасидан чиққач, вестибюлдан ўтиб ташқари эшикни очганида йўлини аллақандай йигитча тўсди.

– Сэндрл сенинг қўлингга бўлган пайтда нега уни ағдармадинг? – сўради йигитча.

– Нарини тур, ер ютсин сени! – деди Том ва секин юриб зинадан тушди.


Муюлишдаги пивоҳона эшиги ланг очилиб, чироқларни ва дастёр<sup>1</sup> қизларни кўрди, бокс жанглари муҳокама қилаётган ва гаров ўйнаётган овозлар, столга урилган тангаларнинг жозибали жиринглаши қулоғига чалинди. Кимдир уни чақириб, ичкилик таклиф қилди. Кинг бир дам иккилангач, рад этди ва ўз йўлига кетди.

---

<sup>1</sup> Бу ерда: официант маъносида.

Унинг чўнтагида сарик чақа ҳам йўқ эди, уйгача икки миля поёнсиздек туюларди. Ҳа, у қарияпти! Домен хиёбонини кесиб ўтаётганида ўриндикқа ўтиргиси келди ва жанг натижасини билиш учун уни бедор кутаётган хотини эсига тушиб, лойдек бўшашди-қолди. Бу ҳар қандай нокаутдан ҳам даҳшатлироқ эди, у билан юзмаюз бўлишга Кингнинг юраги дов бермасди.

У ўзини фавқулодда нотавон сезар, пачоқ бўғимларидаги оғриқ эса бирон иш тополган тақдирида ҳам камида бир ҳафта ўтмасдан чўкич ёки белкурак тутишга ярамаслигини ёдига соларди. Очликдан кўкси остида турган титроқ кўнглини беҳузур қилди. У юзини кафтлари билан бекитиб, елкалари силкина-силкина йиғларкан, Стоушер Биллни, ўша олис оқшомда уни қандай дўппослаганини эслади. Боёқиш, қария Стоушер Билл! Кинг унинг кийиниш хонасида ёш боладек йиғлагани сабабини энди англаб етган эди.





***Нодар ДУМБАДЗЕ***  
*(1928–1984)*

## **ОНА**

– Тбилисининг ҳимматли фуқаролари! Бир яхшилик қилинг! Майпараст ва танбал, бутун кадр-қимматини бир стакан ароққа алмашган ва ҳозир қаршингизда қўл чўзиб турган кимсага садақа қилинглар! Ўша кимса менинг ўзим! Онаизорим дийдорига муштоқман, мен туфайли шармисор бўлган онамнинг! Бу истак ўлимдан ҳам кучли! Паттага пул керак менга, суюкли онамнинг хузурига етиб олишим учун!.. Тбилисининг мурувватли фуқаролари! Марҳаматингизни дариг тутманг!.. Ёлвораман!..

Титроқ овоз эҳтиросли жаранглар, лекин сохта эканлиги сезилиб турарди.

Пойабзал, шароб, ханталу нордон вино, бадбўй тамаки, тер ва қоқбалиқ хидига тўйинган ертўладаги қовоқхона бир гувраниб олди. Мудҳиш тазарру монологи тип-тиник осмонда гулдираган момоқалдирокдек бўлди. Бир неча сонияга, қайтараман, бир неча сонияга ертўлага қабр сукунати чўкдию у ривоятлардаги, ҳеч ким кутмаган ва барча ўз юмуши билан машғул чоғда Парвардигорнинг жазосига йўлиқиб, тош қотган осий шаҳар мисоли масканга айланди қолди.

...Оломон қайта бошдан ҳаракатга келган пайтда майпараст якинроқдаги стол ёнида турган кўйи стол устига ташланган ғижим бир сўмликлару чақаларни териб олмоқда эди. Даврадошлардан ҳеч бири, ҳатто хайр учун

уларга раҳмат айтган чоғда ҳам майхўрга қиё боқмади.  
Фақат ёшроқ битгаси бошини кўтармай:

– Бўпти, бўпти... – деб қўйди.

Пиёниста иккинчи столга яқинлашиб қўл чўзди:

– Тбилисининг ҳимматли фуқаролари!..

– Валдирашни бас қил! – чўрт кесди маишат қилиб ўтирганлардан бири. – Ундан кўра ич манавини!

Майхўр шароб куйилган стаканни олиб, оғзига элтди.

Қўли қалтирар эди.

– Қани, бирон нима де! – деди бошқаси.

– «Бирон нима...» – такрорлади майхўр ва оғзини буриштирганча хунук бир табассум ясади.

– Ия, аския қилишням биласанми ҳали?! – ажабланди учинчи улфат.

Пиёниста жавоб бермади. У индамай шаробни ютиб, буқик тирсагига юзини босди. Бошини кўтариб қараганида эса юзи анча осойишта, намхуш кўзлари чақнай бошлаган эди.

– Саломат бўлсинлар! – деди биринчи улфат.

Майхўр стаканни қўйди, лекин стол ёнидан жилмади.

– Пул сўрашни хаёлинггаям келтирма! – деди иккинчи улфат қошларини чимириб.

– Паттага... Онамни кўргим келяпти...

– Қанақа она, қанақа патта? Аҳмоғингни топибсан!

– Уч сўмгина...

– Қоғоз пулдами ёки тангалар ҳам бўлаверадими? – майна қилди уни биринчи улфат.

– Ақалли бир сўм! – умидвор бўлди майпараст.

– Берақол, энасини эмсин!.. Хиралигини кўрма-япсанми! – деди учинчиси.

Биринчи улфат чўнтагидан йигирма тийинлик танга олди ва ўнг қўли бошмалдоғи устига қўйиб, ҳавога ирғитди, сўнг абжирлик билан тутиб олиб, чап қўли кафтига яширди ва майхўрга саволмуз боқди.

– Чикка! – кичқирди тиланчи ўйлаб ўтирмай ва кўлини дадил чўзди.

Биринчи улфат кафтини очди.

– Омади чопди! – деди у даврадошларига ўгирилиб ва тангани майхўрга узатди.

Майхўр кейинги столга яқин борди.

– Йигитлар, тақдиримиз ўз оёғи билан келди, – шодон хитоб қилди стол атрофида ўтирган беш улфатдан бири.

– Хуш келибсан! Салом! – узуқ-юлуқ олқишлашди қолганлар.

– Ма, ич! – стакан узатди бирови.

– Ҳозиргина ичувдим... – минғиллади майхўр, лекин барибир стаканни олди.

– Сендақа хушёрдан ўргилдим! – кесатди биринчи улфат.

– Омонлик тилайман! – Майхўр стаканни ҳалкумига бўшатиб, иркит енгини ҳидлади.

– Дийдиё қилма фақат! – огоҳлантирди учинчиси, сўнг кўшбармоқлаб кўйин чўнтагидан бир даста бешталик чиқазди. – Тўғрисини айт, онанг ёнига элтиб кўядиган поезд чиптаси қанча туради?

– Биттагинасини бер! – ялинди пиёниста «култ» этиб ютиниб.

– Тентак! Мени тўғри келган одамга пул таркатадиган аҳмоқ деб ўйладингми? Ундан кўра, бор, хў анави қаллоблардан сўра, улар, агар билсанг, ўнталикка тамаки ўраб чекишади! – У атрофи фанер билан тўсилган, тамаки тутуни бурқсиётган ва аёл кишининг шарақлаган кулгиси эшитилаётган алоҳида хона тарафга ишора қилди.

– Майли, беракол, қийнама кўп! Ҳаммамиз бир кун келиб шунинг ҳолига тушамиз! – деди аллаким.

– Ма, бир жуфт бешталик – халқаро вагонда кетасан. Қаттиқ купеда заҳмат чекиб юрма тагин! – Бир даста пул



соҳиби бемалол илжайиб тишсиз оғзини намойиш этди.  
Қолган тўртовлон мириқиб кулишди.

– Зўр йигит экансан! – хитоб қилди майхўр тиланчи пулни киссасига ураркан. – Менинг кўчамдаям байрам бўлиб қолар, ўшанда қарзимни, албатта, узаман!

– Байроқ кўтарволишни унутмасанг бас!

Бу сафар улфатларга қўшилиб майхўр ҳам кулди.

Тиланчи тўртинчи столга йўламади – стол теграсида ўтирган эркаклар орасида верелик киссавур ўғри Зарзани таниб қолганди у. Киссавурлар, маълумки, пиёниста ва гадоёларни ёмон кўришади, у эса шу ҳолида иккала тоифага ҳам мансуб эди. Шу боис тевараги ўралиб, эшик ўрнида парда тutilган хонага йўналди.

У ерда майхўр узоқ қолиб кетмади. Ҳаял ўтмай парижон ва мулзам аҳволда чиқди-ю, чайқалганича вакелик йигитлар маишат қилиб ўтирган стол ёнига келди.

– Тбилисининг олийҳиммат фуқаролари... – сўз бошлади майхўр негадир кафти билан кўзларини тўсиб.

Йигитлардан бири унинг монологини давом эттирди:

– Марҳаматингизни дариф тутманг, пиёниста, аблаҳ ва танбал кимсага хайр қилинг...

Майпараст қўлини тушириб, хира нигоҳини унга тикди.

– Нега тикилиб қолдинг? – сўради йигит.

– Онамни соғиниб кетдим... – ҳиқиллади пиёниста, – ўлимни соғинганим каби...

– Ким йўлингни тўсяпти? Ўлсанг ўлавермайсанми!..

– Онаизоримни... – яккаш такрорлади пиёниста.

– Нима, эмармидинг онангни?

– Онам...

– Ёлғон айтасан, бадбахт, ҳеч канақа онанг йўқ сенинг! – Тутақиб ўридан туриб кетди қотмароқ бир йигит. Уни куч билан жойига ўтқиздилар. – Ҳар доим шу аҳвол! Қиттай-қиттай олиб, мундоқ кўнгил чигилини

ёзаман деб турганинга дарров пайдо бўлади-да, обидийдаси билан юрагингни тирнай бошлайди! Бас қил, йиғиштир дейман, хой, газанда!

– Бўпти, бери кел, Симон, манави пулни олгину жўна бу ердан. Ма! – Чаккасидан ияги остигача узун чандиғи бор йигит бир неча червон пулни стол устига ташлади.

– Менинг исмимни қаёқдан биласан? – ажабланди пиёниста.

– Биладан, Симон, биладан... Мендан ундирган пуларинга Ер шарини уч марта айланиб чиқса бўларди. Магелланга ўхшаб...

– Волидам дийдорига муштокман! – йиғлаб юборди майхўр.

Чандиқли йигит пулни майхўрнинг чўнтагига сукқач, енгилгина турткилаб:

– Ҳой, бўлди қил, биз ҳам одаммиз, биздаям қалб бор... – деди ва шерикларига ўгирилди: – Оғайнилар, келинлар, оналаримиз соғлиғи учун қадаҳ кўтарамиз... Юракни эзиб юборди, лаънати, ўпкам тўлиб йиғлагудек бўлдим!..

Майпараст гадой аллақачон кейинги стол қошида жимгина чайқалиб, қўлини чўзиб турарди.

– Унга нима керак? – хайрон бўлиб сўради даврадагилардан бири. Майхўр тиланчини илгари кўрмаган ковоқхонадаги ягона одам шу бўлса керак.

– Мен қаердан билай, – деди наригиси ва жавобини жуда яхши билатуриб, пиёнистага мурожаат этди: – Нима керак сенга?

– Мен... – Майхўр умидсизланиб қўл силтади.

– Сўра-чи, нимага фронтда эмас у? – гапга қўшилди стол тўрида ўтирган таниқли фирибгар, унинг ўзи фронтда бўлсами, ўртачароқ танк ўрнига ўтган бўлар эди.

– Фронтда бўлган у! – жавоб берди шериги.

– Нега бўлмаса яраланмаган?  
– Яраланган!  
– Кўрсатсин-чи, – кизиқиш билдирди фирибгар.  
– Биламиз унинг жароҳатини! – тўнғиллади ахта  
хўроздек семиз, сокол-муртсиз нусха. – Сўраб кўр-чи,  
кўнгиллари аёл тусамасмикин?

– Менга қара, хой, қовоққалла! – юзланди майхўрга  
биринчи гап отган улфат. – Нима жин уриб дунёдаги энг  
мушкул касб – гадойликни танладинг?! Ундан кўра би-  
ровни ўлдир ёки сейфини ур, ҳеч вақо кўлингдан келма-  
са, киссавурлик қилгин эди!

– Лаббай? Андо, жаллобнинг гапини эшитдингми?  
Ҳеч вақони эплотмасанг, киссавурлик қилгин, дейди-я!  
Вой, мараз-ей, ўша ириган сассиқ тилингни кесиб олма-  
самми! – деди Зарзан ўрnidан тураётиб.

– Қўйсанг-чи, ўтир, ҳақ талашмоқчи бўлган жойинг-  
ни қараю, – уни шаштидан қайтарди Андо.

Вакелик йигитлар қўшиқ куйлашди:

*Она кўнгли болада доим,  
Боланики эса далада,  
Шу сабабли жомдош дўстларим,  
Ҳаётимиз кечар аламда.*

Пиёниста стол устидаги чақаларни териб олди ва са-  
намасдан чўнтагига тўқди. Минг хоҳлаганида ҳам санай  
олмасди – ичган шаробидан кўз олди хиралашиб, боши  
ғувиллар, оёғида базўр турарди. Унга ҳаво етишмай, на-  
фаси қайтди. Шалвироқ гавдаси қовоқхонани полидан  
шифтига қадар тўлдирган бадбўй туман қўйнида сузар  
эди, гўё. У чархпалакдек гир айланаётган ертўла бир зум-  
га тўхтасаю эшикни излаб топиб, бу сассиқ ботқоқдан  
тоза ҳавога чиксам, дея туриб қолди... Ана, чархпалак  
сал секинлагандек бўлди, эшик ҳам кўринди... Майхўр

унга талпинди... Эҳ, аттанг! Улгурмади! Эшик унинг ёнгинасидан сузиб ўтиб кетди... Тагин кутди... Иккинчи айланиш бошланди... Ҳозир... Ҳамма нарса навбати билан айланарди... Биринчи стол, унда камгап ишчи йигитлар ўтиришувди... Лекин ҳозир стол бўш – улар кетишибди... Иккинчи стол, учинчиси, тўртинчиси, бешинчиси... Эшик қаёқда қолди? Ё тавба, эшик қаерга ғойиб бўлди?! Ҳа, мана у! Бу нимаси тагин? Дастёр Саид эшикни кесакиси билан суғуриб олиб ва елкасига ортиб, шундай қадам ташлардики, гўё унинг ўзи эшикдек!.. Энди нима қилсин? Бу ердан қандоқ чиқади? Чикмаса бўлмайди сира, акс ҳолда нафаси қайтиб ўлади, юраги кўтаролмайди... Нима қилсин? Йўқ, бир илож қилиб эшикни ёриб чиқиши шарт! Ёки Саидними? Э, таваккал! Майхўр эшикка, аниқроғи, эшикка айланган Саид томонга ташландию жон-жаҳди билан унинг тутқичига тармашди...

Қовоқхона аввал идишларнинг чил-чил синган товушидан ва патниснинг тош ётқизилган полга даранглаб урилишидан ларзага келди, шундан кейин шарақлаган тарсаки товуши эшитилди. Ертўла яна бир неча сонияга ривоятлардаги тош қотган шаҳар мисоли масканга айланди, оломонга қайтадан жон кирган маҳал Саид пиёниста гадойни сочларидан чангаллаб эшикка судради ва кучли тепки билан кўчага улоқтирди.

Майпараст йиқилди. Тоза ҳаводан ҳузур қилиб сиригач, чаккасини муздек тошйўлакка кўйди...

Шу дам алланечук хира, анча йиллар бурун унутилган бир ҳис туйқус қалбида ғимирлай бошлаганини сездди. Бу ҳиснинг отини сира эслолмади. Лекин бу ҳис тобора ҳукмини ўтказар, юрагини эзиб азоб етказмоқда эди... Аллақандай ўткинчи эгилиб, оёққа турғазганидагина пиёнистанинг ёдига тушдики, кутилмаганда бостириб келган бу ҳис – аллақачон хотирасидан ўчиб кетган сўз

«нафсоният» деб аталаркан... Эсладию беихтиёр ўт-кинчини нари итариб, сўкинди. Паст овозда, қаҳр-ғазабсиз сўкинди. Одамлар ўз қаршиларида ҳайвон эмас, инсон турганини англасинлар, деб сўкинди. Раҳмдил ўткинчи ҳеч нима демади, ачинган каби жилмайдию ўз йўлида давом этди.

...Майхўр бурнидан оқаётган қонни кафти билан артгач, гандираклаган кўйи танғи-тор Меликишвили кўчасидан юриб кетди. Йўловчилар ундан ўзларини четга олишар ёки кўчанинг нариги бетига ўтиб кетишарди. У эса шовқин-суронсиз, сўкинмай, ҳеч кимга зиён бермай ўзича борарди. Вино заводидан чапга қайрилгач, Пегриашвили тепалигига кўтарилди бошлади.

\* \* \*

У тахта сўри устида кийим-пийими билан, ўликдек қотиб, туш кўрмасдан ухлаб ётарди. Уни қўшни хонадаги соат занги уйғотди. Соат бир мартагина занг урди. Бу вақт тунги бир бўлганини эмас, неччидандир 30 дақиқа ўтганини билдирарди. Демак, аниқ вақтни билиш учун яна ярим соат кутишга тўғри келади. У кутди, кўзлари очиқ ҳолда кутиб ётди, зотан, қобоклари юмилса, бас, қўшқават синчли уй, ўймакор устунчалари бор кенг равонли ҳовли, жўмрак ёнида ётган каттакон оқ кавказ овчаркаси ва уни миниб олган оқ кўйлак, қора иштонли ўғил бола ҳамда одмигина зангор кўйлакли гўзал қорасоч жувон кўз ўнгига келарди. Аёлнинг қиёфаси дам-бадам ўзгариб турарди: у гул-гул очилган соҳибжамолдан кўзлари мунгли ва юзлари ажинлардан бужмайган нуроний кампирга айланар, сўнгра яна ёш ва гўзал бўлиб қоларди. Буларнинг бари унинг болалигини ёдга солар, равондаги аёл эса унинг онасини эслатар эди. Шундай бўлса ҳам у кўзларини юммоққа журъат этолмади, зеро, бу манзара уни даҳшатга солмоқда эди.

Бир неча дақиқа шу зайлда ўтди. У, худди қоронғида писиб ётган каби, оҳиста кўзларини юмди, юмдию яна таниш манзарани кўрди. Терс тадрижий асосда сахналаштирилган, иштирокчилари парда туширилиши билан сахнада ҳозир бўлиб, кўтарилиши билан ғойиб бўладиган ғаройиб спектаклга ўхшарди бу. Барчаси чунон қўрқинчли ва мудҳиш эдики, у тонг отгунича киприк қоқмасликка қарор қилди.

– Да-а-анг-нг, да-нг-нг, да-а-анг-нг! – садо берди девор орқасидаги соат.

Пиёниста енгил тин олди: соат занги ғашликни тарқатиб юборди, унга қўшиб кўзи олдида лип-лип ўтаётган манзарани ҳам қувди.

Тбилисида тонг отди. Майхўр ўрнидан турди ва куруқшаб ётган томоғини хўллаш учун жўмрак ёнига борди. Сув йўқ. Қайтиб келиб яна ётди. Алоқ-чалок манзаралар йўқолди, лекин энди ўйлар бостириб келдики, бу баттар азоб берарди. Кўз ўнгида пайдо бўладиган бу манзараларнинг мазмун-моҳияти ҳам, шакли ҳам йўқ эди. Ўйлар эса ҳасратли, аччиқ эди, кўксини қўрғошиндек босиб турар, кимирлашга, гавдасини тик тутишга имкон бермасди.

...Ичиши керак. Ҳозир ақалли бир стакан, ақалли бир қултум, лоақал бир томчи бўлса ҳам ичиб олмаса – ўлади! Ҳаммаси оддий – қони қуюладию ўлади. Пули бўлса бор – кеча ундан-бундан тиланиб топган. Бирок қаёққа борсин? Вокзалдаги ресторангами? Кечаю кундуз ишлайди у ер. Ҳа, ҳа, ҳозирок боради! Ичиши керак... ичиши керак... ичиши керак... Ичмаса, аниқ ўлади! Мана, қўл-оёқлари увиша бошлади, юрак уриши сусайди, пешонасига совуқ тер кўпчиди...

Майпараст сакраб туриб эшикка отилди, тутқични силтаб очдию донг қотди...

Қаршисида зангори кўйлак кийган, истараси иссиқ нуруний аёл турарди.

У кўшни хонадаги соат олтига занг урганини ҳам, жўмрақдан жилдираб сув келганини ҳам эшитмади. Кўзларини юмди, чамаси бир дақиқа ўтиб яна очганида эса аёл хануз ўша ерда турарди – авлиёсифат онасининг тош қотган сиймоси мисол.

– Кимсиз? – сўради майхўр пичирлаб.

– Мен бир соатдан буён турибман бу ерда, лекин тақиллатгани жазм этолмадим, – жавоб берди у.

– Хўп... Бироқ ўзингиз ким бўласиз?

– Сизнинг эшигингиз, билмадим, юзинчисимикан... Юз эшикни четлаб ўтдим, ҳеч бирини тақиллатгани юрагим дов бермади... Агарда ўзингиз очмаганингизда сизникини ҳам чертгани журъат этолмасдим.

– Мендан нима хоҳлайсиз, мухтарама?..

– Азбаройи худо, мени гадой деб ўйламанг... – аёлниг товуши титради. – Мен Онаман!

– Кимнинг онаси?

– Аскар онаси... – Аёл нафасини ростлаб олгач, сўзида давом этди: – Мен хабарнома олдим... Ўғлим госпиталда ётганмиш, ярадор бўлибди. Жон берар алпозда эмиш. Уни уйга олиб келмоғим лозим... Нима қилиб бўлса ҳам... Опицлаб бўлса ҳам, эмаклаб бўлса ҳам келтиришим шарт... Қадр-қимматим, виждоним, керак бўлса, ҳаётим эвазига бўлса ҳам уйимга олиб келаман боламни!..

«Лекин мендан нима истайсиз?» сўради майхўрнинг кўзлари.

– Мен тиланчи эмасман, ўғлим! Мен – онаман... Менга пул керак... Йўл харжиги...

«Тбилисининг ҳимматли фуқаролари!..» майхўрнинг қулоғига ўз овози эшитилгандек бўлди.

«Нега айнан меникига келдингиз?» сўради яна унинг нигоҳи.

– Йўқ, дема, ўғлим, ҳалок этма мени!.. Сенинг эшигинг энг охиргиси. Ортиқ ҳеч қаерга бормайман! Мен...

Аёл бошини ҳам қилди. Пиёниста унинг тўзғиб кетган қора шиппакларига ёш томчилаётганини кўрди. Безгак тутгандек қалтироқ қўллари билан чўнтакларигаги ғижим, иркит қоғоз пулларни олдию аёлга узатди. Аёл кўл чўзмади. Шунда майхўр пулни аёлнинг кўйнига солиб кўйди, сўнг ўзининг бўм-бўш чўнтакларини ағдарди ва тек қотди.

Аёл хануз йиғларди; пиёниста унинг миннатдорлик билдирмоқчи бўлаётганини, аммо буни сўз билан ифода-лай олмаётганини англади. Шунда ўзи аёлнинг оёқлари тагига оҳиста тиз чўкди:

– Раҳмат, онажон!

Бир фурсат шу алфозда қолдилар. Оёққа қалққанида эса аёл қаршисида йўқ эди. Ҳали у турган ерда ғижим, кир қоғоз пуллар сочилиб ётарди.

– Ё алҳазар, наҳот бу ҳам кўзимга кўринган бўлса?!

Жўмрақдан сув шўх жилдирарди. Лекин энди унинг сув ичгиси келмасди. Пиёнистанинг оғзи ва томоғи намланган, бироқ бу намлик сувдан эмасди – у илиқ ва шўртанг эди.

Кўчалар ёришди.

\* \* \*

Нимқоронғи, дим, йўловчиларга тўлиб-тошган вагонда ревизор минг машаққат билан одамлар орасидан ўтиб борарди. Унинг ортидан худди айбдор боладек вагон назоратчиси пилдирар, йўловчиларнинг чипталарини фонус ёруғига тутарди. Ревизор эса йўловчилар ва уларнинг буюмларини, гўё хатарли давлат жинойатчисини излаётгандек, беҳад синчковлик билан текширарди.

– Чиптангиз?! – ҳар гал ярим буйрук, ярим савол оҳангида такрорларди у ва йўловчилар худди келишиб олгандек, жимгина ўз чипталарини унга узатардилар.



– Сизнинг билетингиз?! – дея сўради ревизор дарча ёнида ўтирган озғин, соқоли ўсган кишидан.

– Менинг чиптам йўқ! – деди йўловчи.

– Нима?!

– Чиптам йўқ менинг!

– Сўрашга ижозат беринг, чиптасиз қаёққа йўл олдилар? – масхараомуз тиржайди ревизор.

– Онам хузурига, – жавоб берди йўловчи.

– Қаерга?! – Ревизор таажжуб ичида ўзидан ҳам ортик ҳайратга тушган проводникнинг кўлидан фонусни юлқиб олдию уни йўловчининг юзига тутди.

– Онам хузурига! – қайтарди яна йўловчи.

«Қанақа она?!» деб сўрамоқчи бўлди ревизор ҳазиломуз тарзда, аммо йўловчининг бўздек оппоқ юзию кўз ёшидан ювилган оқ соқолини кўргач, даҳшатга тушди. Сўнг индамай ўгирилиб, ортига карамай нари кетди.

Поезд туннелнинг зимистон қаърига шўнғиди.

## ЖИНЛАР

Жинлар уч хил бўлади.

Бири – қулоқлари диккайган, эчкитуёқ ва эчкисоқол, жимжилоқдек мугузчали ва ўйноқи ғилай кўзли бўлади. Эчкига жуда ўхшайди. Аммо у жин. Дунёда бор ҳамма жонзот товушида гапира олади: хоҳласа аёл, хоҳласа эр-как ёки бола тилида сўзлайди, турли хайвонлар, ҳамма қушлар овозини қойиллатиб ўхшатади.

Иккинчи хил жин думли, бадбуруш, бесўнакай ва хунук. Оёқ учлари тепага қайрилиб кетган, қирғийбурун бўлади, оғзида битта сўйлоқ тиши кўриниб туради, манглайидаги яккаю ягона кўзи яшил рангда ёнади, баданини эса жингалаксимон жун босган.

Учинчи жиннинг тўртта кўли ва тўрт оёғи бўлади. Ҳар бирида – олтитадан панжа. Унинг юзи иккита, ҳар

бирида бир жуфтдан кўзи бор. Яғринидан асар ҳам бўлмайди. Гавдасининг ҳар икки тарафи – қорин. Яъни, икки қоринли ва икки киндикли. Икки томонидан ҳам бир хил кўринади. Қисқаси, у иккита бир хил жинни тутиб, орқа томондан бир-бирига ёпиштириб қўйгандек бир махлук.

Рост, яна бир тоифа жин бор, лекин... у ҳақда кейинроқ сўзлаб бераман, энг охирида.

Анов уч жинни мен кўрмаганман, аммо бобом Манавела Цинцадзе ўз кўзи билан кўрган.

Эчкига ўхшаган жинни – Айиқ дарасида.

Думли-юнгдор жинни – Лашис-геледа.

Орқа-олдидан бир хил кўринадиганини – Сатаплиа тоғида.

Бу уч жин билан тўқнашувдан Манавела бобомда ҳар қандай одамни сескантирадиган даҳшатли чандиқ изла-ри қолган. Бу ҳикоялар эса жуда қизиқ эди.

\* \* \*

...Хўш, сабат тўқишга пўстлоқ ғамлаб келиш учун Айиқ дарасига боргандим. Кун адоғига етаёзган, қош қорая бошлаган маҳал эди.

Талай пўстлоқ арчиб, ишимни эндигина тугатгандим. Кейин ювиндим, тош устига ўтирдим, чубуғимни чиқазиб, тамаки солдим. «Кел, бир-икки тортай, сўнг уйга жўнарман», деб ўйладим.

Чақмоқтошни ишқалаб турувдим, қарасам, у ҳароми хў наридаги тош устида ўтирибди, менга қинғайиб қарайди, шу десанг. Белимни пайпасладим. Худога шу-кур, болта жойида экан.

– Туф-ей, шайтон! – деб юбордим. Хушим бошимдан учиб ирғиб турдим, уч марта чўқиндим ва болтага ёпишдим.

– Ўзинг шайтонсан, агар бу кам бўлса, итваччасан! – деди у менга.

– Сен ўзинг кимсан бўлмаса? – кекирдагимни чўздим мен ва тагин чўқинмоқчи бўлдим, лекин эплай олсам кани!

Алмойи-алжойи ҳаракат қиламан, кўлимни пешонамга обориш ўрнига киндигимга узаламанми-ей. Анов алвасти эса менга қараб турибди, хириглаб қўяди тагин.

– Ҳой! – кичқирдим мен. Лекин бу фақат менга кичқириқдек туюлди, аслида эса шунчаки оғзимни очгандим, холос.

– Манавела, роса меровсан-да, ташла болтангни, кел, ёнимга ўтир, сўзлашамиз.

– Сен билан нимани сўзлашаман, иблисдан тарқанган, – жеркидим мен, аммо ичимда чўчиб: «Ҳайтовур, хафа бўлмасин-да», деб қўйдим. Ранжиш қаёқда! Бу унинг учун, масалан, биров-ярим менга «Сен, Манавела, Афанасий ўғлисан», дегандай гап-да. Хуллас, нимаям қилардим, бориб ёнига ўтирдим, у мени шундоқ авради, шундоқ аврадики!

– Манавела Цинцадзе, деди у, сен басавлат, кўркам, ўктам ва устаси фаранг йигитсан... Нимага куласан, жинқарча, – бобом мени койиб берди, – ўша пайтлар мен ҳозиргидақа эмасдим, чиндан ҳам кўрган одамнинг суки киргудай йигит эдим! Тагин, айтадики, ҳалигидақа, сени куёв қилмоқчиман, дейди. Қизимга уйлан, Манавела, дейди, зоту насабимизга шерик бўласан. Зарга кўмаман, оёғингни узатиб ётасан, истасанг, етти қават кўрпача устида маза қилиб ётиб, «Ҳасанбеғуру» ва «Криманчули»ни<sup>1</sup> хиргойи қиласан.

– Аввал айт: инсмисан, жинсмисан? Қолганини ўйлаб кўрамиз.

– Одамман, Манавела, одам, сен билан одам каби гаплашиб турганимни кўряпсан-ку.

---

<sup>1</sup> «Ҳасанбеғуру» ва «Криманчули» – грузин халқ кўшиқлари.

– Агар одам бўлсанг, нега эчкига ўхшайсан? – сўрадим, лекин ўзим кўрққанымдан совуқ терга ботганман.

– Нима кипти, тўнғиз ёки эшакка ўхшаган одамлар озми дунёда, ҳеч ким уларни кўксидан итармайди-ку? – жавоб беради у газанда. Мен нима дердим, миқ этолмадим, чунки гапи рост эди, айти ҳақиқат.

– Менга қизингни кўрсат-чи, – дедим унга илтифоту назокат билан.

Шундай дейишимни биламан, чунон маърадики! Эчки бўлиб маъради! Маъраган эди, орқасидаги қоя қок иккига бўлиниб, орасидан бир қиз чиқиб келди, шунақа гўзал! Бахмаро чўққисидан қуёш чиқишини томоша қилганмисан? Қилмагансан! Зим-зиё тунда қора булутлар орасидан тўлин ой чиққанини кўрган жойинг борми? Йўқ! Ёинки боғда ҳамма атиргул буталари бирваракайига очилганини кўрганмисан? Айт, кўрганмисан? Йўқ, кўрмагансан!

У мен билан сўзлаша бошлади, овози бирам ёқимли эдики! Минглаб кўзачалардан тўқ кизил «Изабелла» виноси шилдираб қуйилганини эшитганмисан? Йўқ, эшитмагансан! Кўклам чоғи ой балқиб турган тунда Гуриядаги<sup>1</sup> барча булбуллар, қораялоқлар, майналарнинг бир вақтда хониш қилишини эшитганмисан? Йўқ, эшитмагансан...

Шундай қилиб десанг, таърифга сиғмас нозанин, хуснига кўз тўймас соҳибжамол анави бадбашара, таъвия отасининг ёнида мўъжиза мисол турибди, менга кўз ташлаб қўяди ҳар замонда...

– Хўш, энди нима дейсан, Манавела Цинцадзе, кўзинг камашиб кетдими? – дейди менга у баттол.

Мен-чи, мен нимаям дердим? Очиғи, бир нималар деб минғирламоқчи бўлардим-у, лекин тилим қурғур танглаймга чиппа ёпишиб қолганди.

---

<sup>1</sup> Гурия – Грузиядаги вилоят.

– Сен уни бекордан-бекорга бермасанг керак менга, эвазига бир нима сўрайсан, албатта, – дедим анчадан кейин базўр тилга кириб.

– Сендан нима унарди, бир жулдурвоки бўлсанг! Колхозда меҳнат кунингга бир пайса жўхори оласан, бор будинг шу! Курбинг етмагани учун менга иймонингни сотасан, маъкулми?

Бу гапдан кейин ўпкам оғзимга тикилиб қолгандек бўлди.

– Менга бундай дейишга қандай ҳақдинг сиғди?! – ҳайқирдим мен ва болтани олдим у ифлос калласини мўлжаллаб, улоқтирдим... Ҳай аттанг!..

Бобом иштонини ҳимариб, оёғидаги чуқурлиги икки бармоқ қалинлигича келадиган, болдиригача чўзилган чандикни кўрсатади.

– Ғойиб бўлди дардисар малъун, бир зумда йўқ бўлди-кўйди! Болта боягина у ўтирган тошга тегиб сапчидию шу еримга, чандикни кўрдинг-ку, тегди. Қон фаввора бўлиб отиляпти, мен – сенинг бобонг Манавела Цинцадзе, хушдан кетиб ерга қуладим... Ўшандан бери мараз жиннинг чинқироқ кулгисию «Иймонингга ҳазир бўл, Манавела! Қочиб кетмасин тагин! Ҳа-ха-ха», деб кичқиргани ва кулгани қулоғим остида шанғиллаб турди.

Бошқа ҳеч нимани эслай олмайман.

\* \* \*

Иккинчи жинни Лашис-геледа даф қилганман. Балик овлаш мавсуми эди, мен тунги овга чиққандим – пойлашга, улар уруғ ташлаш учун Губазоулидан Лашага сузадиган пайт эди-да. Сувни бўғиб, балиқ ўтиши учун кичкина туйнукча қолдирдим ва эндигина чубуғимга тамаки солган ҳам эдимки, сув шалопади. Ана, дедим, балиқ ўта бошлаяпти. Тўр ташлашга шайланиб турдим ва негадир

ёнбошимга ўтирилдим. Нимани кўрдим де? Ўтирибди у, гаддор! Ўтирган кўйи яккаш яшил кўзини менга тиккан, худди тешиб юборгудай!

Разм солиб қарасам, Айиқ дарасида оёғимни пўла қилган жинга сира ўхшамайди.

...Айиқ дарасидаги жин каби бир кўзли жин ҳам бобомга ўз қизини хотинликка олишни таклиф қилибди ва эвазига иймонини сўрабди. Қизининг сепи тариқасида бобомга колхоз раислигини ва яна тагин бир ботмон олтин ҳам ваъда қилганмиш...

– Бунисини соғ қўйиб бўпман! – дедим.

Кулочкашлаб у иблисга тўр ташладим. Тўрни мен ўзим томонга, у эса ўзига тортди. Яна тортдим, у тагин қаршилиқ қилди. Қочиб қутулолмасди барибир: тўр худди тишига илиниб қолганди, тиши оғзидан баайни илгакдай чиқиб турарди-да ўзиям. Мен тўрни бўшатиш учун унинг жағига қўл чўздим, шу пайт... – Манавела бобом секингина ўнг қўлини узатиб, менга жимжилоғи ва номсиз бармоғини кўрсатди. Ўша кўлида бошқа бармоқлари йўқ унинг. – Мальўннинг жағидан шу иккита бармоғимни суғуриб олдим, холос. Мени ғафлатда қолдирди, лаънати, бахтимга, кўлимни буткул узиб олмади! Шунисигаям шукр...

\* \* \*

...Учинчи жин ёки анави, орқа-олди бир хили, Манавела бобомга Сатаплиа тоғида, асалариларидан хабар олиш учун борганида йўлиққан. У жин ҳам бобомга қизини бермоқчи бўлибди, агар иймонини сотса, Чохатаур райони секретари лавозимига миндиришни ҳам ваъда қилибди. Бобом эса уни хўп мазах қилибди...

– Кўзларинг оқиб тушсин, Манавела, ношукур банда, қизимнинг ҳусни жамоли қадрига етмадинг, – увиллади жин ва шу пайт бармоғини кўзимга суқмоқчи бўлди.

Кўлим билан кўзимни тўсмоқчи бўлгандим, кўлимда иккита бармоқ қолгани ёдимга тушди. Хуллас, у лаънати ахийри ўнг кўзимни ўйиб олди...

– Нимага куласан, кампир, биров бир жойини очиб қўйибдимиз? – Бобом мени «Манавела бобом алжираб колибди», деб ўйламасин деган ниятда шу маҳал хонага кириб келган бувимга ана шундай дея ўдағайлади.

– Ишонма унга, тойчоғим, ишонма! Алдаяпти. Эрга текканимда ҳам шунақа эди. Ўзи шайтон-ку, жин бас келармиди бунга! – пинагини бузмайди бувим ва стол устидаги бўш кўзачаларни олиб, чиқиб кетади.

– Жинлар билан жиққамушт бўлиб нима қилардингиз, бирининг қизига уйлансангиз эди, ҳозир қишлоқнинг олди одами бўлардингиз, – дейман мен «Изабелла»дан хўплаб.

– Иймон-чи, жинқарча, иймон нима бўлади? – ач-чиқланди бобом ва икки бармоғида бошимга чертди.

– Иймонингиз шунчалар кадрлими, бунча авайлайсиз! – дедим мен ва ножўя гап қилганимни пайқаб тилимни тишладим.

– Ажинанинг невараси бўлсанг, нима, хурсанд бўлармидинг? – сўради бобом ягона кўзи билан менга еб кўйгудек ўқрайиб.

– Ҳа, тўғри айтасиз, бу томонини ўйламабман, – дедим айбдор одам товушида.

– Ўйламаганмиш! Бўйдан Худо берган сенга, ўйлаб гапиришни ҳам ўрганиш керак энди, – таъна қилди бобом винодан оғирлашган бошини чайқаб ва каминдаги серкўз ғўлани тўнкариб қўйди.

Бувим кириб, қора «Изабелла»га лиммо-лим тўлатилган кўзачани стол устига қўйди.

Бирдан худди шу кўзача ичидан кичкина, жудаям митти жинча чиқиб келди. Шу қадар жажжики, кафтингга бемалол сиғади. Лекин бурни каттагина экан, йирик

картошка мисоли унинг ғарқ пишган памилдоридек қипқизил юзида кўнқайиб турарди. Бадани тап-тақир, битта ҳам тук йўқ, бунинг устига, шаффоф эди. Унга разм солиб, эркак жинсиданми ёки аёлми, фарқлай олмадим. Қисқаси, на униси, на буниси. Қўлларида – олтитадан панжа, оёқларидагини санай олмадим, чунки чипта ковуш кийиб олганди. Манавела бобом бу жинни кўрмайди, чунки у менинг жиним, ўзимники. Ана, у кўзачанинг оғзидан сакраб тушиб, стаканим қиррасига жойлашиб ўтириб олди.

– Хоҳласанг, Манавеланинг невараси, менга иймонингни сот – эвазига асл ҳақиқатни сенга сўзлаб берман, – деди у кулиб.

Кулгиси шу қадар содда эдики, иймон тугул жисму жонимни ҳам қўшқўллаб тутқазардим унга. Май элитган юзи майин жилмайиб турарди.

– Олақол, менга унинг нима кераги бор! – жавоб бердим эшилиб.

Менинг жиним ҳикоясини бошлади.

\* \* \*

Манавела Цинцадзени оға-ини Шаликашвилилар ўрмонга судраб кириб, баҳайбат қайин дарахтига боғлашди. Уч ака-ука эди улар: Фридон, Мамаи ва Кациа.

Манавела Цинцадзе уларнинг кенжаси Кацианинг қайлиғи, бешикданок унга унаштирилган қизни – Тинатин Накашидзени олиб қочганди.

Олиб қочди, деганимни қандок тушунтирсам экан: Тинатин Накашидзе уни Бахмародаги байрамда кўрган эди. Йигит қора чоха<sup>1</sup> кийиб, гижинглаган оқ оти Шамилни миниб келганди. Даставвал у беш чақиримга пойгада ҳаммадан ўзиб, биринчи бўлди. Тулпори абжир чавандоз тагида кўпикка ботганча турарди. Шундан сўнг

---

<sup>1</sup> Чоха – Кавказ халқларида эркакларнинг миллий кийими, лекин у ҳар бир халқда бошқа-бошқа номлар билан аталади.



тўрт саржинлик хода устига ўрнатилган биллур кубокни бир ўқ билан чил-чил қилди. Ва ниҳоят, белигача яланғоч бўлиб, сиртига мой суртилган, баландлиги уч саржин арча устунига бир уринишда тирмашиб чиқди. Устуннинг тепасига маҳкамланган кумуш кубокни олиб тушиб, халойикнинг таҳсину олқишлари остида офтобдек балқиб турган соҳибжамол Тинатин Накашидзенинг ёнига келди, бир тиззасида чўк тушиб, унинг кўйлаги барини ўпди ва хижолатдан қизариб кетган қизга кубокни тортиқ этди.

Ўша дамлар Тинатин Накашидзе ўн бешга ҳам тўлмаганди ҳали, Манавела Цинцадзе эса эндигина ўн тўққизни қоралаган бўлиб, диловарликда унга бирор кимса бас келолмасди.

Бир ҳафта ўтгач, Манавела Цинцадзе Накашидзенинг кизи Тинатиндан мактуб олди.

*«Абад ойинг бўлгум, қуёш, сен-ла ичгайман қасам  
Таслим бўлмам, гар ортимдан учта қуёш келса ҳам,  
Қоя узра кўз ташлагум, зулмат ошганда ҳаддан,  
Қанотли бир тилак айт, ёр, нажот энди самодан!»*

Бошида мактуб Манавела Цинцадзени гангитиб қўйди. Сўнг шодлигидан эси оғиб, ҳовучлаб тупроқ ошади ва нима бўлса бўлар, дея ўтириб жавоб хатини ёзди.

*«Жондан азиз мактубингга кўзларимни қададим,  
Ва дедимки: «Қуёш сендан кечолгайми, қамарим?  
Худо шоҳид, ранжитмасман, сен – кечам, сен – саҳарим,  
Ҳаётманми, жон бердимми, ё тушми бу, билмагум.»*

Ўн тўртинчи октябрга ўтар кечаси, тўлин ой тиккага келган маҳал Накашидзенинг кизи Тинатин Чормих қишлоғига элтувчи йўлнинг муюлишига, улкан эман

дарахти ёнига келди. Куч билан эмас, ўз ихтиёри билан, севгисини деб келди. Оёқланг, битта кўйлақда эди қиз.

Манавела Цинцадзе севганини даст кўтариб ердан узди, чакмонига ўради ва эгарланмаган отининг олдига ўтказдию қамчи босди.

Уч ака-ука Шаликашвилилар изидан кувишди.

Улар Манавелага ўқ узди.

Шаликашвилилар ўқидан яраланган оти йиқилди. Манавела то ўрнидан тургунича ўраб олишди уни.

Оға-ини Шаликашвилилар Манавела Цинцадзе-ни қалин ўрмон ичкарасига олиб кириб, эман оғочига боғладилар.

– Қани, Манавела Цинцадзе, келинимга мактуб ёзган кўлларингни кўрсат-чи! – деди уларнинг тўнғичи Фридон Шаликашвили.

Орқасига чандиб боғланган, увишиб, шишиб кетган кўлларини Манавела сезмасди ҳатто.

Шунда Фридон Шаликашвили дарахт ортига ўтиб, совуққонлик билан Манавела Цинцадзенинг аввал ўнг кўли бошмалдоғини, сўнг кўрсаткич бармоқни ва ниҳоят, ўрта бармоғини кесиб ташлади. Қон шариллаб отилди. Манавела оғриқ ўрнига енгил тортганини ҳис қилди, унинг кўксидан шодон ҳайқириқ отилиб чиқди.

– Ана қахрамону мана қахрамон! – заҳарханда қилди Фридон Шаликашвили.

– Накашидзелар уйи остонасини ҳатлаб ўтмоқчи бўлган оёқларингни кўрсат-чи! – деди ўртанча Шаликашвили – Мамаи қиличини яланғочлаб.

Манавеланинг кўзи олди хиралашди.

– Мени майиб қилма, князь, – дўрилдоқ овози титради унинг.

– Бахмарода от гижинглатиб олифталик қилган чоғларингда майиб бўлсанг соз бўлмасмиди?! – аччик кулди Мамаи Шаликашвили ва Манавела Цинцадзенинг

ўнг болдирига қилич солди. Манавела қилич суякни қирққанини сизди ва ҳушидан кетди.

– Ўзига келдими? – сўради бу гал кенжа Шаликашвили – Кациа Манавела кўзини очганини кўриб. – Қани, қайлиғим Тинатинга олайтирган кўзларингни кўрсат-чи менга...

Манавеланинг тепа сочи тикка бўлди, тили калимага келмай қолди.

Кациа Манавела пича ўзини ўнглаб олишини кутди.

– Нима қиялпсизлар, ваҳшийлар! Исони ҳам бунчалик азоблашмаган, гуноҳим нима ахир?!

– Кўзларингни кўрсат, Манавела, кўзларингни!

– Ниятингдан қайт, Кациа, ёруғ оламни кўришдан маҳрум этма мени! – Манавела йиғламоқчи эмасди, бироқ кўз ёшлари ўз-ўзидан қуйилди.

Иш жуда пухта бажарилди: Кациа Шаликашвили ўтқир қиличини Манавеланинг қоғоғига олиб борди ва сукди... Чалажон гавдани Чормих қишлоғи одамлари эртасига ўрмондан топишди.

Ярим йил тўшакка миҳланиб ётди Манавела Цинцадзе. Олти ой давомида на бир сўз деди, на оҳ-воҳ қилди. Олти ойдан сўнг қўшнилар торкўчада абгору оқсоқ Манавела Цинцадзени кўрдилар. Ўшандан бери уни «Ўлмас Манавела» деб аташади. Бу унинг лақаби бўлиб қолган.

Орадан бир йил ўтгач, Айиқ дарасининг нариги ёғидаги қишлоқда яшовчи Леварсий Тавберидзе дарадан Фридон Шаликашвилининг жасадини топди. Унинг очик кўзлари хайрат ва даҳшатдан қотиб қолганди. Фридоннинг баданида на бир ўқ изи бор эди, на тиғ изи ва на ўзга жароҳат. У кўркувдан юраги ёрилиб ўлганди.

– Тун яримдан оғганда Айиқ дарасидан аллақандай ўқирик эшитилувди, айиқ бўлса керак деб ўйловдим... – дерди Леварсий Тавберидзе.

Яна бир йил ўтди ва Лашис-геледа Мамаи Шаликашвилини топишди. Қиличда бир зарб билан елкасидан киндигигача чопилганди у. Шак-шубҳа қолмади: Ўлмас Манавела Шаликашвилларнинг қонини ичмоқда эди.

Ўлмас Манавела ўрмонга яширинди.

Оғаларининг кушандасидан интиқом олиш қасдида юрган Кациа Шаликашвилининг ўлигига қоровуллар Сатаплиа тоғида дуч келишди. Пилта милтиқдан мерганлик билан узилган ўқ миясининг қатигини чиқазиб юборганди.

...У орқа-олди бир хил жин Манавела бобомнинг кўзини ўйиб олган жойда – жўка дарахти тагида ётган экан...

1918 йилнинг баҳорида Манавела ўрмондан чиқди...

– Инқилоб ҳамманинг барча айбини кечирган, бобонгни бошқалардан кам жойи борми? – дейди менинг жинчам кикир-кикир қулиб.

– Тинатин, қимирла, бизга яна бир кўза «Изабелла» келтир, томоқларимиз куриб қолмасин, – кампирини чақиради бобом. Тинатин бувим тагин бир кўза вино келтиради ва чолига эркалагансимон жилмайиб, унинг ёнига ўтиради.

Бобом жинлар ҳақидаги чўпчакларини давом эттиради, бироқ у менинг жажжи жинчам борлигидан беҳабар. Ана, у оёқчаларини осилтирган кўйи стаканим киррасида ўтирибди. Бобомнинг пойма-пой гаплари унинг димоғини чоғ қилиб юборади, маза қилиб кулади ва аслида қандай бўлганини сўзлаб беради менга.

Тун ярим маҳалда жинчам кўзачага тушиб олади ва биз – жинлар, ҳақиқату ривоятлар, бобом ва бувим – ҳаммамиз чирсиллаб турган камин атрофида уйқуга кетамиз.

**О. ГЕНРИ**  
(1862–1910)



## РУС МҮЙНАСИ

Молли Мак-Кивернинг тун каби қора кўзлари Кичкина Брэдини асир этгач, у «Бурқсиган қувур»<sup>1</sup> тўдасидан кетишга мажбур бўлди. Ҳа, аёлларнинг мулойим таъналарию хотиржам яшашга иштиёқи шундай ишларга ундади уни.

«Бурқсиган қувур» тўдаси – қувур каби ҳар тарафга чўзилиб кетган ва шаҳарнинг «Жаҳаннам ошхонаси» деб аталувчи машҳур ҳудудининг давоми ҳисобланган кичик даҳа номи билан танилганди. «Бурқсиган қувур»нинг ҳудуди дарё бўйлаб, Ўн биринчи ва Ўн иккинчи авенюларга ёнма-ён жойлашган бўлиб, унинг бир нуқтаси, яъни гўё қурум босган тиззаси мўъжазгина, ифлос ва кимсасиз Клинтон-паркка бориб туташарди. Тутун чиқадиган қувур ҳар бир ошхонага хос нарсая эканини эсласак, вазиятни осон тасаввур қила оламиз. «Жаҳаннам ошхонаси»да бўтқа пиширишга устаси фаранглар оз эмасди, аммо бош ошпаз деган юксак шарафга факат «Бурқсиган қувур» тўдаси аъзоларигина ноил бўлгандилар.

Бирор-бир тасдиқдан ўтмаган, лекин бутун атроф-музофотга донғи кетган бу ташкилотнинг башанг вакиллари, мисоли иссиқхонадаги гуллардек муюлишларда барқуриб ўсар эканлар, бор вақтларини эговча ёхуд буклама

---

<sup>1</sup> «Бурқсиган қувур» – ўтмишда Нью-Йоркда фаолият юритган машҳур жиноятчи йўлтўсарлар тўдаси, шу номдаги даҳа номи билан аталган.

пичоқ билан тирноқларига зеб беришга бағишлайдилар. Бу беziён машғулот уларни шубҳалардан холи этиш билан бирга, бисотларидаги камтарона икки юзтача сўзни истифода этган ҳолда, бир неча даҳа наридаги зодагонлар клубидагидек аҳамиятсиз ва маъсум эшитиладиган сирли суҳбатлар қуриш ва бу суҳбатлардан тасодифий ўткинчиларни баҳраманд этиш имконини ҳам берарди.

Бироқ «Бурқсиган қувур» аъзоларининг ишлари тирноқ тарошлашу ўзни қандай совуққон тутишни кўз-кўз этиб чорраҳаларнинг чиройига чирой қўшишдангина иборат эмасди. Уларнинг бошқа, жиддийроқ машғулотлари ҳам бўлиб, бу одамларни ҳамён ва қийматли буюмларидан маҳрум этишдан иборат эди. Бу иш, қоидага кўра, ниҳоятда ўзига хос тарзда ва кам ўрганилган усуллар билан, ими-жимида ва хунрезликсиз амалга ошириларди. Аммо тўда аъзоларининг назарларига тушишга муяссар бўлган айрим ўткинчилар чўнтаклари енгиллашишига нисбатан норозилик билдирсалар, уларга ўз арзларини яқин полиция маҳкамасида ёки касалхона тўшагида изҳор этишга имкон ҳам берардилар.

«Бурқсиган қувур» аъзолари полициячиларни ўзларига нисбатан ҳурмат билан қарашга ва ҳар қандай ишга доимо шай туришга мажбур этарди. Гоҳо қалин бутазорлар қаъридан булбулнинг чаҳ-чаҳлагани эшитилгани сингари «Бурқсиган қувур»нинг зимистон ва тор-танқис жинкўчаларида тун сукунاتини бузиб полиция хуштаги чуриллаб қоларди ва тартиб посбонлари бу ердаги бойликларидан ажраганларга ёрдамга шошилардилар. Кўк мундир кийган кишилар яхши билишарди: «Қувур»дан «тутун ўрлай бошладими», демак, «Жаҳаннам ошхонаси»да «ўчоққа ўт қаланган» бўларди.

Кичкина Брэди Моллига мўмин-қобил бола бўламан, деб ваъда берди. Кичкина «Бурқсиган қувур» тўдасининг барча аъзолари орасида энг кучлиси, энг уddaбуруни, энг

олифтаси ва энг омадлиси эди. Турган гапки, йигитлар уни йўкотаётганларига ачинишарди.

Бироқ унинг эзгу ишлар гирдобига шўнғишини кузатар эканлар, ҳеч ким эътироз билдиришга журъат этмасди. Зотан, «Жаҳаннам ошхонаси»да маъшуқасининг йўриғига юра бошлаган йигитни маломат қилиш, уни эркак зотига иснод келтирганликда айблаш урф эмасди.

Севгилингнинг кўзи тагини кўкартиришинг мумкин, токи сени қаттиқроқ севсин – бу сенинг шахсий ишинг, аммо унинг илтимосларини адо этмоғинг шарт.

– Обидийдангни бас қил, – деди Кичкина бир оқшом Молли йиғи-сиғи қилганча бу қабиҳ йўлдан қайтишини сўраб ёлвора бошлаганида. – Мен тўдадан кетишга аҳд қилдим. Молли, менга сендан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Сен билан тинчгина, баҳолиқудрат кун кечирамиз. Ишга кираман, бир йилдан сўнг турмуш кураамиз. Буни сен учун қиялман. Ижарага бошпана оламиз, канарейка боқамиз, сенга тикув машинаси олиб бераман, хуллас, ҳалол яшашга уриниб кўраамиз.

– Ох, Кичкина! – тўлқинланиб кетди Молли унинг елкасига илашиб қолган упани рўмолчаси билан қоқиб тозаларкан. – Бу сўзларинг эвазига бутун Нью-Йоркни борбуди билан ҳадя этишга тайёрман! Бахтли бўлишимиз учун кўп нарса керак эмас.

Кичкина ўзининг бекам-кўст манжетлари ва кўзни камаштирувчи амиркон туфлисига хўрсиниб қаради.

– Ҳаммасидан кўра лаш-луш масаласида қийналамиз, – деди у. – Мен, ахир, доимо асл буюмларга шайдо бўлганман. Биласан, Молли, арзонгаров матоҳларни ёмон кўраман. Манави костюмим олтмиш беш долларга тушган. Кийим-кечак бобида таъбим нозик – ҳамма нарса олиймақом бўлиши лозим, бошқача ҳаёт менга тўғри келмайди. Агар мен ишга кирсам, каттакон қайчи тутган тикувчимга алвидо дейишимга тўғри келади!

– Арзимаган нарса бу, азизим! Одми уст-бош сенга кизил автомобилдан кам ярашмайди.

Ўсмирлик йилларида, билак кучи бобида ҳали отасига тенглашолмаган пайтлар у кавшарлашни ўрганган эди. Мана, энди бу фойдали ва табаррук ҳунарига қайтди. Бироқ унинг устахона хўжайинига ёрдамчи бўлишига тўғри келди, ахир, фақат устахона хўжайинларигина, уларнинг ёрдамчилари эмас, нўхатдек жавоҳирлар тақадилар ва сенатор Кларкнинг данғиллама уйини безаган мрамар устунларга менсимай қарашни ўзларига эп кўра оладилар.

Саккиз ой худди спектаклнинг икки пардаси орасидаги танаффусдек тез ўтиб кетди. Кичкина пешона тери билан бир бурда нон топар ва аввалги ҳаётига қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди: «Бурқсиган қувур» тўдаси эса ҳамон «катта йўлда» бебошлик қилар, полициячиларнинг бошини ёрар, бемаҳал юрганларни тутиб колар, ҳамёнларни «яхшилиқча» бўшатишнинг янги-янги усуллари кашф этар, пўрим кийинишда Бешинчи авенюдаги зодагонларга тақлид қилар ва қонунга очиқчасига тупуриб, ўз қоидалари асосида яшарди. Аммо Кичкина берган ваъдаси ва ўз Моллисини маҳкам тутди, гарчи унинг қачонлардан бери пардоз кўрмаган тирноқларида жило қолмаган ва тим қора шойи бўйинбоғининг оҳори тўкилган жойини бекитиш учун ҳар куни кўзгу олдида ўн беш дақиқа қакқайишга мажбур бўлаётган бўлса-да.

Бир оқшом у Моллининг қаршисида қўлтиғига сирли тугун кистирган холда пайдо бўлди.

– Қани, Молли, очиб кўр-чи! – деди у тугунни қизга узатаркан. – Бу сенга...

Сабрсиз бармоқлар қоғоз ўрамини йиртдилар. Молли товушининг борича ҳайқириб юборди ва чурвақа Мак-Киверлар хонага ёпирилдилар, уларнинг ортидан



ювуқсиз идиш-товоқлар уйилган тоғора ёнидан қандай қочишни билмай турган онаси ҳам кўринди.

Яна Моллининг хайқириғи янгради ва узун, юмшоқ ва парку алланима ҳавода сузиб бориб, унинг елкасига кўнди.

– Рус сувсари! – кеккайиб деди Кичкина майин мўйнага мафтун бўлиб қолган қизнинг кулча юзини томоша қиларкан. – Қойилмақом нарса. Очиғи, бутун Россияни кезиб чиққанда ҳам сенга бу қадар ярашадиганини топиб бўлмайди.

Молли муфта<sup>1</sup> чўнтагига қўлини тикди-да, йўлакай Мак-Киверлар зотига мансуб икки-уч мишиқини турта-турта кўзгу томон отилди. *(Реклама бўлими муҳаррирлари, диққат қилинг! Гўзалликнинг сири (порлаган кўзлар, шодликдан қизарган ёноқлар ва асир этувчи табассум) – рус мўйнасидан тикилган гарнитурда. Маълумот учун мурожжаат қилаверинг).*

Кичкина билан ёлғиз қолганида Моллининг ичига сиғмаётган хурсандчилигига бир парча муздек совук хаёл оралади.

– Сен тилло йигитсан, Кичкина, – деди у миннатдор бўлиб. – Умримда ҳеч қачон мўйна киймаганман. Лекин рус сувсари, менимча, жудаям қиммат турса керак? Кимдир менга шундай дегани эсимда.

– Сенга бирон марта арзонгаров нарсани тикиштирганимни пайқаганмисан, Молли? – хотиржам ва сипоҳгарчиликни қўлдан бермай сўради Кичкина. – Ташландиқ матоҳлар уйилган пештахталар ёки «Ўн центга истаган буюмингизни сотиб олинг» лавҳали витриналар ёнида куймаланганимни кўрганинг борми? Фараз қилки, манави мўйна шарф икки юз эллик доллар туради, муф-

---

<sup>1</sup> *Муфта* – мўйнали хайвон терисидан тикиладиган калта камзулга ўхшаш иссиқ кийим.

та эса – етмиш беш доллар. Шундагина сен рус сувсари ҳақида оз-моз тасаввур ҳосил қиласан. Асл буюмларга суягим йўқ менинг. Жин урсин, мўйна худди сен учун тикилгандек, Молли!

Молли завқдан ял-ял ёнаркан, муфтани кўксига босди. Лекин секин-аста унинг лабидаги табассум ғойиб бўлиб, синчков ва ғамгин нигоҳлар Кичкинанинг кўзларига қадалди.

Кичкина унинг дилидагини кўзидан уқиб олишни аллақачон ўрганган эди; у кулди ва юзи қизариб кетди.

– Бунни каллангдан чиқариб ташла, – ғўлдиради у кўпол эркалаш билан. – Айтганман-ку сенга, ўтмишим билан алоқани узганман, деб. Мўйнани ўз маблағимга сотиб олдим.

– Ишлаб топган пулимга демоқчимисан, Кичкина? Ойига етмиш беш доллар маошга-я?

– Ҳа. Анчадан бери пул йиғиб юрувдим.

– Йиғиб юрувдим? Шошма, қандай қилиб... Тўрт юз йигирма беш долларни саккиз ойга бўлсак...

– Оббо, ҳисоб-китобни бас қил! – деди қизишиб Кичкина. – Ишга кираётганимда ҳам оз-моз жамғарганим бор эди. Сен яна ўшалар билан ош-қатиқ бўлган, деб ўйлайсанми? Ахир, айтдим-ку, улар билан алоқани узганман, деб. Мўйнани ҳалол пулга сотиб олдим, тушунарлими? Кийиб ол, бирга айланиб келамиз...

Молли шубҳаларини қувишга ҳаракат қиларди. Қимматбаҳо мўйна эса хаёлини ўғирлаб, бу борада унга ёрдамлашди. У маликалардек бошини виқор-ла кўтарганча Кичкина билан қўлтиқлашиб кўчага чиқди. Бу ерда яшайдиганларга ҳақиқий рус сувсарини кўриш ҳали насиб этмаганди. Шу боис мўйна ҳақидаги хабар дарҳол бутун даҳага ёйилиб, эшик ва деразаларда устма-уст қалашган бошлар пайдо бўла бошлади. Ҳар бир киши Кичкина Брэди севгилисига ҳадя этган ҳашаматли

сувсар мўйнасига ақалли бир марта назар ташлаш иштиёкида ёнарди. Кўчаларда хайрат ва мактов, мўйна учун тўланган ва оғиздан оғизга ўтиб роса шиширилган катта пул ҳақидаги гаплар қулоққа чалинарди. Ўзини бадавлат шахзодадек тутаётган Кичкина Моллининг ўнг тарафида равон қадам ташларди. Ҳа, меҳнат қилиб кун кечириш унинг асл қимматбаҳо буюмларга муҳаббатини сўндирилмади, у одамларнинг кўзини қамаштиришни ҳамон илгаригидек севарди. Муюлишда башанг либосли бекорчи йигитчалар тўп бўлиб туришарди. «Бурқсиган қувур» тўдаси аъзолари Кичкинанинг маъшуқасига ҳурмат юзасидан шляпаларини кўтариб қўйдилар-да, яна сирли суҳбатларини давом эттирдилар.

Шу пайт бутун даҳада шов-шув кўтарган жуфтликдан нарироқда Полиция бош бошқармаси изкувари Рэнсомнинг қораси кўринди. Рэнсом «Бурқсиган қувур» худудида бемалол юрадиган ва бунинг учун жазоланмайдиган ягона изкувар ҳисобланарди. У куёнюррак эмас, виждонан ишлар ва юқорида тилга олганимиз даҳани айланганида, бу ерликлар ҳам ҳамма қатори одамлар, деган фикрга таянарди. Кўпчилик Рэнсомни ёқтирар, айнан қайси уйларга қадам ранжида қилиш лозимлигини унга шипшиб кўядиганлар ҳам бўларди.

– Анави муюлишда нега одамлар тўпланиб туришибди? – сўради Рэнсом қизил свитер кийган озгин ўспириндан.

– Ҳамма Кичкина Брэди қизчасининг устига ёпган бизон терисини кўргани чиққан, – деди ўспирин. – Айтишларича, Кичкина уни тўққиз юз долларга сотиб олганмиш. Антиқа нарса экан...

– Брэди бир йилдан бери эски ҳунари билан шуғулланмай қўйган деб эшитувдим, – деди изкувар. – У ҳозир тўдага аралашмайди-ку, тўғрими?

– Ҳа, тўғри, у ишляпти, – тасдиқлади ўспирин. – Таксир, нима, мўйна сизнинг ишингизга дахлдорми? Менимча, териси қизчанинг елкаларини ўраган ҳайвон темирларни кавшарлаш устахонасида овланмайди.

Рэнсом дарё бўйидаги кимсасиз кўчада сайр қилиб юрган йигит-қизга етиб олди. У Кичкинанинг тирсагидан тутди.

– Икки оғиз гап бор, Брэди, – деди бамайлихотир. У Моллининг сўл елкасида ҳашамат ила осилиб турган узун, момик шарфга кўз югуртирди. Изқуварнинг авзойига боқиб, Кичкинанинг ҳам полицияга нисбатан эски адоватидан юзи қорайиб кетди. Улар чеккага ўтдилар.

– Кеча Фарбий Етмиш иккинчи кўчадаги миссис Хезкоутникида бўлганмидинг?

– Бўлгандим, – деди Кичкина. – Нима эди?

– Сен кетишинг билан унинг рус сувсаридан тикилган, баҳоси минг долларлик гарнитураси йўқолган. Менга тасвирлаб беришларича, у ҳозир маъшуқангни безаб турган манави мўйнага жудаям ўхшайди.

– Жин урсин... Жин урсин сени, – жаҳл билан деди Кичкина. – Рэнсом, бунақа ишларни бас қилганимни сен яхши биласан. Мен бу гарнитурани кеча... сотиб олдим...

Кичкина негадир тутилиб қолди.

– Хабарим бор, сўнги пайтларда ҳалол ишляпсан, – деди Рэнсом. – Сен учун кўлимдан келганини қилишга тайёрман. Агар ростдан ҳам мўйнани сотиб олган бўлсанг, бирга ўша дўконга борамиз ва менинг кўнглим жойига тушади. Маъшуқанг бизга ҳамроҳ бўлиши, ҳозирча мўйнани ечмаслиги мумкин. Ҳаммасини ими-жимиди, гувоҳларсиз ҳал қиламиз. Шундай қилсак, тўғри бўлади, Брэди.

– Юр, – деди аввалига Кичкина. Сўнг тўсатдан лабини қийшайтириб, ғалати кулди-да, Моллининг ғазаб ва кўрқув акс этган юзига қаради.

– Кераги йўқ, – деди ҳафсаласи пир бўлиб. – Бу ўша кампирнинг мўйнаси. Молли, уни қайтариб беришимизга тўғри келади. Баҳоси миллион доллар бўлганида ҳам у барибир сенга унчалик ярашмайди.

Юзи аламдан буришиб кетган Молли Кичкинанинг энгига ёпишди.

– Ох, Кичкина, Кичкина, менинг қалбимни чилпарчин қилдинг! – алам билан йиғлади у. – Сен билан шунақа фахрланардимки... Энди улар сени қамаб қўйишади ва шу билан бахтиёрлигимиз тамом!

– Уйга жўна! – ўзини йўқотиб бақирди Кичкина. – Кетдик, Рэнсом, мўйнани ол. Юр, дейман! Йўқ, шошма, худо ҳаққи, мен... Эҳ, лаънати, майли, мени дорга осишсин... Уйга югур, Молли! Кетдик, Рэнсом!

Ўтин омборининг орқа томонида дарё бўйидаги худудни айланиб ўтаётган полициячи Коун кўринди. Изқувар уни чақирди. Коун тез етиб келди ва Рэнсом унга аҳволни тушунтирди.

– Ҳа, ҳа, – деди Коун. – Сувсар мўйнаси йўқолгани ҳақида эшитдим. Шундай қилиб, уни топдингми? Рус мўйнаси эканми?

Коун Молли Мак-Кивернинг собиқ ифтихори – момик шарфнинг учини кафтига олиб, диққат билан кўздан кечири бошлади.

– Бир пайтлар Олтинчи авенюда мўйна буюмлар сотганман, – деди у. – Ҳа, бу сувсар. Лекин Аляска сувсари. Момик шарф атиги ўн икки доллар туради, муфта эса...

Ажабо! Кичкина темирдек кафти билан полициячининг оғзини бекитди. Коун нафас ололмай башараси хўроз тожидек қизариб кетди. У чайқалиб йиқилай деди, лекин мувозанатини сақлаб қолди. Молли оҳ урди. Изқувар Кичкинага ташланиб, Коун иккови уни кишанбанд килдилар.

– Сен, Коун, ҳар хил гапларни айтгандан кўра, қипкизил башарангни тузатиб ол, – деди Кичкина кўлларини кишандан чиқаролмай.

– Момиқ шарф ўн икки доллар туради, муфта эса тўққиз доллар, – қайсарлик қиларди полициячи. – Нега рус мўйнаси ҳақида валақлаяпсизлар, тушунмаяпман?

Кичкина чеккада тахлаб қўйилган ғўлалар устига ўтирди, унинг юзи секин-аста лоладек қизариб борарди.

– Тўғри айтдинг, Билағон! – деди у полициячига нафрат билан қараб. – Бутун бошли гарнитур учун йигирма бир доллару эллик цент тўлаганман. Мен, Кичкина Брэди – арзонгаров матоҳларни ёқтирмайдиган башанг йигитман! Буни тан олгандан кўра олти ой камокда ўтириш осонроқ эди. Ҳа, Молли, мен бор-йўғи мақтанчоқман – менинг маошимга рус мўйнаси сотиб олиб бўлмайди.

Молли унинг бўйнига осилди.

– Менга пул ҳам, сувсар мўйнаси ҳам керак эмас! – хайқирди у. – Бу дунёда менга ҳеч нарса керак эмас, фақат сен кераксан, Кичкина! Ҳатто куркадек калтафаҳм, аҳмоқ, такасалтанг бўлсанг ҳам сени дейман фақат!

– Унинг кўлларини бўшат, – деди Коун изқуварга. – Идорага қўнғироқ қилишибди, ҳалиги хоним мўйнасини топганмиш. У хонимнинг шкафида осиглиқ турган экан. Йигитча, башарамга нисбатан беҳурматлик қилганингизни бир сафар афв этаман.

Рэнсом Моллига мўйнасини тутди. Қиз ял-ял ёнаётган нигоҳини Кичкинадан узмай, герцогиняларга хос назокат билан момиқ шарфни бўйнига илиб, бир учини елкаси оша ўтказди.

– Икковинг ҳам ғирт телба экансан, – деди Коун ва изқуварга юзланди. – Кетдик бу ердан.

## ОЛИЙЖАНОБ ТОВЛАМАЧИ

Машхур фирибгар Жефф Питерс аёлларнинг макр-хййла ишлатишига ҳеч қачон ишонмасди. Уларни ҳатто энг оддий ва беозор фирибгарлик ишлари учун ҳам шерик ёки компаньон қилиб олмаган маъқул, деб айтарди.

Бир куни «Аёлларнинг кўнгли бизникидан кўра тозарок», дедим атай унинг қитиқ пастига тегиб.

– Ҳалол бўлишади-да, уларнинг ўрнига эркаклар муттаҳамлик қилганидан кейин, – деди Жефф. – Аёллар, уларнинг ҳис-туйғуларини сочларининг ранги табиийликдан унча узоқ бўлмаган пайтгача бизнесга ярайди. Сўзимнинг исботи учун шеригим Энди Таккер иккимиз Каир шаҳарчасида оила-никоҳ ишларига доир кичкина бир операцияни амалга оширмоқчи бўлганимизда ёрдам сўраб мурожаат қилганимиз бевани мисол қилиб келтираман.

Агар сизда реклама учун етарлича сармоя бўлса, никоҳ идораси очинг. Бизда олти минг долларча маблағ бор эди ва биз одамларнинг оила қуришига кўмаклашиш орқали икки ойда бу пулни икки баравар кўпайтириш ниятида эдик. Бундай ишлар билан икки ойдан зиёд шуғулланиш имкони йўқ эди, бу ишни давом этириш учун Нью-Жерси штатининг расмий рухсатномаси керак бўларди.

Биз тахминан қуйидаги мазмунда эълон ёздик:

*«Келишган, истарали, уч минг доллар сармоя ва каттагина ер-мулкига эга ўттиз икки ёшли бева аёл иккинчи марта турмуш қурмоқни истайди. Эри бадавлат бўлмаса ҳам майли, аммо меҳрибон ва очиқкўнгил бўлсин, чунки у камбағал эркаклар орасида олийҳиммат кишилар кўпроқ, деган фикрда. Кекса ёки хунук юзли кишига тегишга қариши эмас, эркак унга вафодор бўлса ва сармоясини ақл билан ишлатса, кифоя.*

*У билан оила қуришни хоҳловчилар Иллинойс штати, Каир шаҳридаги Питерс ва Таккер никоҳ идорасига, Ёлғиз Аёл номига хат билан мурожаат этишларини сўраймиз».*

– Ҳозирча ҳамма иш соз, – дедим мен ушбу «адабиёт дурдонаси»ни юмалоқ-ёстиқ қилганимиздан сўнг. – Аммо бунақа аёлни қаердан топамиз?

Эндининг қовоғи солинди.

– Жефф, – деди у, – реалист санъаткорлигингни билмас эканман. Аёлни нима қиласан? Нима алоқаси бор аёлнинг? Нам тортган акцияларни биржада пуллаётганинда улардан сув томиб турсин деб қайғурмайсан-ку, тўғрими? Никоҳга доир эълон билан аллақандай аёл ўртасида қандай боғлиқлик бор, ахир?

– Қулоқ сол ва икки қулоғинга қуйиб ол, – дедим мен. – Қонун ҳарфларига тўғри келмайдиган барча қинғир ишларимда мен «сотилаётган товар ҳақиқатда бўлиши керак, токи, агар вазият тақозо этса, харидор уни ўз кўзлари билан кўрсин», деган коидага ҳамма вақт амал қилиб келганман. Фақат шу йўл билан, қолаверса, шаҳарларнинг низомларию поездлар жадвалини синчиклаб ўрганиб чиққаним туфайли полицияга чап бериб юрдим, ҳатто беш долларлик пуллар ва сигаралардан наф бўлмаганида ҳам, шу билимларим жонимга оро кирарди. Модомики, бошлаган ишимиз барбод бўлишини истамас эканмиз, мижозларга кўрсатиш учун ёқимтойгина бева аёлни ёки унга тенг қийматли бошқа товарни тахт қилиб қўйишимиз лозим. Аёл чиройли бўладими, бадбурушми, биз санаган бандларга тўғри келадими-йўқми – аҳамиятсиз. Акс ҳолда судья бизни авахтага тикади.

Энди пича ўйлагач, аввалги фикридан қайтди.

– Кўндирдинг, – деди у, – агар почта ёки суд маҳкамаси идорамизни тафтиш қилиб қолса, бева аёл, балки рост-



дан ҳам керак бўлар. Аммо оила куриш билан якунлан-майдиган сохта ошиқ-маъшукликдек бекорчи ғалва учун вақт ажратишга рози бўладиган бевани қаердан топамиз?

Мен унга мўлжалимда айна шунақа бева борлигини айтдим. Содали сув сотиш ва тиш суғуриш билан шуғулланган эски кадрдоним Зики Троттер бир йилча муқаддам доим ичиб кайф қилиб юрадиган гиёҳ дамламаси ўрнига қандайдир меъда дорисини ютиб қўйиб, хотинини бева қолдирган эди. Уларнинг уйида тез-тез меҳмон бўлардим, менимча, ўша аёлни ўз томонимизга оғдиришимиз мумкин эди.

У олтмиш чақирим наридаги овлоқ шаҳарчада истиқомат қиларди, шу боис дарҳол поездда етиб бордим ва уни ўша жойда, ўша уйда, боғдаги ўша кунгабоқарлару тўнкарилиб ётган тоғора устида ўйнаётган жўжалари ёнида кўрдим. Троттер хоним биз ёзган эълондаги таърифга жуда мос эди – ёши анчагина катталиги, сармоясини келишган қадду қомати йўқлиги каби арзимас жиҳатларни ҳисобга олмаганда, албатта. Аммо нари-бери ишлов бериш билан бу қусурларни ёпса бўларди, чунки у унчалик кўримсиз эмасди. Мен бева аёлга яхшигина ҳақ тўлаш орқали марҳум дўстимнинг руҳини шод қилишимни ўйлаб суюниб кетдим.

– Бошлаганингиз олийжаноб иш эканига аминмисиз, мистер Питерс? – сўради у режаларимизни сўзлаб берганимда.

– Миссис Троттер! – дея хитоб қилдим. – Биз Энди Таккер билан ҳисоб-китоб қилдик: бу ахлоқсиз ва бепоён мамлакатда газетада чоп этилган эълонимизни ўқиғач, сизнинг ажойиб кўлингизни сўраш, шу орқали аслида йўқ пулларингизу хаёлий ер-мулкингизни ўзиники қилиб олишга уриниб кўрадиган камида уч минг нафар эркак бор. Шу уч минг эркакдан аксарияти сизга ялқовлик ту-

файли сўлқиган ва чала ўлик танларини, зикна қўлларини таклиф қила олади, холос. Улар сизнинг бойлигингизга кўз олайтирган жирканч хушомадгўйлар, омадсиз ва танбал бандалардир.

– Энди иккимиз, – жўшиб давом этдим мен, – бу ижтимоий текинхўрларга эздан чиқмайдиган сабоқ бермоқчимиз. Шу боис Буюк ахлоқ ва Раҳм-шафқат оила-никоҳ агентлиги номли йирик корпорацияга асос солиш фикридан қайтмаймиз. Ахир, биз буюк ва олийжаноб мақсадларни кўзлаганмиз!

– Ҳа, ха, – деди у, – сиз, мистер Питерс қандайдир бўлмагур ишлар билан шуғулланмаслигингизни аллақачон билишим керак эди. Бироқ менинг вазирам нима-лардан иборат? Нахотки, бу уч минг нафар аблахнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида рад жавоби беришимга тўғри келса ёки бирваракайига ўн-ўн бешталаб эркакни ҳайдаб солишим ҳам мумкинми?

– Сизга, миссис Троттер, – тушунтира бошладим, – оппа-осон ва сердаромад иш топширамыз. Сизни осуда бир меҳмонхонага жойлаштирамыз, жон койитишингизга ҳожат қолмайди. Мижозлар билан ёзишмалар ва умуман никоҳ идорасига доир ишларнинг бари Энди икковимизнинг зиммамизда. Аммо шуниси ҳам борки, сизга ошику шайдо бўлиб қолган биронтаси, агар темир йўл чиптасига пул топа олса, Каирга етиб келиб, қалбингизни шахсан асир этишга журъат қилиши мумкин... Бундай ҳолларда сиз пича тер тўкишингиз керак бўлади: ўз қўлингиз билан унга эшикни кўрсатиб кўясиз. Сизга ҳафтасига йигирма беш доллар ҳақ тўлаймиз, меҳмонхона харажатлари ҳам биздан.

Бу гапларни эшитгач миссис Троттер:

– Беш дақиқада тайёр бўламан. Упадонимни олсам ва кўча эшик калитини кўшнига бериб кўйсам бўлди. Мени

хизматни бошлади деб ҳисоблайверинг, шу дақиқадан менга иш ҳақи ёзилади, – деди.

Шундай қилиб миссис Троттерни Каирга бошлаб келдим. Келишимиз билан уни ҳеч қанақа шубҳа-гумон туғилмасин деган мақсадда квартирамиздан олисроқдаги тинчгина оилавий меҳмонхонага жойлаштирдим. Сўнг Эндиинг ёнига бориб бўлган воқеани сўзлаб бердим.

– Жуда соз, – деди Энди Таккер. – Мана, энди виждонинг тинч, қўлингда ҳам хўрак, ҳам қармоқ бор экан, кел, балиқ овлашни бошлаймиз.

Биз эълонни атроф-музофотдаги ҳамма жойга тарқатдик. Бир марта эълон беришимиз кифоя қилди. Агар рекламани кенгайтирганимизда эди, аллақанча хизматчию сочи жингалак қилиб турмакланган қизларни ишга ёллашимизга тўғри келардики, улар чайнаган сақичларнинг пақиллаши почта ва телеграф директори-нинг қулоғига етиб борган бўларди. Банкда миссис Троттер номига ҳисобварақ очиб, икки минг доллар пул кўйдик ва шубҳа қиладиганларга кўрсатиб кўйсин деб, чек дафтарчасини унга топширдик. Мен унинг ҳалол аёллигини билардим, шунинг учун пулларимизни унга ишонидан чўчимадим.

Шу биргина эълон бизни ишга қўмиб ташлади, идо-рада ўн икки соатлаб хатларга жавоб ёзиш билан машғул бўлардик.

Мактублар кунига юзтача келарди.

Дунёда чиройли бева аёлга уйланишни ва унинг сармоясини ҳақида қайғуришдек масъулиятни гарданига олишни хоҳлайдиган қашшоқ хуштор эркаклар шунчалик кўп деб ҳеч қачон ўйламаган эканман.

Уларнинг аксарияти сариқ чақаси ҳам, тайинли касб-хунари ҳам йўқлигини, ҳеч ким уни тушунмаслиги, бироқ шунга қарамай, ўзида меҳр-муҳаббат ва бошқа эркаклик фазилатлари бисёрлиги ҳамда мазкур фазилатлар

шўрлик бевани оламда энг бахтиёр аёлга айлантиражаги хақида маълум қиларди.

Идорамиз ҳар бир мижозга жавоб йўлларди. Ҳар бир талабгорта «Сизнинг самимий ва мароқли мактубингиз бева аёлда чуқур таассурот уйғотди, у батафсил хат ёзишингизни ва иложи бўлса, фотосуратингизни илова қилишингизни илтимос қилади...» деган мазмунда жавоб ёзиларди. Шунингдек, «Питерс ва Таккер фирмаси атиги икки доллар эвазига сизнинг иккинчи мактубингизни бева аёлнинг нозик кўлларига етказишга тайёр. Кўрсатилган пулни ҳам хатга қўшиб жўнатмоғингиз талаб этилади...» деб қўшиб қўйиларди.

Энди сиз режамиз нақадар жўн ва пухта бўлганини тушунгандирсиз. Бева аёлнинг қўлига муштоқ бу олижаноб куёвтўраларнинг қарийб тўқсон фоизи икки долларни бир амаллаб топиб, бизга жўнатишарди. Бўлган иш шу. Ўзимизни уринтирганимиз йўқ. Ҳа, иш кўп эди, Энди иккимиз баъзан норози тўнғиллаб қўярдик: ахир, кун бўйи тинимсиз хатжилд йиртиб, ичидаги долларларни йиғиб олиш осонми?!

Шахсан қадам ранжида қилган мижозларимиз ҳам бўлди. Биз уларни миссис Троттер хузурига жўнатардик, у эса мижоз билан ўзи гаплашиб қўярди. Шунақалардан учта ё тўрттаси идорага қайтиб келиб, уйига етиб олиши учун жиндай пул беришимизни илтимос қилди. Олисроқ музофотлардан ҳам хатлар кела бошлаганида Энди икковлон хатжилдлардан кунига икки юз доллар суғуриб оладиган бўлдик.

Кунларнинг бирида, тушликдан сўнг идорамизда иш авжида эди, мен пулларни сигарадан бўшаган қутичаларга тахлардим, Энди эса хуштак чалганича «Никоҳ қўнғироқлари садоси сенга насиб этмайди...» деб бошланадиган ашула куйини ижро этарди. Шу маҳал идорамизга паст бўйли эпчилгина нусха кириб келди

ва гўё музейдан ўғирланган қимматбаҳо сураатнинг изига тушгандек, деворларимизга олазарак кўз югуртириб чикди. Унга қия назар ташладиму ўзимдан фахрланиб кетдим, чунки биз қонуна ишляпмиз, бинобарин, унга бу ерда пишириб кўйгани йўқ.

– Бугун негадир жуда кўп хат олибсизларми, – деди у.

– Кетдик, – дедим дарҳол шляпамга қўл чўзиб. – Сизни анчадан бери кутяпмиз. Сизга товаримизни кўрсатаман. Дарвоқе, Вашингтондан жўнаб кетаётганингизда Тедди<sup>1</sup> соғ-саломат эдими?

Уни «Ривервью» меҳмонхонасига бошлаб бориб миссис Троттер билан таништирдим. Сўнг аёлнинг номига икки минг доллар кўйилганини тасдиқловчи банк дафт-тарчасини бурнига тиқиштирдим.

– Чамамда, ҳаммаси жойида, – деди изқувар.

– Ҳа, – дедим, – агар бўйдоқ бўлсангиз, хоним билан сўзлашишингизга ижозат бераман. Икки доллар тўламасангиз ҳам майли.

– Ташаккур, – жавоб берди у. – Бўйдоқ бўлганимда эди, эҳтимол... Хўп, омон бўлсинлар, мистер Питерс.

Учинчи ой охирига бориб тўпланган пулларимиз беш минг долларга етаёзди ва биз энди тўхтатсак ҳам бўлар деб ўйладик: алданган талабгорлардан анча-мунчаси устимиздан шикоят қила бошлаган эди, иннайкейин миссис Троттер ҳам чарчади. Аёл уни ўз кўзи билан кўриш учун келган мижозлардан жуда безганди.

Хуллас, оила-никоҳ ишларига барҳам беришга қарор қилганимиздан сўнг охирги ҳафта учун маош тўлаш, хайрлашиш ва вақтинча сақлаш учун берганимиз – икки

---

<sup>1</sup> *Тедди* – АҚШнинг 1901–1909 йиллардаги президенти Теодор Рузвельт назарда тутилмоқда. Жефф Питерс дабдурустдан Рузвельт ҳақида сўраш билан келган одамнинг кимлиги унга маълумлигини кўрсатмоқчи бўлган: у Вашингтондан ҳукумат топширигига кўра келган изқувар эди.

минг долларлик банк дафтарчасини олиш учун миссис Троттернинг хузурига бордим.

Хонага кирдим. Нимани кўрдим денг: бева худди мактабга боришни хоҳламаётган инжиқ қизчадай пиқ-пиқ йиғлаб ўтирарди.

– Оббо, нима бўлди, нега йиғлайсиз? – сўрадим хавотирланиб. – Биронтаси сизни хафа қилдими ёки уйингизни соғиндингизми?

– Йўқ, мистер Питерс, – деди аёл хикқиллаб. – Сизга бор гапни айтаман. Сиз мархум эримнинг дўсти эдингиз, сиздан ҳеч нимани яширмайман. Мистер Питерс, мен севиб қолдим. Бир эркакни севиб қолдим, шу қадар қаттиқ севдимки, энди усиз ҳаёт менга қоронғу. Мен бир умр орзу қилиб яшаган комиллик унда мужассам экан.

– Шунга шунча ваҳимами? – дедим мен. – Тегинг унга, ҳалолингиз бўлсин, муҳаббатингизга муҳаббат билан жавоб берса, албатта. Айтинг-чи, сиз унга нисбатан ҳис қилган нозик, дардли туйғулар сизга нисбатан унда ҳам борми?

– Ҳа, – жавоб берди аёл. – У сизларнинг эълонингиз бўйича келган жентльменлардан биттаси, лекин агар ўша икки минг долларни бермасам, менга уйланишни истамаяпти. Унинг исми Уильям Уилкинсон.

У яна йиғлашга тушди.

– Миссис Троттер, – дедим, – аёлларнинг ҳистуйғуларини менчалик ҳурмат қиладиган одам дунёда йўқ. Боз устига, сиз бир пайтлар энг яхши дўстларимдан бирининг умр йўдоши эдингиз. Агар бу бир ўзимга боғлиқ бўлганида эди, ўша икки минг долларни сизга ҳадя қилган ва юрагингизни забт этган одам билан бахтли бўлишингизни тилаган бўлардим. Биз бу пулларни сиздан қизганмаймиз, чунки хушторларингиздан беш минг доллардан зиёд ундирдик. Бироқ, – дея давом этдим, – мен Энди Таккер билан маслаҳатлашиб олишим зарур. У

хамкорим, бамаъни йигит. Биз тенг миқдорда шерикмиз. У билан гаплашиб кўраман, қани, сизга қандай ёрдам бера оларкинмиз?

Эндининг ёнига қайтиб, бор гапни айтдим.

– Шунақа бўлишини билувдим-а, – деди Энди. – Шунга ўхшаш нимадир юз беришини кўнглим сезувди. Юрак торлари чертиладиган бунақа ишларга аёлларни аралаштирмаслик керак.

– Энди, – дедим мен маънос тортиб, – биз туфайли аёл қалби чилпарчин бўлишини ўйлаш жуда оғир.

– О, албатта, – деди у ҳам афсусланиб. – Майли, Жефф, сен айтганча бўлақолсин. Сен доим раҳмдил ва юмшоқ табиатли бўлгансан, мен эса қуруқ, сершубҳа одамман. Аммо сени қўллаб-қувватлашга тайёрман. Миссис Троттернинг хузурига бор ва айтгинки, банкдан ўша икки минг долларни олсин, уни севган кишисига берсин ва бахтли бўлсин!

Мен сакраб ўрнимдан турдим ва роса беш дақиқа Эндининг кўлини маҳкам сиққач, югурганча миссис Троттернинг ёнига қайтиб, қароримизни унга маълум қилдим: аёл азбаройи қувонганидан боягидан ҳам кўпроқ кўз ёши тўкди.

...Икки кундан сўнг кўч-кўронимизни йиғиштириб, шаҳардан жўнаб кетишга ҳозирландик.

– Сафар олдидан миссис Троттер билан учрашмайсанми? – сўрадим ҳамкоримдан. – Аёл сен билан танишиш ва миннатдорлик изҳор қилишдан мамнун бўларди...

– Бунинг иложи йўқ деб кўрқаман, – жавоб берди Энди. – Поездга кеч қолмасак яхши эди...

Бу пайтда мен ичига долларлар жойланган рўмолни белбоғ қилиб боғлаётган эдим – биз пулларимизни доим шундай олиб юрардик. Бир маҳал Энди чўнтагидан бир даста йирик банкнотларни чиқариб, «Қолган пулларга кўшиб қўй», деди.

- Бу нимаси? – хайрон бўлдим.
- Миссис Троттер берган икки минг.
- Қаердан олдинг, ахир?
- Ўзи берди, – жавоб қилди Энди. – Мен сўнгги бир ой давомида кечқурунлари унинг ёнига катнадим... хафтасига уч мартадан...
- Бундан чиқди Уильям Уилкинсон дегани сен экансан-да? – сўрадим оғзим очилиб.
- Кечаги кунгача шундай эди... – деди Энди тиржайиб.





**Василий ШУКШИН**  
(1829–1974)



## **ВИЖДОНСИЗЛАР**

Глухов чол олтмиш саккиз ёшида бева қолди. Кампини кўмди, маъракаларини ўтказди... Йиғлади.

– Энди нима қиламан-а? Бир ўзим сўппайиб қолдимми-а? – ёлғизликдан озорланди чол.

Кампиридан айрилган чолларнинг барчаси шундай дейишади. Рост, унга жуда оғир эди, жудаям оғир, аммо у барибир «энди нима қилажагини» ўйламасди. Қайғуси оғир эди, юраги ўртанарди, бор гап шу. Эртага нима бўлиши фарқсиз эди унинг учун.

Сувлар окди, хаш-паш дегунча бир йил ўтиб кетди. Чолнинг ортиқ тоқати қолмади. Дили танг бўлди... Ҳайхотдек уйда сўққа боши билан эзилиб кетди. Унинг ўғли бор эди, кенжатойи (катталари урушда ҳалок бўлишганди), лекин у ҳам шаҳарда яшар, бу ёққа аҳён-аҳёнда картошка, шўркаррам, бодринг, болаларига асал (чол олти кути ари боқарди), қўлбола чўчка ёғи олгани келарди холос. Босқинга ўхшаш бу келди-кетдилар чолни кувонтирмас, билъакс қонини қайнатарди. Чўчка ёғию асал, бодрингни қизғанмасди... Йўқ. Фақат ўғли бегоналашиб кетганига қуярди, нафс илинжида келишидан жирканарди. Чол ўғлининг халтасини чўчка ёғи, карамга тўлдириб берарди... Энг тоза ва яхши неъматларни берарди. Кўнглида ғижинар, аммо миқ этиб болимасди. Хўш, ўғли келганида «Ванька, ҳолим ёмон,

ичимга чирок ёкса ёришмайди...» дея ҳасрат қилди ҳам дейлик. Нима қилиб берарди Ванька? Ёрдам қиладими? Ҳа, юпатгандай бўлади, бир шишани икковлашиб бўшатадилар, сўнг чамадонини кўтариб оиласи ёнига – шаҳарга жўнайди. Шунақа гаплар.

Шунинг учун ҳам чол уйланишга қарор қилди. Бир хотинни кўз остига олиб ҳам қўйди.

...Ўшанда 9 май эди, Ғалаба куни. Одатдагидек, бутун қишлоқ қабристонда урушда ҳалок бўлганларни хотирлаш учун тўпланди. Қишлоқ шўроси раиси курсида ўтирганча рўйхатни ўқирди:

– Гребцов Николай Митрофанович.

Гуляев Илья Васильевич.

Глухов Василий Емельянович.

Глухов Степан Емельянович.

Глухов Павел Емельянович...

Бу учови – Глухов чолнинг ўғиллари. Ҳар гал ўғилларини номма-ном ўқишганида, қайғу темир човутида чолнинг томоғидан бўғгандек бўлар, нафаси тикиларди. У кўзини ерга тикди, йиғламади, аммо ҳеч нимани кўрмасди. Шу алфозда узок турди. Шўро раиси эса ўқигани ўқиган:

– Опарин Семён Сергеич.

Попов Иван Сергеич.

Попов Михаил Сергеич.

Попов Василий Иванович...

Мозордагилар унсиз йиғлашди. Айнан унсиз, ким шол рўмоли чеккасига, ким кафтига юзини босиб йиғларди, ушбу дақиқаларда жуда зарур бўлган сукунатни бузмаслик учун эҳтиёт бўлиб тин олардилар. Чол сал ўзига келиб, атрофига аланглади. Ҳар аланглаганида хаёлидан битта гап ўтарди: «Эҳ-хе, қанча одам нобуд бўлди-я!..»

Шу маҳал оломон орасида турган Отавина кампирни илғади. У анчадан буён қишлоқда яшаса-да, асли

бошқа ерлик эди, Глухов уни яхши танирди. Анов аламли рўйхатда ҳеч кими йўқ эди Отавина момонинг, лекин у ҳам бошқалар каби унсиз йиғлар, чўкинарди. Глухов художўй кишиларни ҳурмат қиларди. Уларни таъкиб этишиб, мазах қилишса ҳам ҳурматларди. Ҳеч кимга бўйин эгишни хоҳламаганлари учун, ҳалолликлари учун. У Отавинага қараб ўйланиб қолди... Қирғийбурун, тетиккина кампир, томорқа ишларини, ҳаммом ёқишни, квас тайёрлаш ва нон ёпишни бемалол эплайди. Чол дўкон нонини еёлмасди. Дафъатан хаёлига бир фикр келди: «Ахир, у ҳам сўққабош-ку... Балки?..»

Уйига қайтди, мархум ўғиллари хотирасига ичди... Астойдил ўйлай бошлади: «У ўз кулбасини сотиб, меникига кўчиб ўтсайди. Уйининг пулини менга деса кассага қўймайдими. Бирга яшасак бас, уйим ҳувиллаб ётмаса бўлгани. Одам каби ҳаммомга тушиш, чўмилгандан кейин баҳузур оёқ узатиш мумкин бўларди... Овқат пишириб дастурхонга қўядиган, «Келақол, Емельян», деб чақирадиган киши бўларди. Хонадонида ҳаёт асари пайдо бўларди! Печка ёнида аллаким косовни тарақлатса, ҳамиртуруш ҳиди анқиса, бу тамом бошқа гап-да. Кечалари агар уйқу қочса, пичирлашиб гаплашиб ётиш мумкин... Ёки колхоз бригадирини «онангни»лаб сўкиши мумкин. Дарвоқе, Отавина – тақводор кампир, унинг ёнида коскилик қилиш ярашмайди. Бир оёғи гўрда экан, бас, етар умр бўйи сўкканлари. Ҳа, у келса, яхши бўларди. Ҳарчанд нима дема, уй бекаси бўлганига етмайди». Шундай ўйлади чол. Ҳатто пича ҳаяжонланди ҳам.

Якшанба куни Ольга Сергеевна Малишеваникига борди. У ҳам кампир эди, Отавинадан ёшроқ, лекин чамаси, калласи тузукроқ ишларди. Глухов чол шу Ольга Сергеевнани бир замонлар пинҳона яхши кўрарди. У пайтларда у чол эмасди. Кўҳлик, шанғи Ольгага шайдо навқирон йигит эди. Малишевларникига совчи юбориш-

ни хаёл қилиб юрганида инқилоб бошланди. Қишлоқда бир шоввоз комиссар пайдо бўлиб, ҳаш-паш дегунча Ольганинг бошини айлантирди-ю, ўзи билан қай гўрга олиб кетди. Олиб кетишга кетди-ю, аммо ўзи аллақаерда ўққа учди. Ольга Сергеевна эса уйига қайтди ва бошқа эр қилмади. Бир пайтлар, ҳали бўйдоқ Емельян Глухов Ольга Сергеевнани йўқлаб қишлоқ шўросига кирган (қиз ўшанда шўро котиби бўлиб ишларди) ва унга дардини тўкиб-солганди. Ольга Сергеевнанинг жаҳли чикди, обидийда қилди ва шунқори – комиссардан сўнг эркак зотини ёнига йўлатмаслигини айтди. Глухов (унинг пича кайфи бор эди) бузуқ ниятда эмаслигини, шунчаки уни яхши кўришини тушунтирмаққа уринди. Яхши кўради. Бунинг нимаси ёмон? Ольга Сергеевна баттар ранжиди ва тагин, барча эркаклар нутилмас комиссарининг тирноғига-да арзимаслигини айтди. У ўзининг комиссари билан ҳаммани чунон кўрқитган эдики, бошқалар ҳам остонасини ҳатлашга журъат этишолмасди. Бироқ кўп йиллар ўтди, ҳамма нарса унут бўлди, бари ўтиб кетди, аллақачон ўзгача ҳаёт қайнарди, оламда бошқача, уларникига ўхшамаган муҳаббат жавлон урарди... Ва Глухов чол билан пенсионер кампир Ольга Сергеевна ғалати бир тарзда дўстлашиб қолишди. Чол ёлғиз яшайдиган кампирга хўжалик ишларида қарашарди: қишда қор курар, ўтин ёрар, супурги бойлаб берар, томини тузатарди... Сўнг ўтириб, чакчаклашардилар. Малишева чоракталикни столга кўярди... Глухов ҳануз ундан ҳайиқар ва совет ҳокимиятини мақтагани мақтаган эди.

– Ана, қаранг, қандоқ... тартибли ҳукумат-а! Илгари қанақа эди: ёшингни яшаб, ошингни ошаганингдан кейин ҳеч кимга керак бўлмади қолардинг. Энди бўлса пенсия беришяпти. Хўш, қайси хизматларим учун менга ҳар ой йигирма беш сўм тўлашяпти? Ҳолбуки, ўз ўғлим беш сўмдан ортиқ пул бермаган менга, шугинани ҳам баъзан

кўзи қиймайди. Ҳокимият эса ҳар ой канда қилмайди. Ана улар, ҳалиги, комиссарлар ўшанда... улар тушунишганди. Улар порлоқ келажак учун ўз жонларини тикишди. Ольга Сергеевна, ўрнимиздан туриб уларни хотирлашни таклиф қиламан.

Ольга Сергеевна норози тўнғилларди:

– Ўтир. Энди нима зарил?.. – кампир эндиликда комиссарини жуда кам эслар, кечалари ваҳм босиши ҳақида сўзларди кўпроқ.

– Шундоқ босиб келадик, тамом, ҳозир жоним узилади, деб ўйлайман...

– Юрагингдан бошлаб чулғагандай бўладими?

– Ҳамма ёғимдан. Бирданига, ҳар ёқдан таппа босадик, тамом бўлдим, дейман. Кейин чунонам бўшашаманки, кўл-оёғимни қимирлатгулик ҳолим қолмайди. Худди узоқ-узоқларга сузиб кетаётгандек бўламан.

– Ҳа, – ҳамдардлик билдирадди Глухов. – Шунақа бўлади ўзи, вақти-соати етса, шунақа сузиб кетамиз. Қайтмайдиган бўлиб...

Глухов чол кампирини кўмганидан сўнг Малишева-никига янада серкатнов бўлиб қолди. Бирор рўзғор юмушини бажарарди, икковлашиб айвонда ўтиришни, асал билан чой ичишни хуш кўришарди. Чол кичик идишда асал келтирадди. Сухбатлашардилар.

– Кампирингни соғиниб сиқиласанми? – қизиқсинарди Малишева.

Глухов қандай жавоб беришни билмасди. Ножўя гапириб қўйсам, Малишева изза қилади, деб чўчирди. Ростдан ҳам, кампир уни уялтирар, етмишни қоралаб қолган бўлсанг-да, жим ўтирганинг, мени тинглаганинг маъқул, деб дакки берарди.

– Сиқиласанми?

– Шунчаки... – чайналди Глухов. – Ачинаман, албат-

та. Ҳар ҳолда у билан... эллик йил бирга яшадик.

– Юз йил ҳам яшаш мумкин... Мазмуни борми? Филлар икки юз йил яшайди, лекин нима маъни?

Глухов хафа бўлди:

– Уч ўғлим урушда ҳалок бўлган! Сен менга бунақа гапларни айтасан...

– Ҳеч нима деганим йўқ, – пастроқ тушди Малишева. – Улар Ватан учун ҳалок бўлишди.

– Сикиламан, албатта, – бу гал дадилланди Глухов. – У мен билан қанча балоларни бошидан кечирди-я!.. Чидади бояқиш. Ёшлигимда хўп аҳмоқ эдим, феълим чарс эди... Барига дош берди, меҳрибоним. Аттанг.

– Сенларни ҳали кўп тарошлаш керак! – уф тортди Малишева. – Яна икки юз йил тарошлаш керак, ўшандагина одамга ўхшайсанлар. У билан эллик йил яшадинг... Хўш? Ҳеч вақо дея олмайсан. Полизимда бурган ўсяпти... у ҳам ўсяпти. Ёнида эса – қулупнай. Фарқи борми?

– Нимага итоб қиласан, ахир? – ажабланди Глухов.

– Фарқи борми, дейман?

– Такқослаган нарсангни қараю...

– Такқослайман! Нимагаки, биров бор, яшамайди – ёнади, бошқаси эса тутайди. Бирининг – ҳар бир лаҳзаси мазмунли, бошқалари эса... Ўз ғами билан яшайди, холос. Айғирлар...

– Ҳаммаям комиссар бўлолмайди-ку! – қизишиб эътироз билдирди Глухов «айғир» дегани учун ундан ранжиб.

– Эллик йил бирга яшадинг, – тобора забтига олди Малишева. – Шундан лоақал бир ҳафтани одам каби яшадингми?

– Одам каби яшаган кунларим тўлиб ётибди. Ортиғи билан бор, керак бўлса.

– Кўриниб турибди! – лабларини қимтиди Малишева. –

Айғирлар!

Глухов кампирнинг нимасидир ғазабини қайната-ётганини ҳис қилар, аммо нималигини ҳеч англай олмасди.

Шундоқ бўлса ҳам у Малишеваникига қатнашда давом этди. Баъзида мана шундай даҳанаки жанг қилишар, бошқа пайтлар тинчгина ўтиришарди. Оқшом қандай ўтиб кетгани билинмасди.

Шу якшанба Глухов Малишеваникига болтаю аррасиз келди. Гаплашмоқчи, маслаҳатлашмоқчи эди у. Кампирдан ёрдам сўраб келганди.

– Сергеевна, маслаҳат сўраб келдим. Ёрдам бер.

– Нима гап? – қулоғини динг қилди Малишева. У маслаҳат беришни ёқтирарди.

– Отавина кампирни танийсанми?

– Ҳа, хўш?

– У билан гаплашсанг – меникига кўчиб келишга рози бўлармикан? Ўз кулбасини эса, майли, сотсин. Ёки бундоқ, хозирча эшик-дарчаларини тамбалаб қўйсин, яшаб кўрайлик – агар чиқишиб кетсак, ўшанда бемалол сотаверади. Таваккал қилмаслик учун. Нима дейсан? Ўзим айтгани юрагим бетламайди, сен гаплашсанг дедим. Уни хафа қилмайман... Тўрт оёқ, мадори қочган оёқлар бўлса ҳам, ҳар ҳолда икки оёқдан кўра яхши-да. Нима дединг? – Глухов одатига терс ўлароқ кўп ва тез гапирди. У хижолат чекаётганди. – Ўйлаб-ўйлаб шу фикрга келдим. Ёлғиз яшаш жонимга тегди. Менимча, унга ҳам энгил бўлади. Нима дейсан?

Малишева анграйиб қолди. Шу қадар хайрон бўлдики, анчагача тили калимага келмади.

– Уйланмоқчимисан?

– Ҳа, уйланмоқчи... бу... қанақасига уйланиш бўлсин? Шунчаки – турмушимиз энгиллашсин деган мақсадда

эр-хотин бўламиз.

– Хуқуқий жихатдан бу барибир уйланиш. Намунча думингни ликиллатасан?

Глухов эсанкиради.

– Уйланиш бўлса уйланиш-да. Нима, бу ножоиз ишми?

Малишева чолга синчиклаб ва алланечук ёт, хуфёна адоват кўзи билан қаради.

– У розими? Дарвоқе, ҳали унга айтиб улгурмадим, дединг-а...

– Билмайди у! Шунинг учун келдим. У билан гаплаш. Кўндиришга ҳаракат қил. Художўй кампир, эҳтимол, «гуноҳ бўлади» деб унамас... Қанақасига гуноҳ бўлсин? Мен ёлғизман, у ҳам...

– Унинг қизи бор, шаҳарда...

– Биламан. Шаҳарда менинг ҳам ўғлим бор. Улардан не наф энди? Қолган умримизни бирга ўтказсак дегандим. Енгилроқ бўлади. Ким олдин ўлса, кўмадиган одам бўлади.

– Ахир болаларингиз бор! – бирдан асабийлашиб овозини баландлатди Малишева. – Нега ўзларингни бунча бечорахол қилиб кўрсатасанлар?

Глухов жим бўлиб қолди. Қовоғи солинди, Малишевага разм солиб қаради. Нега мунча жаҳл қилади? Ҳалитдан бери тизинглайди-я. Нега?

– Нима бўлди сенга, Сергеевна? – сўради чол.

– Ҳеч нима. Уйланишни хоҳлаган сизлар, мен эмас. Сен эса мендан сўрайсан, нима бўлди, деб. Менга ҳеч нима бўлмади.

– Негадир аччиқланыпсан...

– Сираям-да! Уйланинглар! Отавина кампир билан гаплашиб берайми? Гаплашаман, – тараддудга тушди Малишева ва бидирлади: – Чақираман, гаплашамиз,



мендан нима кетди. Розими-йўқми, билиб оламан. Нега жаҳлим чиқади? Мени эмас, сенларни мазах қилишадикуну.

– Қанақасига?

– Нима?

– Нега кулишсин, ахир?

– Нима, раҳмат дейишсинми?

– Ахир, ёлғиз кексалар турмуш қуриши мумкин эмасми?..

– Мумкин, мумкин. Эртага тушлик маҳали кел... Уни вақтлироқ чақириб, аввал у билан гаплашиб кўраман, сен эса кейинроқ кел, тушда. Бўлади бунақа воқеалар, бўлади. Истаганча топилади! У билан сўзлашаман, хавотир олма. Тайин сўзлашаман!

Глухов чол Малишеваникидан дили ғашланиб чиқди. Кампир аллақандай фитнани бошламоқчи эканини кўнгли сезди. Ғалати кампир, Худо ҳақки. Ҳадеб асабийлашади, жаҳл қилади. Қўйиб берса, ҳаммани қайтадан тарбияламоқчи бўлади... Ҳаммага яшашни ўргатади, ҳаммани суд қилади ўзича. Чол қайтиб бориб, «Ҳеч қандай ёрдаминг керакмас, ўзим бир иложини қиларман», деб айтмоқчи ҳам бўлди. Тўхтади ҳам, бирпас қакқайиб турди. Сўнг қўл силтади, садқаи сар, майли, гаплашсин. Ўзи барибир эплолмайди, ётиғи билан тушунтиришни билмайди. Жаҳли чиқса чиқар, ишни ўринлатса бўлгани.

Эртаси куни кампирлар – Малишева ҳамда Отавина учрашдилар. Сухбат бўлди.

Отавина момо Малишеваникига келгач, биринчи галда уйнинг кунжақларига кўз ташлади (икона йўқмикан?), сўнг қисиниб-қимтиниб юмшоқ диван четига чўқди. Ҳол-аҳвол сўрашишди.

– Биласанми, сени нимага чақирдим? – дарҳол муддаога кўчди Малишева. – Глухов чолни танийсанми?

– Емельян Егоричними? Танийман, нега танимай.

Унинг уч ўгли фронтда...

– Ўша сенга уйланмоқчи, – чучвара санагандек бурро-бурро гапирди Малишева. – Розимисан?

– Ё азиз-авлиёлар! – чўқинди Отавина. – Эси жойидами?!

– Нима бўпти? – алланечук хуш-хандон давом этди Малишева. – Сўккабошсизлар... Сен, аввало, яхшилаб ўйла, жавоб беришга шошилма. У ҳам барча чолларга ўхшаган сассиқ така, аммо қолган умрингни яшашингда ёрдами тегиши мумкин. Ўзинг нима дейсан? Уйини hozirча сотмаса ҳам бўлади дейди, тамбалаб қўйсин, агар тил топишолсак, кейин сотади, пулни кассага қўяди дейди. Сен нима дейсан?

– Нима дейишим мумкин? – ҳанг-манг бўлди Отавина момо. – Ҳушим бошимдан учди. Томдан тараша тушгандек, эрга тегасанми десалар-а!.. – Отавина чин дилдан, пиқирлаб кулди. – Бунақада ақлдан озиш ҳеч гапмас. Келинмиш-а!

– Ҳа, у эса куёв. Хўш, нима дейсан?

– Шошмасанг-чи, Сергеевна, ошиқма, хушимни йиғиб олай...

– У ҳализамон келади. Жавобингни билгани.

– Ана холос! – Отавина ўрнидан ярим туриб эшик тарафга қараб қўйди. Яна ўтирди. – Тоза қизик бўлди-ку!

– Фаҳмлашимча, сен қарийб розига ўхшайсан.

Отавина кампир бирдан жиддийлашди.

– Гап бундоқ, Сергеевна. Тўғри, у ёмон чолмас, ичмайди, Худога хуш келмайдиган ишлари йўқ, бўлса бордир, аммо мен эшитмадим. Фақат... – Отавина совчига қаради. – Қандоқ бўларкин-а? Рост, кексайганда турмуш курадиганлар бўлади, бинойидек яшашади...

– Тўппа-тўғри.

– Бордию у кечалари тегажоклик қилса-чи?

Малишева оғзини очиб қолди.

– Қандай?

– Қандай бўларди? Шундай. Улар бари шунақа! Энг биринчи навбатда билишни истардимки, умид қилардимки, у кечалари менга тирғалмаса. Коскилик қилмаса. Тамаки чекади... Буниси майлига... ҳамма чекади, буни тақиқлаш қийин.

– Розимисан-йўқми? – ажабланди Малишева.

– Шошмасанг-чи, қистама кўп. Айтяпман-ку, менинг талай шартларим бор. Хўш, у мумкин эмас, бу ҳам мумкин эмас... Агар чол «Мумкин бўлган бирор нима борми ўзи?» деб айниб қолса, ҳаммаси чиппака чиқади, – Отавина кампир яна пиқиллаб кулди. – Сира хаёлимга келмаганди, етти ухлаб тушимга кирмовди... Ё Парвардигор. Ким билибди дейсан. Мен илгари яшаган Буланихада кадрдон дугонам бор, унинг бошига ҳам шу савдо тушганди. Бир чол келиб ҳе йўк, бе йўк «Кузьмовна, кел, турмуш қуриб бирга яшайлик», деган. Яшашди ҳам. Рост, чол икки йил бурун қазо қилди... Дугонам унинг уйида туради ҳозир. Тузуккина яшашди, хабарим бор. Қанча дейсанми?.. Беш йилча. Чол унга сира озор бермади. Умрининг адоғида одамлар анча эсли бўлиб қолишади. Ҳозир-чи?.. Ҳозиргиларга қараган сарин юрак ховучлайсан... Худойим-ей!.. Қариган чоғингда иссиқкина уйда халоватда яшаганга нима етсин... Кулбам чунон эскириб қолганки, қишдан чиққанига хурсандман, ҳеч иситиб бўлмайди. Ўтин қалаганим-қалаган, лекин худди қапада яшагандай.

– Қизингникига кўчиб кетсанг бўлмайдими?

– Ол-а! Ўзлари каталакдай хонада тиқилиб қолишган... Яшаб кўрганман. У пайтлар невараларим ёш эди, яшаганман. Турган-битгани азоб. Энди эса умуман иложи йўқ – невараларим мактаб ёшига етиб қолишган. Қизим билан куёвим менга кулба сотиб олишганида қувончим ичимга сиғмади. Буланихадаги уйимни аллақачон сотганман.

Қизимни узатаётганда сотувдим. Куббалик уй эди, яна юз йил қилт этмасди. Сотдим, начора. Уларга кооператив уй керак, пулни қаердан олишсин? У армиядан қайтди, қизим энди техникумни битирганди ўшанда. Ойи, кел, уйни сотайлик, дейишди. Агар биз билан яшашни ис-тамасанг, сенга кейинроқ уй олиб берамиз, дейишди. Хуллас, хийла вақт уларникида яшадим, невараларим-ни аллаладим, кейин эса менга кишлоқдан бир кулбача қилиб бермасанглар бўлмайди, шаҳарда бўғиляпман, де-дим. Чайнала-чайнала, шу кулбага пул топиб беришди. Буланихада уйлар қиммат, бу ерда анча арзон, шу тариқа кишлоғингизга келиб қолдим. Кексайган чоғингда... иссиққинада яшаган маъкул... Зарар қилмайди.

Глухов чол кампирлар учрашиганини биларди-ю, ammo суҳбатнинг руҳидан беҳабар эди. У ҳар эҳтимолга янги камзул кийди, бир идишга асал солди, бир шиша мусалласни кўйнига тикди ва Малишеваникига жўнади.

Келди... Салом-алик қилишди. Пича хижолат торт-ганча шиша билан асални столга кўйди... Тамакидонини олмоқчи бўлиб чўнтагига қўл суқди.

– Шишани очишга шошилма, – деди Малишева. – Шошмаганинг маъкул.

Чолнинг юраги увишди. У Отавина билан яшашга ўзини руҳан хўп тайёрлаган, ҳамма томонни ҳисобга ол-ган, назарида турмушлари ёмон бўлмаслиги керак эди. Нима гап экан?

– Икковингизни ҳам хўп тингладим... Албатта, бу сиз-ларнинг шахсий ҳаётингиз, эр-хотин бўлишга ҳаққингиз бор... Тентаклар ҳам бинойидек яшаб кетишади. Ле-кин барибир сизлардан сўрайман, виждонингиз қандок йўл қўяди? А? – Малишева бу сўзлари билан Глухов ва Отавинанинг юзига тарсакилагандек бўлди. Қандайдир тушуниксиз шафқатсизлик билан, жон-жаҳди билан, сирли бир алам билан урди. Виждонини еб қўйган келин-

куёв кизариб-бўзаргунича, ўзларини қўярга жой тополмай қолгунича, қилмишидан изтироб чеккунича ураверди, ураверди. – Бу ишдан кейин одамларнинг кўзига қандоқ қарайсизлар? А? Ахир, одамлар бир умр ёлғиз яшашади... Мана, мен, умр бўйи ёлғиз яшадим, йигирма уч ёшимдан бери... Нима, мени сўраганлар бўлмаганми? Бўлган. Кечалари келишмаганми, деразамни чертишмаганми? Келишган. Чертишган. Глухов, кишлоқ шўросига келган, сенсиз дунё кўзимга қоронғи, деган сен эмасмидинг? Айтганмисан? Қани, гапир!

Глухов ер ёрилса, қаърига кириб кетишга рози эди.

– Бир аҳмоқлик қилганман-да... мастликдан, – тан олди у. – Сен билан унашганим йўқ... Нималар деяпсан ўзинг? Бу қачонги гаплар, у пайтлар...

– Аҳмоқлик қилганмиш! Гўё энди ақли киргандек – етмиш ёшида уйланишни кўнгли тусаб ўтирса-я. Ўргилдим сен ақлидан. Сен-чи, сени нима жин урган!.. «Ўйлаб кўраман... иссиққинада яшаган яхши» эмиш. Ким айтади сени такводор деб! Сен ҳам қолишмайсан... Бошқаларга бармоғингни бигиз қиласан, гуноҳ ишлар қилади дейсан. Ўзинг-чи? Ёшларга шундай ибрат кўрсатасизларми? Бу тўғрида ўйладингларми ҳеч? Халқ олдидаги масъулиятингизни англайсизларми? – Малишева қоксуяк бармоқлари билан столни чертди. – Бу ҳақда ўйладингларми? Йўқ, ўйламагансизлар. Худбинлар. Халқ тер тўкиб ишлаб ётибди, сизлар бўлса тўй дардида... одамларга ичкиликбозлик, ҳавойи ишлар учун баҳона топиб беряпсизлар. Виждонсизлар!

– Қанақа тўй?! – ҳайқирди Глухов. Отавина момо чурқ этмай турарди. – Ими-жимиди ўтказардик, вассалом. Қанақа тўй?

– Худди... дайдига ўхшайсан-а. Туф-ей! Ҳайвон.

– Нима?! Биласанми, сен... – портлади чол. – Хў ўша... – болохонадор қилиб сўқинди. Ва эшикни қарсиллатиб ёп-

ганча чиқиб кетди.

Издан Отавина кампир ҳам чикди. Устларидан бир-ров қайноқ сув тўккандек отилиб чиқишди. Кўчада бир-бирларига қиё ҳам боқмай, турли тарафга югуришди, холбуки муюлишгача йўллари бир эди.

Глухов чол қишлоқни бир айланиб чиқиб, уйига қайтди. Дам тупурар, дам сўкинар, сира ўзига келолмасди... Ғазаби қайнаганидан «У ялмоғизни ёқиб юбораман», деб ҳам ўйлади ҳатто.

Ёқиб юбормади-ю, лекин Малишеваникидан кадамини узди. Кўчада дуч келиб қолганида юзини ўгирди. Саломлашмади.

Отавина момо шаҳарга – черковга гуноҳини ювгани кетди. У жуда қаттиқ азоб тортди, Малишевадан ўзини олиб қочди.

Малишева бу ғалати совчилик можароси ҳақида қишлоқда ҳеч кимга оғиз очмади. Глухов ҳам, Отавина ҳам гап тарқатади деб кўрқишганди. Йўқ, чурқ этмади.

## УМИДВОР ДИЛЛАР

Михайло Беспалов бир ярим ҳафта уйида бўлмади: туман ичкарасидаги олис қишлоқлардан шаҳарга ғалла ташиб юрди.

Шанба куни кунботарда келди. Рулни айлантира-айлантира тор-танқис дарвозадан машинани киритиб олгунича мотор шовқини илиқ ва оғир ҳавони ларзага солиб турди.

Ҳовлига киргач, моторни ўчирди ва капотни очиб, тагига шўнғиди.

Уйдан Михайлонинг хотини, кулча юзли ёшгина жувон – Анна чиқди. Зинада эрига қараб турди-турди ва ахийри аччиғи келиб:

– Жиллақурса сўрашгани кирсанг бўларди, – деди.

– Салом, Нюся! – хуш-хандон сўрашди Михайло

ва «Ҳамма нарсани тушунаман-у, лекин ҳозир жуда ҳам бандман-да» деган маънода оёқларини силкитиб кўйди.

Анна эшикни тарақлатиб ёпганча уйга кириб кетди.

Михайло ярим соатдан сўнг кирди.

Анна қўлларини баланд кўкси устида чалиштирган кўйи бери бурчакда ўтирарди. Икки кўзи деразада. Эшик очилганида ҳам пинагини бузмади.

– Сенга нима бўлди? – сўради Михайло.

– Ҳеч нима!

– Ранжиганга ўхшайсан-ку?

– Наҳотки! Меҳнаткаш халқдан ранжиб бўларканми? – Ёпишмаган пичинг ва алам билан эътироз килди Анна.

Михайло ўнғайсизликдан турган ерида андак депси-ниб қолди. Сўнгра печка ёнидаги харракка ўтириб, этигини ечди. Анна унга кўз қирини ташладию ваҳми келиб оҳ урди:

– Вой Худойим-ей! Иркит бўлиб кетибсан-ку!..

– Чанг, – изоҳ берди Михайло пайтаваларини этик кўнжига тикаркан.

Анна эрига бақамти келди, унинг манглайдаги тўзғин сочларини тузатди, соқоли олинмаган юзларини кафтлари орасига олди ва ёрилиб кетган, шўр, каттиқ, мудом бензин ва тамаки ҳиди анкигувчи лабларига ташна ва қайноқ лабларини босди...

– Худойим-ей, ранг-рўйингга қараб бўлмайди-я! – эҳтирос билан пичирлади у эрининг юзига яқиндан разм солиб.

Михайло мулойим, майин вужудни оғушига тортди ва бахтиёрликдан дўриллади:

– Ҳамма ёғингни кир қиламан-ку, тентак қиз!..

– Кир қилақол... ҳеч нимани ўйлама! Қанийди, тез-тез кир қилиб турсанг!

– Соғиндингми?

– Соғиндингми, дейди-я! Бир ой қорангни кўрсатмайсану...

– Қанақасига бир ой бўлсин? Сени қара-ю... пучук!

– Қўйвор мени, ҳаммомдан хабар олишим керак. Сен ҳам шайлан. Ички кўйлак-иштонинг анави кутида.

У кетди. Михайло безиллаб қолган оёқларини яқиндагина артилган тахта пол устига кўйди ва битта-битта босиб даҳлизга ўтди, бурчакка қалаштириб ташланган эски кулфлару ғалтаклар, анвойи темир-терсак орасида хўп куймаланиб ниманидир қидирди. Сўнгра эшик олди-га чиқиб, хотинини чақирди:

– Ань! Карбюраторга кўзинг тушмадимми?

– Қанақа карбюратор?

– Қанақа бўларди... трубкачалари бор бир нарса-да!

– Ҳеч қанақа карбюратор кўрганим йўқ! Бошлади тагин...

Михайло кафти билан юзларини ишқалади, машина-сига пича қараб турди, кейин уйга қайтиб кирди. Печка тагини ҳам кавлаштиргач, каравот тагига мўраллади... Карбюратор ҳеч қаерда йўқ эди.

Анна келди.

– Тайёр бўлдингми?

– Биласанми... бир нима йўқолганга ўхшайди, – куйониб деди Михайло. – Қаерга даф бўлди экан, лаънати?

– Шўрим курсин! – қирмизи лабларини тишлади Анна. Кўзларида тип-тиниқ ёш томчилари йилтиради. – Зиғирдек виждони йўқ бунинг! Уйингда бек бўлиб ўтирсанг, нима бўларди-я! Озиб-ёзиб бир келасан-у, шундаям ўзингдан ортмайсан...

Михайло зипиллаб хотинининг ёнига келди.

– Нима қил дейсан, Нюся?

– Ўтир бундоқ! – Анна кўз ёшларини сидириб ташлади.



Ўтирдилар.

– Василиса Калугинанинг духобадан тикилган нимпальтоси бор... бирам яхшики! Кўргандирсан, у ҳар як-шанба бозорга кийиб боради-ку?

Михайло ҳар эҳтимолга қарши:

– Ҳа-да! Ҳалиги... алламбало матаҳ эди... – деб кўйди ва Василисанинг пальтосини тасвирлаб бермоқчи бўлди-ю, лекин ҳадеб лапанглаб, қайтага Василисанинг қандоқ юришини кўрсатиб берди. У шу тобда хотинининг кўнглини овлашни жуда хоҳларди.

– Хуллас, Василисa ўша калта пальтосини сотмоқчи. Тўрт юз сўраяпти.

– Хўп... – Михайло бу арзон ёки қимматлигини билмасди.

– Шунга ўйлаб қолдим, олсаммикан, а? Қишга до-вур пул йиғсак, сенга ҳам пальто олардик. Ўша пальтога роса кўнглим суст кетяпти-да, Миша. Тунов куни кийиб кўрувдим, лоппа-лойиқ экан!

Михайло ўнг қўли билан қавариқ кўкрагини қашлади.

– Олиш керак ўша нимпальтони. Нимасини ўйлайсан?

– Ошиқма! Пешонангда соч сийрак тортибди... Пули-миз йўқ-ку, барибир. Биласанми, нимани ўйлаб кўйдим, битта совликни сотсак қалай бўларкин? Ўрнига кўзи олиб кўярдик...

– Тўппа-тўғри! – хитоб қилди Михайло.

– Нима тўғри?

– Совликни сотиш керак.

– Сенга қолса ҳамма нарсани сотасан! – Анна афтини бужмайтирди.

Михайло гангиб қолди, меҳрибон кўзларини пирпиратди.

– Ўзи айтиб, ўзи қайтади-я...

– Мен айтсам, сен қайтаргин-да, ахир. Сотайлик де-сам, рози бўлаверасанми? Бунақада бор бисотимизни

пуллаб юборамиз-ку!

Михайло хотинига ошкора мафтун бўлди.

– Айланай сендан... Хўпам ақлинг бор-да!

Анна мақтовдан ийиб кетди, лекин заҳарлигини кўймай:

– Энди пайқадилар тўрам... – деб ачитиб олди.

\* \* \*

Ҳаммомдан кеч қайтишди. Қоронғи тушиб бўлган эди.

Михайло орқароқда қолиб кетди. Анна зинага етган чоғ кабина эшиги ғийқиллаб очилганини эшитди.

– Миша!

– Ҳов! Ҳозир, Ньюся, радиаторнинг сувини тўкиб ташласам бас.

– Топ-тоза устингни булғайсан тагин!

Михайло жавоб бермай, гайка бурагичларни шиқирлатиб кавлаштирди.

– Миша!

– Бир дақиқа, хотинжон.

– Уст-бошинг кир бўлади, ахир!

– Кийимимни теккизганим йўқ, хотиржам бўл.

Анна эшик занжирини зулфиндан ечди ва эрини кутиб, зинапояда туриб қолди.

Михайло қоронғида оқ иштони лип-лип этиб, машина атрофида гирдикапалак бўлди, ахийри енгил тин олиб, гайка бурагични бир чеккага кўйдю уйга қараб юрди.

– Битирдингми?

– Карбюраторни бир кўриш керак эди-да. Тарақ-турук қияпти негадир.

– Ўшанинг билан оғиз-бурун ўпишмайсанми мабоддо? Куёвлигингда менга бунчалик парвона бўлмагансан, лаънати машинангни намунча папалайсан, ахир! – жаҳл қилди Анна.

– Топган гапингни... Машина нима қилди сенга?

– Ҳеч нима. Темир-терсакларинг дастидан кун кўрмаяпман.

Уй ичи саранжом-саришта, иссиққина эди. Ўчоқ-бошида самовар биқирларди.

Михайло каравотга омонат чўзилди. Анна дастурхон тузай бошлади.

Аёл елиб-югуриб талай қувачаю декчаларни стол устига ташир экан, эрини сўнгги янгиликлардан воқиф киларди:

– ...Эндигина дўконни ёпмоқчи бўлиб турган экан. У эса, атай пойлаб турганми, кўққисдан босибди! «Салом, мен ревизорман», дебди...

– Ия! Хўш, кейин-чи? – Михайло астойдил кулок сола бошлади.

– Аввалига хўп хушомад қилган, думини тутқизмаган. Сичқон бўлса эканки, дуч келган кавакка уриб кетса. Ўзини касалга солсаям бўлмабди...

– Ревизор-чи?

– Ревизор маҳкам туриб олибди: «Дўконни тафтиш қиламиз», дебди. Кўзи пишган туллак ходим экан.

– Ана. Роса одамига йўлиқибди-ю, азамат?

– Кечаси билан текширишибди. Эрталаб эса бизнинг Ганя дўкондан тўғри авахтага равона бўлди.

– Қанчага кесишди?

– Суд қилишмади ҳали. Сешанба куни суд бўлади. Одамлар унинг кўли эгрилигини анчадан бери сезиб юришарди. Зояси охирги пайтлар кунига камида икки марта ясан-тусан қиладиган бўлувди. Қайси кўйлагини кийишни билмасди. Битиб кетишганди-да ўзиям! Ҳозир эса «Эримни бекорга қамашди, хатолик бўлди», деб нолиб юрибди. Хатолик эмиш! Ревизор хато қиларканми?

Михайло ўйчан тортиб қолди.

Ташқари бирмунча ёришди, ой чиққан эди. Қишлоқнинг нариги тарафидан гармон товуши қулоққа чалинди.

– Ўтир, Миша.

Михайло чекиб турган папиросини босиб ўчиргач, каравотни ғижирлатиб турди.

– Уйда биронта эски адёл топиладими? – сўради у.

– Нима қиласан?

– Кузовга тўшамокчийдим. Дон кўп тўкиляпти.

– Уларинг нима, бўйрадеккина кигиз топиб беришолмайдими?

– Қиёматда инсоф киради уларга. Ваъда қилишадияу ҳеч вақо йўқ.

– Эртага бирон-нима топармиз...

Шошилмай, узоқ овқатланишди.

Анна ертўлага зинғиллаб тушиб, ёғлоғида асал солинган арокдан келтирди.

– Манавини татиб кўр-чи.

Михайло ёғлоғини бир кўтаришда бўшатди, оғзини артди ва шундан сўнггина нафас чиқарди:

– Ўх... зўр бўпти!

– Байрамга довор тоза етилади. Энди овқатингни е. Бурнинг сўспайиб қолибди. Ўзингни ўтгаям, чўққаям ураверишинг чакки-да, Миша. Бу ишинг ярамайди. Бошқаларни қарагин, семириб юришибди, боқилган хўкиздек! Сенга эса қараган сайин ваҳмим келади.

– Ҳечқиси йўқ, – дўриллади Михайло. – Ўзингни ишларинг қалай?

– Қора буғдойни янчяпмиз. Шунақа чангки!.. Қаймоқ солиб пиширилган қуймоқдан ол. Янги буғдой унидан. Ғалланинг йили келганми дейман, Миша! Шунақа мўл бўлганки. Бунча ҳосилни нима қилишаркин?

– Керак бўлади. Шундай катта мамлакатни боқиш

осонми, бу, биласанми... ер юзининг олтидан бири дегани.

– Ол, е! Сенинг овқат ейишингни томоша қилишни яхши кўраман. Баъзан, қараб туриб кўзим ёшланади ни-магадир.

Михайло кип-қизариб кетди, кўзлари эркалаганси-мон, шўхчан боқди. Нигоҳидан хотинига ширин-ширин гаплар айтгиси бор, лекин нима дейишни билмасди.

Алламаҳалда уйқуга ётишди.

Ой шуъласи дераза ойналарини кумуш тусга солган-ди. Дераза акси полга чароғон квадрат бўлиб тушган, унинг ичида сояларнинг қора тўри ғимирларди.

Гармонь товуши ўчди. Энди йироқларда, қирда ёлғиз трактор бир маромда тарилларди холос.

– Кечанинг гўзаллигини қара-я! – завқланиб пичирла-ди Михайло.

Мудраб ётган Анна кимирлади.

– А?

– Тунни айтаман...

– Яхшими?

– Эртак-ку худди.

– Саҳар вақти дераза тагида аллақандай қуш сайрай-ди, – уйқу аралаш ғўнғиллади Анна эрининг пинжиги суқиларкан. – Эшитсанг, маза қиласан...

– Булбулми?

– Бу пайтда булбул нима қилсин!

– Ҳа-я, рост...

Жимиб қолишди. Уззукун дон совурадиган машина-ни айлантириб чарчаган Анна бир зумда уйқуга кетди.

Михайло яна бирпас ётди, сўнгра қўлини Аннанинг бўйни тагидан оҳиста суғуриб, ўрнидан турди ва оёқ учида юрганча уйдан чикди.

Ярим соатлардан кейин Анна пайпаслаб ёнида эрини тополмагач, деразадан боқиб уни машинаси ёнида кўрди. Михайлонинг оппоқ ички иштони ой ёруғида бениҳоя

товланарди. У зўр бериб карбюраторни пуфларди.

Анна паст овозда чақирди.

Михайло чўчиб тушди, карбюратор қисмларини зина устида қолдириб, пилдираганча уйга югурди. Жимгина кўрпа тагига кирди.

Анна унинг биқинига қулайроқ ўрнашаркан, дакки берди:

– Бир кечага келдингу шундаям думингни хода қиласан-а! Ахийри ёқиб юбораман-да ўша машинангни. Шошмай турсин!

Михайло хотинини елкасига шапатилаб эркалатди, юпатди ўзича. Аннанинг гинаси тарқагач, унга ўгирилди ва пичирлаб деди:

– Биласанми, нима бўлибди, жиклёрга жимитдайгина, бир тутам пахта тиқилиб қолган экан. Жиклёр эса шунақа ингичка нарса бўладики... игна суксанг, кирмайди.

– Тозалаб олдингми, ахир?

– Албатта.

– Тагин бензин ҳиди келяпти сендан! Пуф... Бунча сассиқ!..

Михайло қаттиқ хохолаб кулди, лекин дарров жим бўлди.

Анчага довур жим ётдилар. Анна яна чуқур ва текис нафас ола бошлади.

Михайло эҳтиёткорлик билан йўталиб қўйди, хотинининг нафас олишига кулоқ тутди ва қўлини тортиб олмоққа тутинди.

– Янами? – сўради Анна.

– Чанқадим.

– Дахлиздаги мўндида квас бор. Кейин қопқоғини ёпиб қўй.

Михайло аллақанча тоғорачалару бочкачалар орасида хийла куймаланди, ниҳоят, мўндини топди ва чўк тушдию идишга оғзини қўйганча муздеккина, нордонрок

квасдан симирди.

– Ўх! Жоним кирди-е! Сенгаям олиб борайми?

– Йўқ, ичмайман.

Михайло пишқирганча лаб-лунжини артди, даҳлиз эшигини ланг очди...

Тун ростдан ҳам ажойиб эди – сокин, ёруғ... Осмоннинг аллақаерида ой нуридан шаффофланган пардек бутутча сузиб юарди.

Михайло ёвшан хидига тўйинган саррин ҳаводан кўксини тўлдириб симиргач:

– Қара-я, қандоқ кеча!.. Оромижон!.. – деб қўйди.





*Сомерсет МОЭМ*  
(1874 – 1956)

## ДЎСТ КУЛФАТДА БИЛИНАДИ

Мана, ўттиз йилдирки, яқинларимни ўрганаман. Билганларим эса унча кўп эмас. Табиийки, хизматкорни фақат кўринишига қараб ишга ёлламаймиз. Ваҳоланки, аксар ҳолларда одамнинг айнан ташқи қиёфасига асосланиб у ҳақда ҳукм чиқарамиз. Жағининг тузилиши қанақа, кўзлари, оғзининг бичими қандай? Шуларга қараб хулоса ясаймиз. Бу каби хулосаларимиздан биттасида ҳақ бўлиб чиқсак, ўнтасида аниқ янглишамиз. Роман ва пьесаларни олинг: аксари қалбаки, ҳаётийликдан йироқ. Чунки муаллифлар ўз қахрамонларига барқарор, изчил феъл-атвор бахш этишади, умуман олганда, улар бошқача йўл тута олмайдилар, зотан, ўқувчи ўта зиддиятли характерни тушуниши қийин.

Аслида эса қарийб барчада зиддиятлар бисёр. Ҳар бир инсон – ўзаро қарама-қарши сифатларнинг тасодифий қоришмаси ҳисобланади. Сарик ранг цилиндр шаклига эга ёки миннатдорлик туйғуси мусаффо ҳаводан оғир, деб даъво қилсангиз, мантиқ илми қон йиғлайди. Чунки бу – бемаънилиқ. Аммо инсон «мен»ини ташкил этувчи бемаънилиқлар қоришмасида сарик ранг – арава кўшилган от, миннатдорлик эса келаси ҳафта омонати бўлиб қолаверади. Менга «Инсон ҳақидаги илк таассуротларим мени сира алдамаган», дейишса, доим елка қисаман. Менимча, бунақалар ё фавқулодда зийрак, ёки ўзига ҳаддан зиёд бино кўйган одамлар. Ўзимга келсак,



кишини яқиндан таниганим сари у менга шунча сирли туюлаверади ва агар мендан «Эски дўстларинг тўғрисида нима биласан» деб сўрасангиз, «Улар тўғрисида ҳеч вако билмаслигимни биламан», деб жавоб бераман.

Бугун эрталабки газетада Эдвард Ҳайд Бартоннинг Кобеда вафот этганини ўқиб, миямга шу фикрлар келди. У савдогар эди, узоқ йиллар Японияда иш юритганди.

Уни яхши танимасдим, бироқ бир гал мени ғоят хайратга солганидан бери фикр-хаёлимни эгаллаган. Бу ҳикояни ўз оғзидан эшитмаганимда, унинг кўлидан шунақа иш келишига ҳаргиз ишонмаган бўлардим. Ҳикоянинг фавкулудда таъсирли чиқишига афт-ангорию феъл-атворининг қандайдир бошқачалиги сабаб бўлди. Барқарор характерли шахс деб ана уни айтса бўлади. У жиккаккина одам: бўйи беш фут<sup>1</sup> тўрт дюймдан<sup>2</sup> ортик эмас, қилтириқ, сочлари оқ, қизил юзини ажин босган, кўзлари кўк эди. Танишганимизда тахминан олтмиш ёшларда эди. Ҳамиша дид билан, ёши ва мартабасига муносиб кийинарди.

Идораси Кобеда бўлса-да, Бартон тез-тез Йокогамага келиб турарди. Бир гал кема келишини кутиб бир неча кунни у ерда ўтказишимга тўғри келган, ўшанда британияликлар клубида икковимизни таништириб қўйишди. Биз шерик бўлиб қарта ўйнадик. У ақлни ишлатиб, қурумсоқлик қилмай ўйнади. Камгап экан, ўйин вақтида ва кейин, вино ичаётганимизда бир-икки луқма ташлаганини инобатга олмаса, гапирмади ҳисоб. Аммо гаплари жўяли эди. Ҳазил-мутойибадан бебаҳра эмасди – босиқ, бамаъни ҳазил қиларди. Чамаси, Бартон клубда ҳамма билан апоқ-чапоқ эди, чунки кетганидан сўнг қартабозлар уни роса таъриффу тавсиф қилишди. Бунни қарангки, ик-

---

<sup>1</sup> Фут – 30,48 см га тенг узунлик ўлчови.

<sup>2</sup> Дюйм – 25,5 мм.

ковимиз ҳам Гранд Отелда тўхтаган эканмиз ва у мени эртаси куни тушликка таклиф қилди. Мен унинг тўладан келган, ёши ўтиб қолган, доим кулиб турадиган хотини ва икки қизи билан танишдим.

Улар иноқ ва бир-бирини севувчи оилалардан бири эди. Бартоннинг феъл-атворидаги энг эътиборли хислат оққўнгиллик эди. Кўк кўзларининг беозор боқиши кишига хуш ёқарди. Овози чунон майин эдики, унинг ғазабнок қичқириши мумкинлигини сира тасаввур қилолмасдингиз; кулгиси ҳам жуда самимий, одамни ўзига ром қиларди. Яқин кишиларига нисбатан чин муҳаббатини кўриб, бир зумда унга мафтун бўлардингиз. Қандайдир жозибаси бор эди унинг. Хатти-ҳаракатларида ҳам ҳеч бир ножўя нарсани пайқамасдингиз: у завқ билан карта ўйнар, коктейль ичар, латифаларни маромига етказиб айтарди. Қадди-бастидан сезилмаса-да, ёшлигида тузуккина спортчи бўлган экан. Бадавлат одам эди, аммо бойликка фақат ўз кучи билан эришганди. Назаримда, қотма гавдасию пакана бўйи ҳам унга алланечук бир хусн бўлиб тушганди: уни ҳимоя қилгингиз, асраб-авайлагингиз келарди. Бу одам пашшага ҳам озор етказмаслигини дарров сезардингиз.

Кунларнинг бирида мен Гранд Отелнинг оромхонасида ўтирардим. Бу зилзиладан бурун бўлган гап. У пайтлар оромхонада сахтиён жилдли юмшоқ курсилар бўларди. Деразадан кемага тўла катта бандаргоҳ манзараси кўриниб турарди. Ванкувер ва Сан-Францискога ёки Шанхай, Гонгконг ва Сингапур орқали Европага қатновчи йўловчи ташувчи улкан пароходлар, довул ва ёмон об-ҳаво таъсирида эскириб кетган, турли мамлакатларга қарашли юк кемалари, қуйруғи баланд ва олачипор жонкалар<sup>1</sup>; сон-саноксиз қайиқлар. Бу жой жуда

---

<sup>1</sup> Жонка – Хитойнинг елканли кемаси.

сершовкин эди, бироқ нимасидир кўнгилга таскин берарди. Эхтимол, ўша кемалар қўл узатса, етгудек туюлгани учундир.

Орадан кўп ўтмай оромхонага Бартон кириб келди. Мени кўргач, келиб ёнимга ўтирди.

– Томокни хўллаб олсак-чи?

У чапак чалиб югурдак болани чақирди ва иккита коктейль буюрди. Бола патнис кўтариб келаётганида, кўчадан бир танишим ўтиб қолди ва мени кўриб, қўл силкитди. Мен жавобан бош ирғаб кўйдим.

– Тёрнерни танийсизми? – сўради Бартон.

– У билан клубда танишгандим. Уни «Англияни тарк этишга мажбур бўлган, бу ерда уйдан келадиган пулга яшайди», деб айтишди.

– Ҳа, шунақа шекилли. Бу ерда унга ўхшаган муҳожирлар жуда кўп.

– У қартани зўр ўйнарган.

– Уларнинг ҳаммаси яхши ўйнайди. Ўтган йили бу ерга бир йигит келганди, менинг фамилиядошим, мен билган одамлар орасида қартани энг яхши ўйнайдигани шу йигит эди. Лондонда уни учратмаган бўлсангиз керак. Исми Ленни Бартон эди. Бурун аллақандай киборлар клубининг аъзоси бўлган чоғи.

– Бунақа исмни эслаёлмаяпман.

– Абжир ўйинчи эди, қарта ўйнашда қандайдир фавқулодда қобиляти бор эди. Ўйинини кўрсангиз, ҳатто ваҳимага тушардингиз. У билан кўп ўйнаганман. Қисқа вақт Кобеда ҳам яшаганди.

Бартон қадахдан хўплади.

– Сизга бир қизиқ воқеани сўзлаб бераман, – деди у. – Ўша фамилиядошим ёмон йигит эмасди. Менга ёқарди. Доим пўрим кийиниб, ўзига оро бериб юрарди. Бир қадар келишган эди дейиш мумкин – оқ-қизил юзли, кўнғироксоч. Аёлларга жуда ёқарди. Бировга зиёни тег-

мас, фақат енгилтакрок эди холос. Турган гапки, хурма-часига ортикча куярди. Унга ўхшаган йигитлар майга ўч бўлишади ўзи. Уч ойда деганда уйдан озгина пул келарди, лекин қартада ютиб турарди. Мана, менинг ўзимдан ҳам озмунча пул ютмаган.

Бартон хушфёъллик билан кулиб кўйди. Тажрибамдан биламанки, у ютказганда афтини буриштирадиган одам эмасди. Бартон томирлари бўртиб чиққан озгин, оппоқ кўли билан иягини силади.

– Ўзимга яқин олганим ва яна, эҳтимол, фамилиядош бўлганимиз учун ҳам Ленни пулсиз қолганида мендан ёрдам сўрарди. Ажойиб кунларнинг бирида у идорамга келиб, ишга олишимни илтимос қилди. Ҳайрон қолдим. Ленни ортиқ уйдан пул келмаслигини, энди ишламаса бўлмаслигини айтди. Ундан ёшини сўрадим.

– Ўттиз бешдаман, – деди.

– Шу пайтгача нима билан шуғуллангансиз?

– Айтарли ҳеч иш қилмаганман.

Бу гапни эшитиб кулиб юборишдан базўр ўзимни тийдим.

– Ҳозир сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайманми деб кўрқаман, – дедим унга. – Яна ўттиз беш йиллардан кейин олдимга келсангиз, ўйлаб кўрамиз.

Ленни қилт этмади. Ранги бўздек оқарди. Бироз рангсиб тургач, алоҳа «ёрилди». Анчадан бери қартада омади келмаётган эмиш. Ҳадеб бриж ўйнавериш жонига тегиб, покерда<sup>1</sup> толеини синаб кўрмоқчи бўлибди, лекин бор будини ютқазибди. Чўнтагида хемириям қолмабди. Бор нарсасини тикибди. Меҳмонхона харажатларини ҳам тўлай олмасди, қарз олай деса, унга ортиқ ишонишмайди. Энди ғирт қашшоқ эди у. Агар зудликда бирор иш топмаса, ўзини ўзи ўлдириши ҳам ҳеч гап эмасди.

---

<sup>1</sup> Бриж, покер – карта ўйинлари.

Ранг-рўйига разм солдим. Англадимки, йигитчанинг холи хароб. Искотига муккасидан кетгани учун эллик яшар одам каби қаримсиқ бўлиб қолибди. Шу ахволини аёллар кўришганида унга қиё ҳам боқмаган бўлишарди.

– Ҳар тугул, кимордан бошқа яна бирор иш кўлингиздан келадими? – деб сўрадим ундан.

– Сузишни биламан.

Қулоқларимга ишонмадим: шу ҳам гап бўлдию!

– Университетда сузиш бўйича чемпион бўлганман.

Шу маҳал гапни нимага бураётганини тушуна бошладим. Талабалик йилларида ҳамма севиб-хурматлаган кўп кишиларга дуч келганман, уларнинг ҳеч бири менда ишонч уйғотолмаган.

– Ёшлигимда мен ҳам сузишни қойиллатардим, – дедим мен.

Шу пайт хаёлимга бир фикр келди...

Бартон ҳикоясини тўхтатиб, туйқус мендан сўради:

– Кобени яхши биласизми?

– Йўқ, – дедим. – Тўғри, қачонлардир бўлганман у ерда, лекин бир кеча тунаганман, холос.

– Ундай бўлса сиз Шиоя клубини билмасангиз керак. Мен йигитлик йилларимда шу жойдан сузишни бошлаб, маёқни айланиб ўтиб Таруми дарёсининг қуйилиш жойигача борардим. Уч милядан зиёдроқ ушбу масофани сузиб ўтиш жуда қийин, қолаверса, мен маёқ бўйлаб сузардим, у жойларда эса оқим жуда кучли бўлади. Хуллас, мен фамилиядошимга бу ҳақда сўзлаб бердим ва «Агар шу масофани сузиб ўтсангиз, ишга оламан», деб ваъда қилдим.

Қарасам, эсанкираб турибди.

– Сузишга устаман деб айтдингиз-ку, – дедим мен.

– Лекин ҳозир яхши аҳволда эмасман-да...

Ҳеч нарса демадим. Елкамни қисдим фақат. Ленни менга бироз қараб тургач, бош ирғади.

– Бўпти, – деди у. – Қачон сузишимни хоҳлайсиз?  
Соатимга қарадим. Ўн бир бўлибди.

– Сузишга бир соату чорак вақт кетади, эҳтимол сал кўпроқдир. Мен ўн икки яримда дарё этагида сизни кутиб оламан. Кейин клубга борамиз, кийинасиз, бирга овқатланамиз.

– Келишдик.

Кўл ташлашдик, унга омад тиладим ва у кетди. Ўша куни идорада ишга ботиб ўтирардим, ўн икки яримда зўрға Таруми этагига етиб бордим. Лекин бекорга шошилган эканман: фамилиядошим келмади барибир.

– Сўнгги дақиқада юраги дов бермаган бўлса керакда? – сўрадим мен.

– Йўқ, кўрқмаган. Сузишга-ку сузган. Аммо ароқ-хўрлик ва саёқлик туфайли соғлиғини абгор қилганди. Маёқ яқинидаги оқимга дош беролмаган. Унинг жасадини уч кундан кейин топдик.

Бир неча дақиқа тилим калимага келмади. Гангиб қолган эдим. Кейин Бартонга савол бердим:

– Айтинг-чи, унга иш таклиф қилган пайтингизда, чўкиб кетиши мумкинлигини билармидингиз?

Бартон паст овозда ҳиринглаб кулгач, маъсум, содда кўзлари билан менга тик боқиб, кафтини иягига ишқалади.

– Биласизми, – деди у, – барибир идорамда бўш жой йўқ эди...

## НИНАЧИ ВА ЧУМОЛИ

Болалик чоғларимда мени Лафонтен масалларини ёдлашга мажбур қилишар ва мазмунини ижикилаб тушунтиришарди. Шундай масаллардан бири «Ниначи билан чумоли» эди. «Меҳнат қилган одам, албатта, мукофотини олади, танбал эса муқаррар жазоланажак», деган беҳад фойдали хулоса бергувчи ушбу ажойиб масалда (маълум

ва машхур гапларни такрорлаётганим учун ўқувчилардан узр сўрайман) чумоли ёз бўйи тер тўкиб ишлайди, киш учун захира қилади, ниначи эса гулдан гулга қўниб кай-фини чоғлашдан бўшамайди. Қиш келади, чумолининг уйи озик-овқатга тўла, жони роҳатда, ниначининг эса холи хароб. У чумолиникига бориб овқат сўрайди. Шунда тилларда дoston бўлмиш жавобни олади:

– *Жонингни ҳеч койитдингми сен ёзда?*

– *Яллалар айтдим мен сайр қилиб хушу хандон.*

– *Ялла айтдинг? Жуда соз, энди рақс туш аёзда!*

Билмадим, аклим нотўғри қабул қилганми ёки бола онгим изчил фикрлашни билмаганми, ишқилиб, бундай хулосани сира ҳазм қилолмагандим. Мен тамоман ниначи тарафда эдим, анчага довур чумолини кўрганда топтаб ташлагим келиб юрди. Тадбиркорлик ва соғлом тафаккурга нисбатан иддаоларимни ана шундай кескин бир шаклда намоён қилардим.

Ўтган куни ресторанда ёлғиз тушлик қилиб ўтирган Жорж Рэмсини кўрганимда беихтиёр ўша масал ёдимга тушди. Унинг авзойи таърифлаб бўлмас қадар қайғули эди. Нигоҳи бўшлиққа қадалган, гўё бутун дунёнинг ташвиши гарданига тушгандек эди. Бечорага раҳмим келди – укажониси тагин бир балони бошлаган бўлса керак-да. Ёнига бориб, қўл чўздим.

– Аҳволлар қалай?

– Ичимга чирок ёкса ёришмайди, – жавоб берди у.

– Том яна хунар кўрсатдимми?

У уф тортди.

– Ҳа.

Томга ўхшаган тиррақи бузоқ ҳар битта оилада бор. У йигирма йилдан бери акасини қон қақшатади. Бурун туппа-тузук йигит эди: тижорат билан шуғулланарди, уйланиб икки болалик бўлганди. Рэмсилар оиласи ҳар жиҳатдан эътиборли бўлиб, Том Рэмси фойдали ва

мақтовга лойиқ ҳаёт кечиради, деб тахмин қилиш учун ҳамма асослар бор эди. Бироқ ажойиб кунларнинг бирида у ҳе йўқ, бе йўқ меҳнат қилиш жонига текканини, ортиқ оила боқишга ярамаслигини эълон қилди. Ҳаётдан роҳатланишни хоҳлармиш. Панд-насихат қор қилмади унга. Хотин, бола-чақасини ташлади, дўконини ёпди. Унча-мунча пули бор эди, бу пулга Европанинг пойтахт шаҳарларида икки йил айшини сурди. Аҳён-аҳёнда қариндошлари у ҳақда бирор хабар эшитишар ва хижолатдан ўзларини кўярга жой топа олишмасди. Шубҳасиз, у вақтини тараллабедод ўтказмоқда эди. Қариндошлари бошларини сарак-сарак қилиб лабларини тишлашар, «Пулларини сарфлаб бўлгач аҳволи не кечади», деб бир-бирларидан сўрашарди. Ҳадемай бу ёғи ҳам ойдинлашди. У қарз ола бошлади. Жозибали ва нозиктабиат бўлгани учун ҳар қандай одамни ром эта оларди. Унга қарз беришни ўзига раво кўрмайдиган киши камдан-кам топиларди. Ошна-оғайнилари ҳадя деб ҳам, қарз деб ҳам бераверарди. Шу ўринда айтиш керакки, ошна-оғайни орттириш унга чўт эмасди. У «Пулни фақат энг зарур эҳтиёжларга сарфлаш – турган-битгани диққатбозлик. Турфа зеб-ҳашамларга сарфлаганингда эса баҳри дилинг очилади», дерди нукул. Шунақа бебилиска пулларнинг манбаи – акаси Жорж эди. Том унга нисбатан нозиктабиат жозибасини ишга сололмасди, зотан, Жорж жиддий ва пухта йигит бўлиб, бундай ҳавойи нарсаларга учмасди. У икки марта Томнинг «Энди эсимни йиғиб оламан», деган ваъдасига лаққа тушиб, ҳаётини қайтадан бошлаши учун катта-катта маблағ берди. Том бу пулларни автомобиль ва яна алламбалоларга совуриб юборди. Жорж укаси энди ҳеч қачон тавба қилмаслигини тушунганида эса Том юзини сидириб ташлаб товламачилик тўнини кийди. Сен донғи чиққан адвокат бўлсангу туғишган уканг сен ёқтирган ресторан барида коктейл аралаштирса ёки



сен борадиган клуб эшиги тагида такси машинасида кадамингни пойласа – қалай, ёқадими? Том «Барда ишлаш ёки такси ҳайдаш ҳам ёмон касб эмас», деб ўзини оқлагандек бўлар, айни чоғда, агар Жорж икки-уч юз фунт қистирса, оиласи шаъни учун бу ишни ташлашга тайёрлигини писанда қиларди. Жорж ноилож пул берарди.

Кунларнинг бирида Том қамалармиш деган гап чиқди. Жорж даҳшатга тушди. Ҳа, Том ростдан ҳам ҳаддидан ошган экан. Илгари у енгилтак, пул сочишдан бошқага ярамайдиган кимса эди, аммо виждонсизлик қилмасди («виждон» деганда Жорж қонунларни бузмасликни тушунарди). Судга тортилганида, шубҳасиз, унга нисбатан айблов ҳукми чиқарилган бўлар эди. Бироқ яккаю ёлғиз укангиз қамаладиган бўлса, сиз қўл қовуштириб турмайсиз-ку! Том чув туширган одам, фамилияси Кроншо, жуда кекчи экан. У дарҳол судга шикоят қилмоқчи бўлди. «Укангиз Том ғирт аблах экан, жазосини олсин», деди. Бу иш Жорж хўп югуриб-елиб ва беш юз фунт чиқим қилганидан кейингина хайрли яқун топди. Бироқ Кроншо у ёзиб берган чекни нақд пулга айлантиргани ҳамон бир ой ялло қилиш учун Том билан бирга Монте-Карлога жўнаганини эшитганида унинг қутурганини кўрсангиз эди!

Хуллас, Том йигирма йил отчопар ва казиноларда қимор ўйнади, гўзал аёллар билан дон олишди, ўйнаб-кулди, қимматбаҳо ресторанларда лаззатли овқатларни тановул қилди, олиймақом либослар кийди. У ҳамиша гўё хозиргина журнал муковасидан чиқиб келгандек башанг юрарди. Қирқ олтини уриб қўйган бўлса-да, кўрган киши нари борса ўттиз бешда деб айтарди. Том гапга жуда уста ва яхши улфат эдики, инсон сифатида бир чақага қимматлигини билсангиз-да, бу унинг суҳбатидан баҳра олишингизга халал беролмасди. Дадиллик, битмас-туганмас шўх-шаддодлик ва фавқулодда жозибаси билан ажралиб турарди у. Зарурий эҳтиёжлари учун

мендан доим бож олиб турса-да, берган пулимга сира ачинган эмасман. Ҳар гал унга эллик фунт санаб берарканман, гўё қарзимни узаётгандек ҳис қилардим ўзимни. Том Рэмси ҳаммани танир, ҳамма Том Рэмсини биларди. Унинг туриш-турмушини ёқламасдингиз, албатта, лекин у барибир сизга манзур бўларди.

Бечора Жорж фосиқ биродаридан бир йилгина олдин туғилганди, аммо кўрсангиз, ёши олтмишдан ошган дердингиз. Чорак асрдан бери йилига икки ҳафтадан ортиқ дам олмай келарди. Ҳар куни эрталаб соат тўққизу ўттизда идорасида ўтирган бўлар, уйга соат олтидан эрта қайтмасди. У ҳалол, меҳнатсевар ва ҳар жиҳатдан ҳурматли инсон эди. Ажойиб хотини (Жорж ҳатто хаёлан ҳам унга хиёнат қилмаганига кафилман), тўрт қизи бор эди, фарзандлари уни рўйи заминдаги энг меҳрибон ота деб билардилар. У эллик беш ёшдан сўнг қолган умрини шаҳардан ташқаридаги чоғроқкина уйда боғ парваришию гольф ўйини билан ўтказиш орзусида даромадининг учдан бирини йиғиб кўярди. У бекам-кўст яшагани ва кексаяётганидан мамнун эди: ахир, Том ҳам қарияпти-да. Жорж яқиндагина қўлларини ишқалаб, шундай деганди:

– Токи Том ёш ва келишган йигит экан, ҳаммаси соз эди, бироқ у мендан атиги бир ёшга кичик. Тўрт йилдан сўнг элликка киради. Ўшанда яшаш осон кўчмайди унга. Эллик ёшга тўлганимда менинг ўттиз минг фунт сармоям бўлади. Йигирма беш йилдан бери айтаман, Томнинг умри бир куни ташландиқ ва дарбадарликда поёнига етади, деб. Ўшанда кўрамиз ҳолини. Ўшанда англар балки, меҳнат қилиш яхшими ёки такасалтангликми...

Ҳозир эса, эсиз Жорж, унга чин юракдан раҳмим келди. У билан стол ёнида ўтирарканман, Том бу сафар қанақа ишқал чиқардийкин, дея бош қотирардим. Чунки Жоржнинг ранг-рўйи ҳар қачонгидан ҳам ҳасратли эди-да.

– Нима бўлганини биласизми? – сўради у.

Ёмон гап эшитишга тайёрландим. Наҳотки, Том ахийри маҳкаманинг кўлига тушган бўлса? Жоржнинг товуши титради.

– Бутун умр ҳалол яшаганимни, манглай терим ва заҳматкашлигим орқасида обрў қозонганимни инкор этмайсиз, деб ўйлайман. Ушбу кўп йиллик меҳнатим ҳамда эҳтиёткорлигим соясида давлатнинг қимматбаҳо қоғозлари қийматида сақланаётган озгина сармоям ҳисобига ҳузур-ҳаловатда яшаб дам олишдан умид қилишим мумкин. Мен бурчларимга ҳамиша содиқ қолдим.

– Мутлақо тўғри.

– Айни чоғда, Томнинг бефойда, бебош ва беибо тақсалтанг эканини ҳам инкор этолмайсиз.

– Шак-шубҳасиз!

Жорж кип-қизариб кетди.

– Бир неча ҳафта бурун у онаси тенги бир аёлга уйланди. Тунов куни хотин ўлиб, бутун мол-мулки Томнинг ихтиёрига ўтди. Ярим миллион фунт ақча, яхта, Лондонда ҳашаматли уй, шаҳар ташқарисида чорбоғ...

Жорж маҳкам қисилган муштини столга қарсиллатиб урди.

– Бу адолатдан эмас, мен сизга айтсам, асло адолатдан эмас! Жин урсин, ўтакетган ғирромлик бу!

Мен ханг-манг бўлиб қолдим ва Жоржнинг қаҳрли юзига бир зум тикилгач, беихтиёр қаҳ-қаҳ уриб кулдим. Кулгининг зўридан букчайиб полга йикилаёздим. Жорж ўша қилиғимни ханузгача кечиролмайди. Аммо Том тез-тез Мэйфердаги данғиллама кошонасига зиёфатга чақириб туради, гоҳ-гоҳида одат бўлиб қолганидан қарз олиб ҳам туради. Аммо ҳеч қачон бир соверендан<sup>1</sup> ортиқ сўрамайди.

---

<sup>1</sup> *Соверен* – илгари Англияда муомалада бўлган тилла танга.



*Ги Де МОПАССАН*  
(1850–1893)

**СОВАЖ КАМПИР**

*Жорж Пушега бағишланади.*

**I**

Вирелонида роса ўн беш йил бўлмагандим. Кузда, пруссаklar<sup>1</sup> вайрон қилиб кетган уйини тиклай бошлаган дўстим Сервалникида меҳмон бўлиш баҳонасида ўша ёқларга ов қилгани бордим.

У ерларни ниҳоятда яхши кўрардим. Рўйи заминда кўзни қувнатувчи шундай сўлим гўшалар борлиги нақадар соз. Уларни худди биродарингни севган каби суясан киши. Она заминга боғланган биз, одам болаларининг кадрдон ирмоқларимиз, ўрмонларимиз, анҳорларимиз, тепаликларимиз борки, уларни худди қувончли воқеадек қалбимиз ийиб, кўнглимиз ҳаприқиб эслаймиз. Шунақа пайтлар бўладики, ажойиб кунларнинг бирида қандайдир дарахтзор ёки жарлик, ё гулларга бурканган мевазор боғни бир бор кўрасан-у, кейин хаёлан унга қайтаверасан ва уни баҳор тонгида ёнингдан оний бахт мисоли елиб ўтиб кетган ҳарир кўйлакли дилбар сиймоси янглиғ қалбингга жо этасан.

Вирелонидаги ҳар бир бутаю дарахт, бутун атроф-музофотга қон томирлари каби таралиб кетган ирмоқлар – бари юрагимга яқин эди. Бу ирмоқлардан қичқичбақа, гулмоҳи ва илонбалиқ овлашади. Роса гаштли машғу-

<sup>1</sup> *Пруссаk* – прусслар авлоди бўлмиш немисларни Францияда таҳқиромуз ном билан шундай аташган. Қўпол, тарбиясиз, аҳмоқ одамлар сифатида талқин қилинган.

лот-да! Баъзи жойларида чўмилса ҳам бўлади, ирмоқчалар ёкалаб баланд ўсиб ётган ўтлар орасида балиқчи кушлар кўп учрайди.

Мен олдинда ўйноқлаб бораётган икки тозини кузатганча улоқчадек енгил қадам ташлардим. Серваль эса мenden юз одимча ўнгроқда бедазорни кўздан кечирарди. Содр ўрмонининг чегараси вазифасини бажарувчи бутазорни айланиб ўтганимда хароба кулбага кўзим тушди.

Бу кулбани сўнги марта 1869 йили кўрганимни эсладим: ўшанда у саранжом-саришта, гир атрофи тоқлар билан ўралган, ҳовлисида товуклар қу-қулаб юрадиган файзли уй эди...

Вайронага айланиб ётган, ваҳимали ўлик уйдан аянчлироқ нима бор дунёда?

Яна ҳориб-чанқаб шу атрофдан ўтаётганимда хонадон бекаси бўлмиш кампир мени бир стакан мусаллас билан сийлагани ёдимга тушди. Бу уйда яшаган одамларнинг тақдири ҳақида Серваль йўл-йўлакай сўзлаб берди.

Ота – кекса браконьер жандармлар тарафидан ўлдирилибди. Ўғли новча, қотмадан келган йигитча бўлиб, у ҳам ёввойи паррандаю даррандаларнинг кушандаси эди. Уларни Соважлар<sup>1</sup> деб аташарди.

Бу уларнинг фамилиясимиди ёки лақабими, билмайман.

Мен Сервални чорладим. У одатича турнақадам билан ёнимга шошилди.

– Бу хонадон эгаларига нима бўлган? – деб сўрадим.

У эса шундай ҳикояни сўзлаб берди.

---

<sup>1</sup> *Соваж* – *Sauvage* (фр.) – ёввойи.

## II

Уруш бошланганида ўттиз уч ёшда бўлган кичик Соваж онасини ёлғиз қолдириб кўнгиллилар қатори урушга отланади. Кампирга ҳеч ким ачинмайди ҳам, чунки пулга муҳтож эмаслигини ҳамма биларди. Хуллас, у қишлоқдан анча олис, нақ ўрмон этагида жойлашган бу овлоқ уйда сўппайиб бир ўзи қолади.

Йўқ, у қўрқишни хаёлига ҳам келтирмаган, чунки новчагина ва қотма бўлса-да, эри ва ўғлига ўхшаган зуваласи пишиқ, бақувват эди. Кам куларди, ҳазил-мутойибани жини суймасди. Умуман, деҳқон хотинлар ўйин-кулгига ўч бўлишмайди, бунақа нарсаларни эркакларга чиқарган. Улар нурсиз, рўшноликсиз турмушларига яраша дамдўз ва маъюс бўладилар. Эр дам-бадам қовоқхонадаги улфатлари даврасида маза қилиб хурсандчилик қилиши мумкин, аммо хотиннинг қош-қобоғи сира очилмайди, қачон қарама жиддий юради. Унинг юз пайлари кулгидан қисқаришга ўрганмаган.

Қисқаси, Соваж кампир кулбасида одатдагидай ҳаёт кечиршида давом этади, ҳадемай қиш кириб ҳамма ёқни қор босади. У ҳафтада бир марта қишлоққа тушиб гўшт билан нон харид қилар, ишини битирибоқ уйига қайтарди. Бўрилар изғиб юргани ҳақида гап-сўзлар оралагани учун ўғлининг занг босган, қўндоғи сийқа милтигини кўтариб юрарди. Бу дароз, бироз букри кампирнинг елкасига милтиқ осиб, қор устида шошилмай, катта-катта қадам ташлаб юриши жуда қизиқ кўринарди.

Ниҳоят, пруссақлар етиб келишди. Уларни қишлоқликларнинг мол-мулки ва даромадига қараб уймау-уй тақсимлашди. Кампирни бой деб ўйлашгани учун унинг уйига тўрт немис жойлаштирилди.

Улар қадди-басти келишган, оқбадан, сариқ соқол-мўйловли, кўккўз ва ғолибларга унчалик хос бўлмаган

тарзда ҳалим, хайрихоҳ йигитлар эди. Йигитлар қари кампирникида қўним топишгач, унга ёрдам беришга, баҳолиқудрат ташвишларини енгиллатишга ҳаракат қилдилар. Эрталаблари улар мундирларини ечиб ташлаб, қишнинг ёп-ёруғ қунида шимолликларга хос нимпушти танларини яланғочлаганча қудуқ ёнида сув сачратиб ювинишар, Соваж кампир эса бу пайтда нонушта ҳозирлаш билан банд бўларди. Кейин ошхонани саранжом-саришта қилишар, ўтин ёришар, картошка арчишар, чойшабларни ювишар, хуллас, рўзгор ишлари билан куймаланиб юришардики, кўрган одам «Кампирнинг бир-биридан қобил тўрт ўғли бор экан», деб ўйлаши мумкин эди. Бироқ кампир қоракўзу бургутбурун, қалин мўйлаби юқори лаби устига қўндирилган қора попилтирикни эслатгувчи нуридийдаси – ўз ўғлини ўйлагани ўйлаган эди. У қўноқларидан кунда неча қайталаб сўрарди:

– Йигирма учинчи француз пиёдалар полки нима бўлганини билмайсизларми? Менинг ўғлим ўша полкда хизмат қилади.

– Бизники билмайди, ҳеч билмайди, – жавоб беришарди улар. Ва кампир ўғлини қўмсаётганини, ундан алағда бўлаётганини англашиб – ахир, уларнинг ҳам оналари бор – атрофида парвона бўлардилар. Бир сўз билан айтганда, кампирнинг ўзи ҳам тўрт душманга хайрихоҳлик кўрсатди. Негаки, ватанпарварлик тушунчаси фақат юқори табақаларга хосдир, деҳқонларга эса бегона эди. Уруш, аввало, камбағал халқнинг шўридир, йўқсил бўлганлари учун ҳар бир ортикча харж уларнинг тинка-мадорини курилади, чумчукдек қириладиган ҳам, «тўп еми» бўладиган ҳам – улар, чунки улар кўпчилик. Шу сабабли улар урушнинг машъум фалокатларидан ҳаммадан кўп жабрланадилар, боиси улар заифроқ, бинобарин, тоқат-чидамлари ҳам шунга яраша. Олти ойдаёқ хар икки миллатни – ғолибни ҳам, мағлубни ҳам тамо-

ман ҳолдан тойдирувчи жанговарлик, шон-шараф каби нозик масалаларга, сиёсий фитналарга уларнинг ақллари етмайди.

Соваж кампирникида истиқомат қилувчи немисларнинг одамшавандалиги эл орасида маълум ва машҳур бўлди. Қишлоқликлар бу ҳақда гап очилганда «Кампирнинг омади бор экан», деб айтарди.

Бир куни эрталаб уйда ёлғиз ўтирган кампир узоқдаги одам қорасини кўради. Яқинлашганида танийди – қишлоқ почтачиси. Хат келтирибди, кампир чок тикканида тақадиган кўзойнагини ғилофдан олиб, мактубни ўқимокқа тутинди:

*«Мадам Соваж, ушбу мактуб орқали сизга қайғули хабар йўлламоқдамиз. Ўғлингиз Виктор кеча ҳалок бўлди, тўп ўқи унинг танасини иккига бўлиб ташлади. Мен бу пайтда унинг ёнида эдим. Биз яхши ўртоқ эдик, у сиз ҳақингизда кўп гапирарди, «Менга бир кори ҳол бўлса, онамга ўзинг маълум қиласан», деб айтарди доим. Мен унинг чўнтак соатини сақлаб қўйдим, уруш тугагач, сизга етказаман.*

*Дўстона салом билан Сезар Риво, 23-пиёдалар полкининг иккинчи тоифали аскар».*

Хат уч ҳафта бурун ёзилган эди.

Кампир йиғламади, жойида «қилт» этмай ўтираверди, азбаройи ҳаяжон ва эсанкирашдан айрилиқ даҳшатини хис қилмади. Миясида биргина ўй чарх урарди: «Викторимни ўлдиришди». Секин-аста кўз ёшлари сизиб чиқа бошлади ва дафъатан юрагига ғам-ғусса бостириб кирди. Миясида бири-биридан даҳшатли, азобли ўйлар ғужғон ўйнади. Энди у ҳеч қачон шунқорини ўпиб эркалатолмайди. Миршаблар эрини ўлдиришганди, прусаклар эса ўғлидан жудо этишди. Замбарак ўқи қоқ иккига бўлиб ташлаганмиш. Кўз олдида мудҳиш манзара намоён бўлди: ўғлининг калласи учиб кетган, кўзлари



очиқ, у худди жаҳли чиққан пайтидагидек, мўйловининг бир чеккасини тишлаб олган... Жасадини нима қилишди экан? Кошкиди, қоқ манглайдан отиб ўлдирилган эрининг лошини қайтариб беришгани каби ўғлининг майитини ҳам ўзига қайтаришса.

Бир маҳал ғала-ғовур товуш қулоғига чалинди. Бу қишлоқдан қайтаётган пруссақлар эди. Кампир хатни қўйнига яширди ва кўзларини ҳафсала билан артиб-қуришиб, ҳеч нарса бўлмагандек хотиржам қиёфада уларни кутиб олди. Немислар семиз қуённи тутиб олганларидан (аслида, бировнинг уйидан ўғирлашгани аниқ) ўзларида йўқ хурсанд бўлиб, «Бугун мазали овқат еб қорин тўйдирамиз» деган маънода уни кампирга кўз-кўз қилишарди.

Кампир дарров овқат пиширмоққа тутинди, аммо қуённи сўйишга сира қўли бормади, очиги, юраги дов бермади. Гўё бу ишни биринчи маротаба қилаётгандек! Шунда аскарлардан бири қуённинг бошига бир мушт тушириб мушкулни осон қилди.

Қуён ўлгач, кампир унинг терисини шилди, аммо қўлларига юққан қон – иссиқ ва бирпасда совиб лахталанаётган қон уни беҳуд қилиб, қалт-қалт титрай бошлади. Танаси иккига бўлиниб, мана шу жонивор каби қонига беланган қўйи жон талвасасида типирчилаётган ўғли яна кўз олдида гавдаланди.

Овқат тайёр бўлгач, уни пруссақлар олдига келтириб қўйди, лекин ўзи бир лукма ҳам ея олмади. Аскарлар кампирга парво ҳам қилмай, қуён гўштини пакқос туширдилар. Кампир уларни зимдан кузатаркан, калласида бир режани пишитарди, бироқ юзи шу қадар осойишта эдики, ановилар ҳеч нимани пайқамадилар.

Кутилмаганда кампир уларга юзланиб, шундай деди:

– Бир ойдан бери меникида яшаяпсизлар, аммо биронтангизнинг исмингизни билмайман.

Немислар бир амаллаб унинг хоҳишини тушунишиб, бирма-бир ўз исмларини айтишди. Бироқ кампирга бу кифоя қилмади: у ҳар бирини қоғозга ўз-исми ва манзилини ёзиб беришга мажбур қилди. Сўнг, тагин узун бурнига ойнагини қўндириб, ёт ҳарфлар билан битилган ёзувга кўз югуртирди ва қоғозни тўрт буклаб, ўғлидан келган қорахат яширилган чўнтагига солиб қўйди.

Таом еб битирилгач, кампир «Баҳузур ўтираверинг, мен сизларга тўшак ҳозирлаб бераман», деб ўрнидан турди.

Немислар ётадиган чордоққа кучоқ-кучоқ пичан ташиди. Пруссаклар ажабланиб, бунинг боисини сўраганларида, бамайлихотир жавоб берди: «Пичаннинг ичида иссиққина ётасизлар». Улар кампирнинг меҳрибончилигидан хижолат чекиб, унга ёрдамлашгани турдилар ва ҳадемай чордоқ похол ёпилган томга довуру пичанга тўлиб, юмшоқ ва иссиққина хобгоҳ ҳосил бўлди. Бунақа жойда мириқиб ухласа бўларди.

Кечки овқат устида аскарлардан бири кампир яна таомдан емаётганини сезиб хавотирланди. Кампир қорни санчиб оғриётганини баҳона қилди. Кейин исинмоқчи бўлиб гулхан ёқди, тўртала немис эса ухлагани ўз ётоқхоналарига чиқиб кетишди.

Чордоқ туйнуғи ёпилгани заҳоти кампир нарвонни олиб қўйди, сўнг ташқари эшикни охиस्ताгина очиб, ховлидан ошхонага пичан таший бошлади. Қор устида ялангоёқ юргани учун тик этган товуш эшитилмасди. У дам-бадам тўхтаб, тўрт аскарнинг тўрт хил овозда хуррак отишига қулоқ тутди.

Ҳозирлик битгач, кампир бир боғ пичанни ўчоққа тугиб ўт олдирди, сўнг уни бошқа пичан боғламлари устига сочиб юбориб, ўзи ташқарига чикди ва кузата бошлади. Кулбанинг ичи бир зумда ўткир ёруғликдан ловуллаб кетди, дахшатли гулхан ўрлади, кулба улкан ўчоқ тусини

олиб, аланга тили кичкина дерзага урилар ва ҳаммаёқни қоплаган қор сиртида акс этиб кўзни қамаштиргудек бўларди.

Чордоқдагилар жон аччиғида қичқира бошладилар, бу овоз тезда юракни ларзага солувчи даҳшатли дод-фарёдга айланди. Шифт пастга қулаб тушгач, ловуллаган олов чордоққа ўрлади ва похол томни ёриб ўтиб, баҳайбат машъала каби кўкка кўтарилди. Бутун кулба ўт оғушида колди.

Энди ичкаридан фақат оловнинг гуриллашию деворларнинг қарсиллаши, чордоқ тўсинларининг қарсиллаб кулашигина эшитиларди. Бирдан том қулаб тушиб, оташ ичидаги хароба қаъридан тутун бурксиди ва атрофга сонсаноксиз учқун сачради.

Ёнғиндан нурафшон бўлиб кетган қор босган яланглик кизғиш товланувчи кумушранг парда мисоли ярақлаб ётарди.

Олисда кўнғироқлар бонг урди.

Соваж кампир немислардан биронтаси қочиб чикқудек бўлса, отиб ташлаш ниятида ўғлидан қолган милтиқни шай қилганча, ҳануз вайрона уйи қаршисида қакқайиб турарди.

Бари ўлганига ишонч ҳосил қилгач, милтиқни оловга улоқтирди. Бирпасдан сўнг портлаш эшитилди.

Ҳар тарафдан деҳқонлар, пруссаклар чоғиб келишди. Кўнгли жойига тушган кампир тўнка устида хотиржам ўтирарди.

Француз тилида бурро сўзловчи немис зобити кампирни сўроққа тутди:

– Уйингизда яшайдиган аскарлар қани?

Кампир қоқсуяк кўли билан ўча бошлаган ёнғинга ишора қилиб, дадил овозда деди:

– Ҳов анови ерда, ичкарида!

Халойиқ уни қуршаб олди. Пруссак яна сўради:

– Ёнгин нимадан чиқди?

– Мен ўт қўйдим, – икром бўлди кампир.

Унга ишонишмади, мусибат ақлини хиралаштирган, деб ўйлашди. Шунда у теварагини ўраб турган сомеъларга бор гапни – ўғлидан қорахат келганидан тортиб, уйга қўшилиб кулга айланган одамларнинг охирги фарёдларигача оқизмай-томизмай сўзлаб берди. Кўнглидан нима кечган бўлса, ҳеч бирини яширмади, нимаики қилган бўлса, ҳаммасини миридан сиригача айтиб берди.

Ҳикоясини тугатгач, чўнтагидан иккита буклоғлик қоғоз чиқарди ва ёнгин буткул ўчмасидан бурун уларни ажратиб олиш мақсадида апил-тапил кўзойнагини тақди, сўнг бирини кўрсатиб, деди:

– Манави, Виктордан келган қорахат.

Иккинчисини кўрсатаркан, тутай бошлаган хароба тарафга ишора қилди:

– Буниси уларнинг исм ва манзиллари, уйларига хат жўнатиш учун ёздириб олдим.

Шундай деб қоғозни елкасидан тутиб турган зобитга узатди ва бепарволик билан қўшиб қўйди:

– Воқеа қандай бўлган бўлса, шундайлигича ёзинг, ота-оналарига бу ишни камина, Соваж лақабли Виктуар Симона қилганини айтишни унутманг!

Зобит немисчалаб буйруқ берди. Кампирни қўлларида тутишиб, ҳали ҳам кизиб турган уй деворига тақадилар. Сўнг ўн икки аскар шоша-пиша ундан йигирма одим нарида саф тортди.

Кампир қимирламас, бўлаётган воқеаларни идрок қилар, оқибатини кутарди.

Буйруқ берилгач, шу заҳоти бараварига ўқ отилди, охирида кечиккан қайси бир аскарнинг якка ўқи янгради.

Кампир йиқилмади, оёғидан мадор қочган каби чўккалаб қолди, холос.

Прусс зобити унинг ёнига борди. Кампирнинг танаши илма-тешик бўлиб кетган, чангакдай тиришган бармоқларида эса конталаш мактуб бор эди.

\* \* \*

Дўстим Серваль хикоясини тугатгач, кўшиб қўйди:

– Ўшанда немислар аламларига чидаёлмай кўп уйларни вайрон қилишди, менинг уйим ҳам омон қолмади.

Мен эса кулбада ёниб кетган хушфёъл, содда тўрт немиснинг оналари ва бу деворлар ёнида отиб ташланган яна бир онаизорнинг бетимсол қахрамонлиги ҳақида ўйлардим.

Ерга эгилиб, қурумдан қорайиб кетган тошчалардан бир нечасини қўлимга олдим.

## ТАЗАРРУ

Жаноб Бадон-Лерменсе қазо қилганида унинг жанозаси ва дафн маросимига бутун музофот йиғилди. Префектура вакили эса ўз нутқини барчанинг хотирасига муҳрланиб қолган ушбу сўзлар билан якунлади:

– Биз бугун яна бир ҳалол инсондан жудо бўлдик!

Чиндан ҳам, мархум умри мобайнида жамоатчилик баҳо бериши мумкин бўлган барча жабҳаларда ҳалол, виждонли киши сифатида ном қозонган, сўзи ва амали, гавдасини тутиши, қадам ташлаши, ҳатто соқол кузашию шляпа танлаши ҳам ҳаммага намуна қилиб кўрсатадиган даражада бенуксон эди. Одамлар унинг тилидан доим ўғит ва ҳикматлар эшитишар, у ҳар гал бирор йўқсилга хайр қилаётганида, албатта, бир фойдали маслаҳат ҳам берар, унинг қўл узатишида худди дуо қилаётган каби бир ишора бўлар эди.

Ундан икки фарзанд қолди – бир қиз ва бир ўғил. Ўғли генералга маслаҳатчи эди, қизи эса нотариус жаноб

Пуарель де ля Вультга турмушга чикқач, Везьеда нуфузли лавозимни эгаллаганди.

Улар отанинг ўлиmidан сўнг сира таскин тополмадилар, чунки иккови ҳам уни жон-диллари билан севарди.

Дафн маросими тугаши билан киз, ўғил ва куёв мархумнинг уйига қайтишди ҳамда учовлон бир хонага камалиб олиб, гувоҳлар иштирокисиз ва жасад тупроққа кўйилганидан сўнггина очилиши лозим бўлган васиятнома муҳрини бузишди – мархум ёзиб қолдирган махсус мактубида шундай қилишни тайинлаганди.

Жаноб Пуарель де ля Вульт нотариус сифатида хатжилдни йиртди ва бурнидаги кўзойнагини тузатгач, гўё атай хужжатларни ўқиб эшиттириш учун ато этилгандек руҳсиз товушда ўқимокқа тутинди:

«Фарзандларим, азиз болажонларим, токи қазойим яқин экан, бутун умр виждонимни азобга солган жиноятимга иқрор бўлиб, тавба-тазарру қилмасам, қабримда хотиржам ётолмайман. Ҳа, мен жиноят қилганман ва бу мудҳиш, жирканч жиноятдир.

...Ўшанда йигирма олти ёшда эдим, Парижда эндигина адвокат бўлиб ишлай бошлагандим ва провинциялардан келиб пойтахтда қўним топган, бироқ бу ерда на кавм-қариндоши, на дўстлари ва танишлари бор барча ёш йигитлар каби ҳаёт кечирардим.

Мен... ўйнаш тутдим. Рост, кўплар «ўйнаш» деган сўздан жирканади, бироқ ёлғиз яшаёлмайдиган одамлар ҳам бўлади-ку. Мен ўшалар тоифасидан эдим. Танҳолик вужудимни даҳшатли ғуссага тўлдирганди, квартирада, камин ёнида оқшомни ёлғиз ўтказиш нақадар оғирлигини билмайсизлар. Ўша кезлар, оламда бир ўзим сўппайиб қолган ва ақлдан озар даражада ёлғиз, аллақандай мавҳум, сирли, аммо кўрқинчли хавфхатарлар куршовида қолгандек эдим. Деворнинг нари-

ги ёғидаги мен танимайдиган кўшним гўё осмондаги юлдузлар каби олислаб кетгандек эди. Мени талваса – муштоклик ва кўркув талвасаси чулғай бошлади, ҳатто гунг деворлардан ҳам ҳадиксирайдиган бўлиб қолдим. Ёлғиз одам истикомат қиладиган хона сукунати беҳад чуқур ва аллақандай ҳасратга ботган бўлади. Бу нафақат жисмни, балки жисму жонга кўшиб кўнгилни ҳам қамал этган сукунат эди ва ҳар гал «тиқ» этган товушдан юрагим товонимга тушиб кетгудек бўларди. Чунки одам бош сукмайдиган ушбу овлок бошпанамда бирор сас-садодан умидвор эмасдим.

Бу танҳоликка, сокинликка чидай олмай аламиним бўғзимга тикиларди, баъзан сукунат кўйнида кўркув босганидан ўзимга ўзим гапирардим. Тилимга не калима келса, ҳеч бир сабабсиз, маъно ва мазмунига эътибор бериб ўтирмасдан, шунчаки товуш чиқиб турса бас, дея сўзлайверардим. Лекин бора-бора ўз овозим ҳам ўзимга ғалати эшитила бошладики, оқибатда бундан ҳам чўчийдиган бўлиб қолдим. Ҳувиллаган уйда ўзингга ўзинг гапирсанг, ундан ҳам даҳшатли нарса бормикан? Овозинг худди ёт-бегонаникига ўхшайди, сабабсиз, ҳеч кимга мурожаат этмаган ҳолда, тинглайдиган бирор зотдан асар бўлмаган бўшлиққа сўз қотасан. Бу, албатта, кўркинчли-да! Зотан, сўзлар лабларингдан учиб, ҳужрангдаги жимжитликка даҳл қилиб улгурмасидан аввал ўзингга етиб келади. Ўлик сукунат кўйнида улар ниҳоятда совуқ эшитилади ва оҳиста айтилган сўзлар хаёлингга фикран ғалати акс садо бергандай туюлади.

Мен Парижда ишлаб топадиган ғарибона маошига бирда оч, бирда тўқ яшайдиган сон-саноксиз қизлардан бирини ўзимга ўйнаш қилиб олдим. У мўмин-қобил, хушфёъл, оддийгина қиз эди. Ота-онаси Пуассида туришаркан. Қиз аҳён-аҳёнда уларни кўргани бир неча кунга бориб келарди.

У билан бир йил хотиржам яшадим, уйланиш фикрига келишим билан, менга маъқул бўладиган қизни учратганим заҳоти уни ташлаб кетаман, дея қатъий қарор қилиб кўйгандим. Унга озроқ нафақа тайинламоқчи эдим, негаки бизнинг жамиятимиз таомилига кўра аёл муҳаббатига, агар у камбағал бўлса – пул билан, бой бўлса – ҳадялар билан ҳақ тўланарди.

Бироқ кунларнинг бирида у ҳомиладорлигини маълум қилди. Эсанкираб қолдим ва шунда ҳаётимни тамомила барбод этганимни билдим. Мен то ҳаётим сўнгига қадар ҳамма вақт, ҳар ерда, бўлғуси оиламда ва ҳатто кексайган чоғларимда ҳам судраб юришимга тўғри келадиган занжирга боғланганимни англадим: бу занжир – ҳаётимга ҳомиласи билан боғланган аёл, бу занжир – ундан яшириниб ва уни бутун дунёдан яшириб тарбиялашим, асраб-авайлашим, ғамхўрлик қилишим керак бўлган бола эди. Бу хабар идрокимни ағдар-тўнтар қилиб ташлади. Шунда ногоҳ юрагимда, қалбимнинг энг тубида жинояткорона бир истак уйғонганини пайқадим. Бу истак ҳали хийла мужмал, ғира-шира, бироқ парда ортига яшириниб, саҳнага чиқиш ишорасини кутаётган одам каби ўзини кўрсатишга тайёр эди! Бирон-бир бахтсиз ҳодиса юз берса нима қилибди? Бунақа гўдаклардан қанчаси туғилмасдан нобуд бўлиб кетади-ку, ахир!

О, мен ўйнашимга ўлим тиламасдим! Бояқиш қиз, уни самимий яхши кўрардим. Бироқ боланинг мен кўрмасимдан бурун ўлиб кетишини хоҳлаётгандим.

У туғилди. Менинг мўъжаз бўйдоқлик бошпанамда оила вужудга келди – номашруъ хотин ва фарзанд. Бу даҳшат эди. У ҳамма болалар каби оддий бир гўдак эди. Сира хушламасдим уни. Гап шундаки, оталар болаларга, одатда, кечикиброқ меҳр кўядилар. Уларда оналарга хос бўлган ғайришуурий ва жўшқин меҳр мутлақо бўлмайди,



фарзандга муҳаббат уларда аста-секинлик билан куртак отади. Бу ҳолат жамоа бўлиб яшайдиган махлуқларнинг вақт ўтгани сайин ўзаро яқинлашиб, бир-бирларига меҳр ришталари билан боғланишига ўхшайди.

Яна бир йил ўтди. Ўз уйимдан беза бошладим, у ҳаддан зиёд торайиб қолгандек эди. Ҳар жойда: стулда, оромкурси суянчиғида, полда – ҳамма ёқда катталиги қўлқопдек йўргакчалар, иштончалар ва бошқа турфа латта-путталар тўзғиб ётарди. Бироқ мен бола-нинг йиғисини эшитмаслик учун уйдан қочардим. У эса йўргаклашаётганида ҳам, чўмилтиришаётганида ҳам, ушласалар ҳам, беланчакка ётқизсалар ҳам, қўлга олсалар ҳам – нима бўлмасин, бетиним йиғлайверарди.

Бу орада таниш-билишлар орттирдим, меҳмонхоналардан бирида эса сизларнинг онангиз бўлган аёлни учратдим. Уни севиб қолдим, унга уйланиш истаги туғилди. Кўнглини овладим, қўлини сўрадим, таклифим қабул бўлди.

Ана шунда мушкул танлов қаршисида қолдим. Ё фарзандим борлигини пинҳон тутиб, севганимга уйланишим ёки бор ҳақиқатни очиб, ундан, бахт-саодатдан, истиқболдан – баридан воз кечишим керак эди, негаки бува ва бувингиз тақводор, нозик табиатли кишилар бўлиб, бу гаплар уларнинг қулоғига етиб борса, онангизни менга турмушга бермаган бўлар эдилар.

Бир ой қайғу-ҳасрат ва шафқатсиз руҳий изтироблардан эзилиб юрдим. Бир ой минглаб мудҳиш фикрлар онгимда пашшадай ғужғон ўйнади. Шунда ўғлимга – йўлимга тўғаноқ бўлиб ҳаётимни вайрон қилмоқчи бўлган, умидларимдан, ёшликнинг бор тароватини ташкил этувчи қувончлардан айро этувчи бу йиғлоқи, бир парча тирик гўштга нисбатан кўнглимда адоват уйғонди.

Ўша кунларнинг бирида иттифоқо ўйнашимнинг онаси бетоб бўлиб колди ва у гўдакни менга ташлаб, Пуассига жўнайдиган бўлди.

Декабрь оии эди. Совуқ борган сари забтига оларди. Ўйнашим яқиндагина жўнаб кетган. Ҳаётимдаги энг расво тун чодирини ёпиб босиб келарди. Тор-танқис емакхонада якка ўзим тамадди қилгач, оёқ учида юрганча бола ухлаб ётган хонага кирдим.

Камин ёнидаги юмшоқ курсига чўкдим. Ташқарида аччиқ изғирин деразаларни титратганча увилларди, ойнадан юлдузлар чарақлаб турганини кўрдим – совуқ кечаларда негадир доим шунақа бўлади.

Шу маҳал шууримда бир ойдан бери мени тинч кўймаган ўжар фикр тагин бош кўтарди. Бир зум ҳаракатсиз қолсам, ўйласам бас, у менга ташланар ва канадек ёпишиб олиб, кемира бошларди. Хира, ёпишқоқ фикрлар одам аклини қандай ғажиса, саратон инсон жисмини қандай емирса, у ҳам мени шундай битириб борарди. У миямга, юрагимга етиб борди, ахийри, бутун танамни эгаллади ва ваҳший ҳайвон каби бурдалай бошлади. Уни ҳайдамоқчи, ўзимдан нари кетказмоқчи ва тундан қолган зах ҳавони ҳайдаш учун тонгги саррин шабадага пешвоз чиқиб деразани очмоқчи бўлган каби қалбимда бошқа ўй-фикрлар, орзу-умидлар уйғотишга уриндим. Аммо бир лаҳза ҳам ўша лаънати фикрдан қутулолмадим. Азобларимни қандай тасвирлашни билмайман. Бу ўжар фикр қалбимни тилкалар, унинг ҳар бир ҳамласини даҳшатли тарзда чинакам жисмоний ва руҳий оғриқ билан ҳис қилардим.

Аҳволим ниҳоятда оғир эди! Бу вазиятдан қандай чиқиб кетсам экан? Ўзимни четга тортайми ёки гуноҳларимга икрор бўлайми?

Ахир, мен сизларга волида бўлажак қизни севардим, эҳтирос билан севардим ва йўлимдаги ўтиб бўлмас тўсик муҳаббатимни баттар алангалатарди.

Тўсатдан вужудимда алланечук ёвуз куч уйғониб, бўғзимдан олди. Бу телбавор... ҳа, ҳа, телбавор куч эди! Ҳа, ўша кеча мен ақлдан озгандим.

Бола ухламоқда эди. Мен ўрнимдан туриб, унинг ухлашини томоша қилдим. Мени узил-кесил бадбахт этмоқчи бўлган мана шу тирмизак, шу чала одам, худди шу нотавон бўлади.

У мен кечалари мижжа қоқмай чиқадиган каравот ёнидаги беланчакда жунчойшабга бурканиб, оғзини очган кўйи беозоргина ухларди!

Бу ишга қандоқ журъат этдим? Билмайман! Қандай куч кўлимдан тутди, қандай ёвузлик менга хукмини ўтказди? Оҳ, жиноят васвасаси мени чунон йўлдан оздирган эканки, қилмишимни сезмай ҳам қолибман. Ёдимда қолгани шуки, юрагим кўксимни тешиб чиққудек тепарди! Шу қадар кучли урардики, унинг дукиллаган товушини эшитардим. Фақат шуни эслайман, фақат юрагим тепиши ёдимда қолган. Бошим ғовлаб, шишиб кетган, тафаккурим фалаж эди. Мен – ўз хатти-харакатларининг фаҳмига бормайдиган, ўз хоҳишларини бошқаришга лаёқатсиз одам сингари эсанкираб, савдойига ўхшаб турардим.

Фарзандимнинг танасини ўраган жунчойшабни аста кўтариб олиб беланчак четига кўйдим. Чақалоқ қип-яланғоч ётган экан. У уйғонмади. Шунда мен яна секин-аста юриб дераза ёнига бордим ва уни ланг очдим.

Хонага қахратон совуқ қотил мисоли бостириб кирди, у шу қадар совуқ эдики, беихтиёр ортга тисарилдим; ёниб турган иккала шам липиллаб ўйнай бошлади. Мен дераза ёнида бу аёзли ҳавога рўбарў турардим, ортимга карамасдим, ортимда нималар бўлаётганини билишни

хоҳламасдим ҳам. Пешонам, чаккаларим, қўлларимда қаҳратоннинг ажал пурковчи нафасини туярдим. Бу узок давом этди.

Ҳеч нимани ўйламай, ҳеч вақони идрок қилмасдим. Туйқус кучсиз йўтал товуши эшитилди ва аъзойи бада-нимга чунон даҳшатли титроқ кирдики, эсласам, ҳозир ҳам юрагим орқага тортиб кетади. Қўрққанымдан дераза-нинг иккала табақасини ҳам апил-тапил ёпиб, беланчак ёнига отилдим.

У хануз оғзини очиб, яланғоч ухлаб ётарди. Оёғига қўл теккиздим – муздек. Мен уни қайтадан ўраб қўйдим.

Шу дам бирдан қалбим юмшади, ийди ва ўзим ўлдирмоқчи бўлган бу бечора маъсум гўдакка нисбатан раҳм-шафқат, меҳр туйғулари уйғонди. Унинг ипакдек кокилларини узок ўпдим, сўнг яна камин ёнига ўтирдим.

Қилмишим тўғрисида гарангсираб, кўркув аралаш ўйладим. «Бундай телбавор ёвузлик қаёқдан келади? Инсон борлиқ ҳақидаги ҳар қандай тушунчаларини, ўз ақл-идроки устидан эгалик қобилиятини йўқотиб, мас-тона телбалик ичида нима қилаётганини англамай, до-вулда қолган қайиқ мисоли қаёққа кетаётганини билмай қолиши мумкинми?» дея ўзимни такрор-такрор сўроққа тутдим.

Бола тагин йўталди, шунда ҳозир юрагим ёрилиб кет-са керак, деб ўйладим. Ўлиб қолса-я! Ё Раббий, ё Раббий, унда холим не кечади?

Унга қараш учун ўрнимдан турдим ва қўлимда шам билан устига эгилдим. Равон нафас олаётганини эшитиб бироз таскин топдим, бироқ у учинчи марта йўталди, қалтираб кетдим, ўтакани ёрадиган кўрқинчли бир нар-сани кўрган каби ўзимни ғайришуурий орқага отарқан-ман, қўлимдан шам тушиб кетди.

Шамни олиб, қаддимни кўтардим ва чаккаларим кайноқ, айни чоғда муздек терга ботганини сездим –

рухий қийноқ ва бесаранжомликдан шунақа бўлиши ҳақида эшитгандим. Бош суягим ва терим орасига гўё ўша ғайришуурий изтироблар ва таърифлаб бўлмас азобларнинг зарралари кириб олган-у, оловдек ловуллатаётган ва айни чоғда қаҳратондек музлатаётган эди.

Тонг отгунча ўғлимнинг тепасида эгилган кўйи беланчак ёнида ўтирдим, тинч ухлаганида хотиржам бўлдим, ожизона йўтал эшитилганида эса жаҳаннам азобларини бошимдан кечирдим.

У кўзлари қизариб, ёшланиб, оғир нафас олиб, юзлари оғриқдан буришиб уйғонди.

Бизга уй ишларида қарашиб турадиган хотинни дарҳол врачни чақириб келгани жўнатдим. Врач бир соатга қолмай келди ва болани кўздан кечиргач:

– Шамоллаб қолмадимикан? – деди.

Мункайиб қолган чоллардек қалтирай-қалтирай базўр пичирладим:

– Йўғ-ей, ундай эмасдир.

Бироздан сўнг сўрадим:

– Қасали нима экан? Хатарли эмасми?

– Ҳозирча билмайман. Кечқурун кириб ўтаман, – деди врач.

Кечқурун яна келди. Ўғлим кун бўйи дам-бадам йўталиб, хуш-беҳуш ётди.

Кечаси ўпкаси шамоллагани маълум бўлди.

Беш кун давом этди бу. Саҳарни оқшомдан, оқшомни саҳардан ажратувчи ўша адоқсиз соатларда қанчалар қийналганимни ифодалашга сўз тополмайман.

У ўлди...

Ўшандан бери... ўша кундан бери бир соат ҳам, ҳа, ақалли бир соат ҳам роҳат кўрмадим: қалбим тубида ёввойи ҳайвондек қамалиб ётган даҳшатли, кўрқинч хотиралар вужудимни муттасил тилкалади.

О, қанийди ақлдан озсам!..»

\* \* \*

Жаноб Пуарель де ля Вульт хужжатни ўқиб тугатганидан сўнг, одатига кўра, кўзойнагини пешонасига кўтариб қўйди, марҳумнинг сукут сақлаб, оқариб-бўзариб ва қилт этмай ўтирган меросхўрлари ўзаро кўз уриштирдилар.

Ниҳоят, нотариусдан садо чикди:

– Буни йўқ қилиш керак.

Қиз ва ўғил розилик билдиргандек бошларини қуйи солдилар. У шамни ёқди, марҳумнинг истиғфори битилган саҳифаларни мол-мулкка доир кўрсатмалар қайд қилинган саҳифалардан эҳтиёт қилиб ажратиб олиб, каминга элтди.

Учовлон оқ қоғозларнинг аланга олишини кузатдилар, ҳадемай улар ёниб битди. Қора фонда айрим-айрим ҳарфлар ҳамон оқариб кўриниб турарди, шунда марҳумнинг қизи уларни ботинкаси учи билан эзгилаб, эски кулга аралаштириб ташлади.

Бироқ фарзандлар ўтга ташланган сир гўё камин қувуридан учиб чиқиб, эл аро овоза бўлишидан хавфсирраган каби анчага довр кулга термулиб турдилар.



*Аркадий АВЕРЧЕНКО*  
(1881–1925)



## ТИРИК ТОВОН

### I

Кунларнинг бирида, сокин оқшом чоғи денгиз кўрфазида икки киши учрашиб қолишди.

Бири рассом Рюмин эди, иккинчисини эса куйида таниб оласиз.

Сохилдаги тош устида ўтирган Рюмин гоҳ оёқлари чалиша-чалиша қирғоқ ёқалаб юраётган, гоҳ бир жойда тўхтаб, каттиқ уф тортганча сувга узоқ тикилаётган нотаниш одамни хийла вақт хавотирланиб кузатди.

Бу нотаниш кишининг қалбида оғир кураш кечаётгани кўриниб турарди...

Ниҳоят, у қўл силкиди ва Рюминга ўғринча қараб олгач, эски, рўдапо камзулини ечди-да, жунжикиб ва умидсизликдан уф торта-торта сувга тушди.

– Ҳой! – кўркқанидан кичкириб юборди Рюмин дарҳол оёққа қалқиб. – Нима қияпсиз?

Нотаниш кимса қаради, қўли билан видолашгандек ҳаракат қилди ва:

– Халал берманг! Шунга қарор қилдим... – деди.

– Нимага қарор қилдингиз? Нима қилганингиз бу?!

– Сўқирмисиз нима бало? Кўрмаяпсизми, чўкиб ўлмоқчиман...

– Бу телбалик! Мен йўл қўймайман!..

Нотаниш киши кулочини ёзганча олдинга бир қадам ташлади ва:

– Менга барибир, бу дунёда кун йўқ экан менга. Ал-видо, бегона одам! Ортимдан ёзғирманг, – деди.

Рюмин ханг-манг бўлиб колди ва бир неча сониядан сўнг сўкинганича ўзини сувга отди. Ўз жонига касд қилмоқчи бўлган кимсани сувдан тортиб олиш кийинчилик туғдирмади, чунки у турган жой саёзгина эди – тиззадан сал баланд.

– Аҳмоқ! – деди Рюмин нотаниш одамни ёқасидан судраб бораркан. – Нима қиялпсиз?! Бу гуноҳ-ку, тентаклик-ку!

Жонидан тўйган киши Рюминга беҳафсала қаршилик кўрсатарди. Рассомнинг бақувват кўллари уни қумга ирғитгач, ўрнидан турди, силкиниб олди ва бошини куйи солганча Рюминга ҳўл кафтини узатди.

– Пампасов! – деди у одоб билан.

– Қанақа Пампасов? – хайрон бўлиб сўради Рюмин.

– Мен – Пампасовман. Танишишимиз керак-ку, ахир.

– Хурсандман, – ҳамон ҳаяжондан қалтираб жавоб берди Рюмин. – Менинг фамилиям Рюмин. Умид қиламанки, сиз бу бемулоҳаза қилмишингизни бошқа такрорламайсиз?

Пампасов бирдан бошини чангаллади ва оҳ-воҳ қила бошлади:

– Нега мени кутқариб қолдингиз? Сизни ким чақирди?! Шаффоф кўк тўлқинлар бағрига киришимга ҳалақит берманг... У ерда мен ҳаловат топаман!..

Рюмин уни белидан дўстона кучиб, юпатди:

– Тинчланинг... Нима гап ўзи?... Ишончим комилки, ҳаммаси ўтиб кетади... Энг оғир қайғу, энг даҳшатли изтироб ҳам, охир-оқибат, унут бўлажак...

– Ҳеч қанақа изтиробим йўқ менинг, – ғўлдиради Пампасов бошини ҳам қилиб.

– Унда нега сиз..?



– Очликдан... Ночорликдан... Эгнимга манави жандани илиб юришга мажбурлигим учун одамлардан уялганимдан...

– Бор-йўғи шунгами? – жонланди Рюмин. – Ахир, булар арзимаган нарсалар-ку! Бундай бахтсизликдан ўн дақиқада халос бўлса бўлади! Сизга уст-бош бераман, корнингизни тўйдираман.

– Садақангизга зор эмасман, – қовоғини уйди Пампасов.

– Садақа деганингиз нимаси? Топганингизда қайтарарсиз. Кетдик меникига. Уйим шу яқин ўртада.

Пампасов ўрнидан турди, ҳўл ва кир кийимларидаги кумни қокди, уф тортди ва бошини эгганча ўз халос қорига эргашди.

## II

Рюмин Пампасовга янги кўйлак берди, устахонасидаги диванни ихтиёрига топширди. Хуллас, у сигаралар, товук гўштидан котлетлар, май, нафис мовутдан камзул ва бошқа нарсаларга ошқора суқ билан қараётган ушбу бахтсиз, тақдир юз ўгирган кимсага қўлидан келганча, гўё унинг ночорлигида айбдордек, меҳрибонлик кўрсата бошлади.

Пампасов Рюминникида яшай бошлаганига бир неча кун бўлди. Бечорага чин юракдан, беғараз ёрдам беришга бел боғлаган рассом бутун шаҳарни кезиб биродарига иш қидирарди. Бир куни иккови суҳбатлашганларида у: «Биз деярли ҳамкасбмиз. Мен – ёзувчиман», деган эди, шу боис Рюмин асосан адабиётга оид иш топиб бермоқчи эди...

Икки ҳафтадан сўнг кичикроқ кундалик газета таҳририятидан шунақа иш чиқиб қолди.

– Пампасов! – остонадаёқ шодон хитоб қилди Рюмин хонага бамисоли учиб кираркан. – Суюнчи беринг! Сизга газетадан иш топдим!

Пампасов ўзи ётган дивандан секингина оёқларини туширди ва Рюминга кўз ташлагач, елка учириб кўйди.

– Газетамиш... Адабий фаолият... Ҳе-хе! Бугун бир муҳаррирнинг кўлида ишлайсан. Эртага бошқаси келадия паттангни кўлингга тутказди. Газета чиқиб турса ҳам бир нави, лекин эртага уни ёпиб кўйишса-чи?.. Сезиб турибман, Рюмин, сиз мендан қутулиш ниятидасиз...

– Ё алҳазар!.. – бақириб юборди Рюмин хижолат чекиб. – Нималар деяписиз?.. Хоҳлаганингизча яшанг, марҳамат. Зериккандирсиз, деб ўйловдим, шунга бирон иш...

– Ташаккур, – деди Пампасов тўлқинланиб. – Сизга айтишим керакки, Рюмин, меҳнат – бу менинг қисматим, ғайратталаб ва жўшқин меҳнат менга ҳаёт бағишлайди. Эҳ! – У кенг, пайдор елкаларини кериб, завқ билан хитоб қилди: – Эҳ! Ўзимни шундай қудратли сезяпманки, дунёни остин-устун қила оладиганга ўхшайман... Меҳнат! Икки бўғинли бу сўз қанчалар қудратли...

У бошини эгиб, ўйлаб қолди.

– Ўзим севган йўлдан боришни хоҳлардим... Ўзим қизиққан ишни қилсам дейман...

– Қизиққан ишингиз нима? – ботинмайгина сўради Рюмин.

– Меникими? Педагогика. Болалар орасида илм уруғларини сочиш, уларда фанга майл уйғотиш – бу шундай ажойиб, олийжаноб меҳнатки...

### III

Кунларнинг бирида Рюмин сурат чизар, Пампасов эса одатига кўра диванда ёнбошлаб китоб ўқирди.

– Зўр бериб ишламаса бўлмаяпти, – деди Рюмин тахтача устига янги бўёқлардан куяркан. – Суратларим яхши сотилмаяпти, харидорлар арзон сўрашяпти, нарибери чизишга эса виждоним йўл кўймайди.

– Ҳа, умуман рангтасвир... Аслида бу меҳнат ҳам эмас, аллақандай эрмак. Меҳнат эса энг муқаддас нарса!

Рюмин пешонасига шапатилади.

– Эсим курсин! Сизга муаллимлик иши топдим! Шартлари ҳам чакки эмас... Хоҳлайсизми?

Пампасов истехзоли кулди.

– Чакки эмас?! Ойига йигирма сўмми? Ҳе-ҳе! Икки карра икки тўрт бўлишини фақатгина мушт билан калласига қуйиш мумкин бўлган нодон чурвақалар билан куй-малашасан, денг. Қору лой кечиб шундай бўлмағур ишга қатнайманми?.. Ажойиб ғоя, нима ҳам дердим.

Рюмин анграйганидан бўёқ қорадиган тахтчасини кўлидан тушириб юборди.

– Ахир, ўзингиз айтгандингиз-ку...

– Рюмин! – деди Пампасов азоб чекаётгандек пешонасини тириштириб. – Кўриб турибман, жонингизга тегдим, сизга малол келяпман. Тўғри, сиз мени ўлим чангалидан тортиб олдингиз, ҳаётим тамоман сизнинг кўлингизда... Буюринг... Поезд ғилдираклари остига бошимни қўяйми ёки манави деразадан ўзимни отайми? Нима қилай? Аслини олганда, менинг касбим заргарлик, бу олижаноб ишни жонимдан ортиқ кўраман... Нима қилишим керак? Чораси борми? Сиздан сўрайман, менинг ўз устахонам, ускуналарим, олтин ва қимматбаҳо тошларим борми? Йўк! Ўн беш-йигирма минг сармоям бўлганида эди...

Пампасов баралла уф тортгач, ўзини диванга таппа отди ва полда ётган китобни кўлига олиб, яна мутолаага шўнғиди...

#### IV

Рюмин ўз квартирасидан ҳам, у ерга танда қўйиб олиб фақат диван билан дастурхон ўртасида бориб келадиган ва шу билан меҳнатга бениҳоя чанқоклигини қондираётган

такасалтангдан ҳам безор бўлди. У деярли сигара чекмай ва май ичмай кўйди, чунки униси ҳам, буниси ҳам собик худкуш томонидан тамом қилинар, кўйлак ва ботинкалари эса икки карра тез эскирарди, сабаби – икки тана ва тўртта оёққа галма-гал хизмат қиларди...

Бир неча кун аввал Рюмин кўчада сайр қилиб юриб истарали бир бева жувон билан танишган, шундан бери унинг кўнглини овлаб юрарди... Аёлникида бир неча марта меҳмон бўлгач, уни уйига таклиф этди ва ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган хирапашшани вақтинча бирон ёққа жўнатишга умид боғлади.

Кунларнинг бирида дўкондан бўёқ олиб қайтган Рюмин даҳлизга кирганида устахонадан шундай овозлар эшитилди:

– Ахир, мен сизни эмас, Николай Петровични йўқлаб келганман! Нарн туринг.

– Биттагина ўпсангиз нима қилибди!..

– Бўлмағур гапни айтяпсиз! Мен сизни танитайман... Қолаверса, бу ҳақда Николай Петрович билса борми...

– Уми? У келади, бурнини ҳаворанг бўёққа ботириб, палитрасини тишлаб оладию шу билан кар-соқов бўлиб қолади. Ўтакетган лакма у! Хоним! Агар менга ўпич берсангиз, дарҳол ўзингизга қайтараман. А, лаббай?

– Аҳмоқ! Нима... қияпсиз?..

Кимдир паст овозда кулди ва «чўлп» этган бўса товуши эшитилди.

«Ярамас! – тишларини ғижирлатди Рюмин. – Кўйлақларим, квартирам, нон-тузим ва асабларим камлик қилибди... Менга тегишли аёллардан ҳам фойдаланяпти!»

Рюмин ортига бурилиб кетди. Уйга кеч қайтди. Ухлаб ётган Пампасовни уйғотди-да, жаҳл билан жеркиди:

– Ҳой! Кўряпсизми, бурнимни хаворанг бўёққа бо-  
тирмаганман, тишларимда бўёқ қорадиган тахтача ҳам  
йўқ. Эртага эрталаб бу ердан кетишингиз мумкин!

– Мени нега кутқардингиз, ахир? – ажабланди Пампа-  
сов. – Ўзи кутқариб, ўзи ҳайдаяпти. Жуда соз, нима ҳам  
дердим...

У бошини ёстикқа ташлади ва бир дақиқа ўтар-ўтмас  
уйкудаги одамнинг бир текис нафас олиши эшитилди.

Рюмин Пампасовнинг башарасига нафратомуз тикил-  
ди ва тишларини ғижирлатган кўйи алам билан вишил-  
лади:

– Ух, газанда! Бошингга бир солайми...

## V

Эрталаб Пампасов кувноқ, хурсанд бўлиб уйғонди,  
кечаги гапларни буткул унутганди.

– Уйғондиларми? – деди сурат қаршисида турган Рю-  
мин. – Кеча айтган гапларим ёдингиздами? Туёғингизни  
шиқиллатинг.

Пампасовнинг ранги оқариб кетди.

– Жиддий... айтяпсизми? Бундан чикди... сиз мени  
яна сувга итармоқчисиз?

– Марҳамат қилсинлар! Сизни сувдан тортиб  
чиқараман деб кўзим учиб тургани йўқ. Иннайкейин, сиз  
ўзингизни чўқтирмайсиз!..

– Чўқтирмайман?! Кўрамиз хали!

Пампасов Рюминнинг тунд, қатъий қиёфасига бир  
қараб олди-да, бошини қуйи солганча кийина бошлади.

– Алвидо, Рюмин! – деди у тантанавор. – Менинг  
ўлимимга сиз жавобгар бўласиз.

– Бажонидил! Чўкиб ўлишингизни томоша қилиш  
учун сиз билан бирга бораман.

Бирга чикдилар.

Кўрфазда сайр қилиб юрган бир неча кишининг қораси кўринарди. Сув бўйига етганларида Пампасов Рюминга ўгирилиб, қуруқ овозда сўради:

– Хуллас, сувга киришим керакми?

– Шундай.

Рюмин совуққонлик билан нари кетди ва тош устига ўтириб, гўё ўзини уни кўрмаётганга солди... Пампасов эса гандираклар, оёқлари чалиша-чалиша соҳил бўйлаб юра бошлади. У ҳар замонда тўхтар ва сувга маъюс тикилиб, қаттиқ уф тортарди. Ниҳоят, у қўл силкиди, унга яқинлашиб қолган кишиларга ўгринча қараб олди-да, камзулини ечди ва жунжикканча сувга кирди.

– Нима қияпти у? – кўрққанидан қичқириб юборди сайр қилиб юрганлардан бири. – Бу аҳмоқлик-ку! Йўл кўймаслигимиз керак.

Рюмин ўткинчилардан бири Пампасовга томон югурганини, тиззагача сувга ботиб ёнига борганини ва ўз жонига қасд қилувчини қирғоққа судраганини ўз кўзи билан кўрди. Кейин шериги ҳам келди, учовлон бир нималар устида баҳслашишди... Воқеа шу билан тугадики, икки бегона одам Пампасовни қўлтиғидан тутиб, юпата-юпата ўзлари билан олиб кетишга чоғланишди.

Улар Рюминнинг ёнидан ўтиб кетишар экан, рассомнинг қулоғига таниш сўзлар эшитилди:

– Садақангизга зор эмасман!..

## ЯККАМОХОВ

– Унга шу қадар ачинаманки... Доим ёлғиз, у билан деярли ҳеч кимса гаплашмайди, қизикмайди... Лекин кўринишидан туппа-тузук, боадаб киши, ахир, у бизга халал бермайди-ку! У ҳам менга ўхшаган банк хизматчиси. Бугунги зиёфатга уни таклиф этдим. Қарши эмас-

мисан, азизам? – деди бухгалтер Казанликов рафиқасига маъюс боқиб.

– Марҳамат! – жавоб берди хотини пича ажабланиб. – Хурсанд бўламан.

Меҳмонлар соат ўнда жам бўлишди. Чой ичишди, мезбонни исм куни<sup>1</sup> билан табрик этишди ва ёш жуфтлик – бухгалтер Казанликовнинг синглиси ҳамда унинг қаллиғи, талаба Аничкинга ҳазил-мутойиба қилишди.

Соат ўнда Казанликов ва хотинининг суҳбатига мавзу бўлган ўша одобли жаноб ҳам ташриф буюрди. У баланд бўйли, гавдаси ҳам типпа-тик киши бўлиб, сочлари пўлатдан ясалган чўткадек доимо тиккайиб турадиган, қаттик, аммо сийрак, қуюқ қора қошлари ажаблангандек керилиб турарди. Эғнидаги қора сюртук тугмалари охиригача қадалган, босиқ ва мулойим, лекин таъсирли гапирар, суҳбатдошини ўзини эшитишга мажбур этарди.

Чойни ром билан ичар экан. Икки стакан чой ичгач, учинчисини рад этди ва мезбонга илтифот юзасидан нигоҳ ташлагач, сўради:

– Болаларингиз борми?

– Кутяпмиз! – жилмайди Казанликов дик этиб ўрнидан турган ва яққол туртиб чиққан қорнини кичрайтириб кўрсатмоқчи бўлгандек ҳаракат қилган хотинига хижолатомуз ишора қилиб.

Ёлғиз жаноб виқор билан беканинг қорнига разм солди.

– Кутяпмиз денг? Ҳа... Ҳм... Бола туғилиши хавфли нарса.

– Нега? – ҳайрон бўлди Казанликов.

– Хавфли бўлмай нима? Бунақа ишлар кўпинча ўлим билан якун топади. Туғруқ вақтида безгак ёки бошқа бирон дард тутса борми, тамом деяверинг!

---

<sup>1</sup> *Исм куни (день ангела)* – айрим наслоний халқларда исм қўйилган кун байрам сифатида нишонланади.

Казанликов ўлганнинг кунидан жилмайди.

– Начора, ҳаммаси хайрли тугайди, деб умид қиламиз. Пахлавондек, дўмбоққина ўғилчамиз бўлади... Хе-хе!

Ўлғиз жаноб терлаган кафти билан бошидаги қоп-қора, сийрак аммо тик қора сочларини силаркан, ўйланиб қолди.

– Ўғилчаммиш... Ҳм... Ҳа, ўғил болалар ҳам, биласизми... кўпинча ўлик туғилади.

Мезбон елкасини қисди.

– Камдан-кам ҳолларда шундай бўлади.

– Камдан-кам? – эътироз қилди меҳмон. – Йўқ, бунақа ҳоллар кам бўлмайди. Баъзи аёллар мутлақо фарзанд кўролмайдилар... Организмлари йўл қўймайди. Мана, сиз, хоним... Болангизнинг дунёга келиши сиз учун охири қайғули бўлган жуда жиддий хавф-хатар туғдирадими деб кўркаман...

– Бу нимаси, бошқа гап қуриб қолганми, жаноблар? – деди амалдор Фитилевнинг хотини. – Ҳеч қанақа нохушлик бўлмайди. Ҳали сиз, – у Ўлғиз жанобга мурожаат қилди, – чақалоқни чўқинтириш маросимида ҳам кайфу сафо қиласиз!

Ўлғиз жаноб ҳасрат билан бошини чайқади.

– Худо насиб этсин. Аммо гоҳида шундай бўладики, бола дуппа-дуруст вояга ета бошлайди, сўнг бирдан ўлиб қолади. Бола организми жуда мўрт, нозик... Шамол эсиб, чангми ё бошқа нарсаними учириб келади, тамом. Болалар ўлими статистикасига кўра...

Казанликовнинг хотини меҳмоннинг босиқ ва назо-катли гапларини ранги оппоқ оқариб, юзлари кўрқувдан буришиб тинглаб ўтирарди.

– Э, қўйинг ўша статистикани! Менинг уч фарзандим бор, бари соғ-саломат, – унинг сўзини бўлди Фитилевнинг хотини.

Меҳмон лутф билан табассум қилди.



– Бу вақтинча, хоним, вақтинча. Дарвоқе, шаҳарда бўғма тарқалганини эшитдингизми? Болакай бемалол ўйнаб юради, шўхлик қилади ва бирдан йўтала бошлайди... Томоғида нўхатдай қизиллик пайдо бўлади... Бир қарашда ҳеч ваҳимали жойи йўқдек...

Фитилевнинг хотини титраб, кўзларини катта-катта очди.

– Вой, ўлмасам! Кеча оқшом менинг Серёжкам ростдан ҳам бир-икки марта йўталгандек бўлувди-я...

– Ана, кўрдингизми? – Бош ирғади меҳмон. – Эрка ўғилчангиз бўғмага чалинган бўлса, бунинг сираям ажабланарли ери йўқ. Умуман, ҳозирча тинчланинг, чунки бу бўғма бўлмаслиги ҳам мумкин. Балки у қизилча билан оғригандир. Кеча йўталди, дедингизми? Ҳм... Дарвоқе, агар у алоҳида ажратилган бўлмаса, бошқа болаларингизга ҳам осонгина юқтириши мумкин...

Бўздек оқариб кетган Фитилевнинг хотини оғзини очар ва юмар, аммо лоқал битта сўз айтишга мажоли қолмаганди.

– Сиз кўпам ҳаяжонланманг, – юпатди уни меҳмон. – Қизилча ҳар доим ҳам ўлим билан тугайвермайди. Баъзида у шунчаки эшитиш аъзоларига таъсир этиб, қар қилиб қўяди ёки буниси, албатта, бир оз хавфли – ўпкани ишдан чиқаради.

– Қаёққа отландингиз? – хадиксираб сўради Казанликовнинг хотини Фитилева хоним қалтироқ қўллари билан шляпасини ғижимлаётгани ва тишини тишига кўйганча шляпа тўғноғичини бармоқларига суқаётганини кўриб.

– Мени кечиринг, жонгинам, аммо... даҳшатга тушяман. Эҳтимол... Серёжка... ростдан ҳам бетобдир.

Аёл меҳмонлар билан хайрлашишни ҳам унутиб, эшикни тарақлатиб ёпдию ғойиб бўлди.

Ёлғиз жаноб ром кўшилган чойини майда хўплаб ичар ва ҳар замонда қаршисида ўтирган талаба Аничкин ҳамда унинг қаллиғига қараб кўярди.

– Қайси факультетда ўқийсиз? – сўради у чап кўзини билинар-билинимас қисиб.

– Ҳуқуқшунослик факультетида.

– Аҳа! Шундай денг... Ўзим ҳам бир маҳаллар университетда ўқиганман. Ёшларни севаман. Аммо очик сўзлаганим учун маъзур тутинг: ҳуқуқшунослик маълумотидан наф чиқиши гумон.

– Нега энди?

– Ҳозир тушунтираман. Мана, сиз, ўқияпсиз, роса тўрт йил ўқийсиз, тўғрими? Ахийри, бир кун тамомлайсиз, агар орада бирон кўнгилсизлик рўй бериб ҳайдалмасангиз... Хўш, кейин-чи? Амалиётингиз бўлмагани ҳолда адвокатга ёрдамчи бўласизми ёки қирқ сўм маошлик жой бўшашини кутиб темирўл бошқармасида текинга ишлаб юрасизми? Турган гапки, бунақа вазиятда уйланишдек хатога йўл кўймайсиз, аммо...

Талаба айбдорлардек ер сузди ва жилмайди.

– Мен айнан уйланмоқчиман. Мана, таништиришга рухсат этинг, қаллиғим.

– Демак, уй-лан-яп-сиз, – деди ёлғиз жаноб ҳасратли товушда маънодор чўзиб. – Ана холос! Начора, оймиз... Сизларга бахт ва поёнсиз фаровон ҳаёт тилайман. Ҳар ҳолда, оилали талабалар қандай яшашини кўрганман: олтинчи қаватда торгина хона, парда орқасида касал чақалоқ. Ҳа, айнан касал! Нобоп турмуш туфайли барвақт қариётган, озгин, қайғули хотин, очлик ва омадсизликдан силласи қуриган эр... Албатта, хайрли истиснолар ҳам бор: чақалоқ ўлиб қолиши, хотин эса келишган кўшни эркак билан қочиб кетиши мумкин, аммо бу, афсуски, камдан-кам ҳолларда юз беради... Кунларнинг бирида эр пальтосини гаровга кўйиши учун хотинини

ломбардга жўнатади, ўзи эса камарини шипдаги илгакдан ўтказадую шу билан...

Хонага оғир сукунат чўқди.

Талаба жунжикканча нарироқдаги стулга бориб ўтирди, қушчалар кафасига қаттиқ тикилиб ўтирган қаллигининг эса кўзларида ёш томчилари йилтирар ва бу томчилар тўлқинланаётган кўкракка думалаб тушиши билан ўрнини янгилари эгалларди...

– Кўйинг бунақа гапларни, – оғзини қийшайтириб тиржайди бухгалтер Казанликов. – Келинглар, ёқимли нарсалар ҳақида сўзлашайлик.

– Сиз ҳаётга жуда маънос ва бирёқлама қарар экансиз, – деди солиқчи амалдор Тюляпин. – Мана, масалан, мени олайлик: яхши кўриб уйланганман ва хотиним билан бахтиёрман. Оиламиз тузук таъминланган, эр-хотин жуда иноқмиз... У менга ҳеч ҳам озор бермайди... Мана, бугун унинг боши оғриётганди, хурматли мезбонни табриклагани келолмади, аммо «Лоақал сиз боринг», деб қаттиқ туриб олди...

Ёлғиз жаноб шубҳа билан бош чайқади:

– Эҳтимол... эҳтимол... Лекин мен негадир бахтиёр оилаларни кўрмадим. Вафодор, эрини севадиган хотинлар, бу шундай нодир нарсаларки, уларни музейларга қўйиш керак... Ҳаммадан даҳшатлиси, – у ковоғини уйганча бақрайиб қараб турган талабага юзланди, – хотин қанча мулойим, сертакаллуф бўлса, билингки, у зимдан эрига шунча катта кулфат келтиради.

– Менинг хотиним ундай эмас! – хафа бўлиб гўлдиради солиқчи.

– Ишонаман, – виқор билан бош ирғади меҳмон. – Мен умуман айтдим. Умрим давомида хотинлари ҳақида тўлқинланиб, кўзлари ёшланиб гапирадиган неча-неча одамларни кўрдим, аксар ҳолларда бу гаплар бир неча

соат бурун ўша хотиннинг кучоғида ётган бегона эркак хузурида айтиларди...

– Бўлди-да энди, нималар деб алжираяпсиз! – бирдан кичкириб юборди солиқчи Тюляпин.

– Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг! Бир пайтлар аллақандай адвокатнинг уйида ижарада яшардим. Унинг хотини «Тобим йўқ, ётмоқчиман» деган баҳонада ҳар оқшом эрини клубга бориб кўнглини хушлашга қистарди. Гўё, ишлаб чарчаган эрига раҳми келгандек. Эрини силаб-сийпалар, ҳаётим чироғи деб атарди. Тентак эр клубгами, бошқа гўргами кетгани заҳоти жавондан жазмани, хотинларнинг ўйнаш яширадиган жойлари кўп, чиқиб келар ва икковлари эҳтирос билан ўпиша бошлашарди. Мен буларни деворнинг нариги ёғидан эшитардим.

Солиқчи оқариб-бўзариб ўтирар, зўрға нафас оларди... У худди шу бугун хотини «ҳаётим чироғи» деб уни эркалагани, ишга берилиб дам олишни унутгани ҳақида ачиниб гапирганини эслади. Тюляпин тура солиб уйига югуришни хоҳлар, аммо бундай қилиш ўнғайсиз эди.

Ошхонадан йиғидан кўзлари қизариб, каловланиб Казанликовнинг хотини чиқди ва кечки овқат тортилганини маълум қилди.

Ғамгин кайфият бироз аригандек бўлди. Барча ўрнидан турди, юзлар ёришиб, енгил шовқин-сурон кўтарганча ошхонага йўл олдилар.

Қадахлар тўлдирилганда ёлғиз жаноб турди:

– Муҳтарам базм сабабчисини муборакбод этишга ижозат берсангиз. Худо унга яна ўн-ўн икки йиллаб умр ва бир этак бола-чақа ҳадя этсин!

Қадах сўзи жуда ҳам зўр чиқмаган бўлса-да, ҳамма ичди.

– Иккинчи қадахни, – тантанавор деди ёлғиз жаноб, – бўлғуси тўнғич фарзандингиз шарафига кўтараман.

Бўлажак она гул-гул яшнаб кетди ва ёлғиз жанобга шундай нигоҳ ташладики, гўё у меҳмоннинг аввал айтган барча совуқ гапларини кечирришга тайёрдек эди.

– Бўлажак ўғлингиз учун ичаман! Рост, болалар ҳар доим ҳам қобил бўлаверишмайди. Тўққиз ёшидан отасининг пули ва шаробини ўғирлай бошлаган бир болани билардим, яна ўзига энагалик қилган қари кампирнинг қорнини ёриб ташлаган ўн тўрт яшар ўспиринни ҳам кўрсатишган менга, кейин уни қамокқа олмоқчи бўлишганида, икки миршабни револьвердан отиб ўлдирган эди... Лекин, ҳар қалай...

– Қўйинг, яхшиси тамадди қилинг, – маслаҳат берди мезбон хўмрайиб. – Манави ажойиб сёмга балиғидан олинг, бодрингдан татиб кўринг...

Меҳмон одоб билан миннатдорлик билдирди ва сёмга балиғини талабанинг қаллиғи томонга сурди:

– Куни кеча бир танишим балиқдан заҳарланиб ўлди. Худди шунақа сёмга балиғидан еган экан...

– Сёмга егим келмаяпти, – деди қиз. – Колбаса тузук.

– Марҳамат, – илтифот қилиб колбаса узатди меҳмон. – Балиқдан кўра трихиндан заҳарланиш кўпроқ учрайди. Яқинда газетада ўқиб қолдим: бир кампирни касалхонага элтишибди, сил бўлган деб ўйлашибди, ёриб кўришса, чўчка трихинлари урчиб ётганмиш...

Солиқчи амалдор хайр-хўшлашиб, Казанликовларникидан чиққан пайтда ёлғиз жаноб мезбонга таъзим қилиб, ажойиб меҳмондорчилик учун миннатдорлик билдириб бўлган ва коронғи, чироқ хирагина ёниб турган зинапоядан пастга тушаётган эди.

Солиқчи Тюляпин овқат устида ўзини алланечук ғалати тутди, кўп ичди. У ёлғиз жанобга етиб олди ва елкасидан тутиб, чайқала-чайқала дўк урди:

– Сиз, иблис тилка-пора қилгур, ҳали хотинлар ҳақида нималар деб вайсадингиз... Ҳозир мен манави таёқ би-

лан каллангизга соламан, бунақа гапларнинг охири вой бўлишини билиб оласиз.

Ёлғиз жаноб унга ўгирилди ва сал-пал кунишди, аммо пинагини ҳам бузмади:

– Таёғингиз йўғонгина экан, бунинг устига, темирдан... У билан бошимга урсангиз, ўлдирасиз. Менга-ку ҳеч бало бўлмайди, чунки ўликман, лекин сизни қўлга олиб, Сибирга сургун қилишади. Хотинингиз қашшоқликда қолиб абгор бўлади, сиз эса сургун шароитига чидай олмай ўзингизга сил орттирасиз... Болаларингиз хар ёкқа дайдиб кетади, киссавурларга қўшилади, онангиз эса жиноят қилганингиздан хабар топганида юраги ёрилиб ўлади... Шунақа!



*Эрих Мария*  
**РЕМАРК**  
(1898–1970)



## ДУШМАН

Синфдош дўстим лейтенант Людвиг Брайердан «Урушда ўз кўзинг билан кўрган қайси воқеа хотирангдан ўчмас бўлиб сақланиб қолган», деб сўраганимдан ундан Верден, Сом ёки Фландриядаги жанглар ҳақида эшитаман деб ўйлагандим. Зотан, у бу фронтларнинг ҳаммасида бўлган, энг оғир жангларда қатнашган эди. Бироқ у мени ажаблантириб тамоман бошқа воқеани сўзлай бошлади.

«Хотирамга мухрланган ҳодисалар кўп, аммо қалбимга сира ўчмас бўлиб ўрнашган воқеа бизни фронт ортига, олдинги чизикдан олис француз кишлоқчасига жўнатишганида бошланган эди. Жангда биз жуда қалтис жойда ҳимояни сақлаб, артиллериянинг тинимсиз ўқлари остида қолиб кетдик, шу боис бизни фронтдан анча узок жойга жўнатишди, чунки катта талафотлар бергандик, қайтадан куч тўплашимиз керак эди.

Августнинг ниҳоятда ёқимли, қалбга роҳат бағишлайдиган кунлари эди. Инжилда тасвирлангандек, гўзал ёз кунлари, худди бир пайтлар Шампандаги ертўлалардан бирида ўлжа қилганимиз кўҳна шароб каби сархуш қиларди бизни. Уст-бошимизни битдан тозалаб олдик: баъзиларимизга яп-янги ичкийим тарқатишди, бошқалар эса кўйлақларини қозонга солиб, обдан қайнатдилар; ҳамма ерда озодалик ҳукмрон эдики, бунинг фусункор гўзаллигини кир-чирга ботиб юрадиган аскаргина те-

ран хис қила олади. Болалигимда онам каттакон ваннада чўмилтиргач, крахмалланган, мазали ширинкулча хиди таралиб тургандек топ-тоза кийимларни кийдирган осуда кунлардаги каби ёқимли хис эди бу.

Аскар бўлгач, табиатга бошқалардан кўра ўзгача кўз билан қарайди киши. Ўша август кунлари шафқатсиз ўлим ёқасидаги даҳшатли турмуш шароитларида оёғимизга тушов бўлган минглаб тақиқ ва мажбуриятлардан халос бўлдик; дам олиш дақиқалари ва соатларида шунчаки ҳаётнинг ўзи ҳақида, тириклигимизни, тўрт мучамиз бутлигини, борлиқни кўра олишимизни, нафас олаётганимизни ва эркинлигимизни ўйлаб қувончимиз ичимизга сиғмай кетди.

Ботаётган куёш шуълаларидан чароғон дала, ўрмоннинг кўкимтир кўланкаси, терак баргларининг шитир-шитири, шаффоф сувли сойнинг югургилаб оқиши – бари таърифлаб бўлмас қувонч бахш этарди; бироқ ич-ичимизда қамчи ёхуд тиканак сингари азоб бераётган бозиллаган оғриқ бор эди барибир: чунки буларнинг бари талай соатлардан сўнг, талай кунлардан сўнг ўтиб кетишини ва ўлимнинг дўзахмонанд манзаралари билан муқаррар алмашинишини билардик. Бахт, дард, дилгирик, қайғу, зерикаш ва умидсизлик омухтаси бўлган бу хис дам олаётган ҳар бир аскарга бегона эмасди.

Кечки овқатдан сўнг бир неча ўртоғим билан қишлоқдан ташқарига чиқдим. Узоқ юрдик, деярли гаплашмадик; кўп ойлардан сўнг биринчи марта қайфимиз чоғ эди ва кўзимизга тикка тушаётган шом куёши тафтидан баҳра олардик. Ҳадемай теварагига соқчилар қўйилган, тўсиқ билан ўралган кенг майдоннинг ўртасидаги чоғроқ, кўримсиз фабрика биносининг рўпарасидан чиқдик. Бино ҳовлиси Германияга жўнатишларини кутаётган асирларга тўла эди.



Соқчилар йўлимизни тўсишмади, биз бемалол томоша қила бошладик. Бу ерда бир неча юз француз асир жойлаштирилган эди. Улар ўтиришар ёки ётишар, чекишар, ўзаро сўзлашишар ёки бошларини осилтирган кўйи мизғишарди. Худди шу манзара менга катта сабоқ бўлди. Шу пайтгача душман хандақларида биқиниб ётадиган одамлар – ғанимларимиз тўғрисидаги тасаввурларим чала, узуқ-юлуқ, тарқоқ, бир сўз билан айтганда, мавҳум эди. Ахир, милтиқ ўқлари ва қўл гранаталари ёмғири остида, тиканли сим оша – бруствер<sup>1</sup> четидан бир онга кўринган каска ёки кимнингдир шарт узади, сўнг бир зумда ғойиб бўлган қўли ёхуд ҳавода бир лаҳза муаллақ қотган бўз-мовий кийимли гавдаси – барчаси қарийб душманлар ҳақидаги мавҳум нарсалар эди.

Энди эса илк бор асирларни, асир бўлганда ҳам – ўтирган, чўзилиб ётган, чекаётган асирларни – қуролсиз французларни кўриб турардим.

Кўққисдан қараётган бўлиб қолдим. Мени оддийгина бир фикр эсанкиратиб қўйганди: улар ҳам бизга ўхшаган одамлар экан-ку!? Бироқ факт фактлигича қолади – Худо шохид, жуда ғалати факт – илгари ҳеч қачон ақлимга келмаганди бу фикр. Французларми? Душманмиз-ку улар! Битта қўймай кириб ташлаш керак уларни, чунки Германияни маҳв этишмоқчи! Аммо ўша август оқшомида мен бир мудҳиш сирни англадим – қурол жодуси сирини. Қурол одамларни ўзгартираркан. Атрофимизда хотиржам, тинчгина ўтирган бу ювош кишилар, бу фабрика ишчилари, қора меҳнаткашлар, юқори синф ўқувчилари, агар бирдан қўлларида қурол пайдо бўлса, дарҳол яна бизнинг душманмизга айланган бўлурадилар.

Бошида бизга ёв эмасди улар: қурол олганларидан сўнг душманга айланишганди. Худди шу нарса мени та-

---

<sup>1</sup> Окоп тепасига уюлган тупроқ, окоп олдидаги ясама дўнглик.

факкур қилишга мажбур этди, бироқ мантиғим нотўғри бўлиши мумкинлигини тан олардим. Аммо «Айнан курол-яроғ уруш оловини ёқади», деган фикр мудом таъкиб этарди мени. Дунёда шу қадар кўп курол тўпланганки, охир-оқибат, улар одамлардан устун келиб, уларни ўзаро душман қилганди...

Анчадан кейин, Фландрияда яна шунақа ҳолатни кузатганман: жанг пайтида темир куроллардан фойдаланиш, ўққа тутиш авжига чиқса, бу жараёнда инсоннинг кадр-қиммати қолмас экан. Одамлар куроллар кучларидан жазавага тушиб, бир-бирини йўқ қилишга телбаларча ташланишади. Бундай пайтда ҳар қандай одам, бордию, икки ёвлашган томондаги барча тирик жон қирилиб битган тақдирда ҳам, курол-яроғлар, то бутун жаҳонни йўқ қилмагунча урушни тўхтатмаса керак, деб ўйлаб қолиши аниқ. Бироқ бу ерда, фабрика ховлисида сену менга ўхшаган одамларни учратгандим. Ва биринчи бор англаб етдим: мен одамлар билан жанг қилаётган эканман! Ўзим сингари жарангдор шиорлару курол сеҳрига лаққа тушган, хотини ва болалари, ота-онаси ва касбкори бор одамлар билан. Улар сабаб бўлиб менинг фикрим равшанлашган эди. Балки уларнинг ҳам мен каби кўзлари очилиб, ён-атрофга аланглаб, «Биродарлар, биз нима қилмоқдамиз?! Бунинг нима зарурати бор?!» дея бир-бирларига савол беришаётгандир.

Бир неча ҳафтадан сўнг биз яна фронтга отландик. Бу сафар – бироз тинчроқ жойга тушдик. Французларнинг олдинги марраси бизга хийла яқин, лекин позициялари пишиқ-пухта ҳимояланган эди. Хуллас, бу ерда душман билан қир-пичоқ жангларга кирмадик. Ҳар куни эрталаб, роппа-роса еттида икки томон артиллериячилари саломлашган каби бир-бирларига ўқ ёғдиришарди. Кейин чошгоҳда тагин кичикроқ салют ташкил қилинар, кечга яқин охирги марта шу йўсин «хайр-маъзур» қилишарди.

Биз истехкомларимиз ёнида куёш нурларига чўмилардик, кечалари эса ҳатто этикларимизни ечиб, бафуржа ухлардик.

Кунларнинг бирида бетараф майдоннинг нариги томонида, бруствер устида кўкқисдан «Attention!»<sup>1</sup> деб ёзилган бир бўлак фанер кўтарилди. Ҳайратдан фанерга қанчалар чакчайганимизни тасаввур қилавер. Ўйлай-ўйлай, ҳозир зўр, одатдагидан ваҳималироқ артиллерия ҳамласи бўлса керак, деган фикрга келдик, кўпчилик снарядларнинг дастлабки хуштаклари эшитилгани ҳамон ҳандақ қаърига сингиб кетишга шайлана бошлади.

Бироқ атроф тинч эди. Фанер бўлаги ғойиб бўлди, бир неча сониядан сўнг эса учига бир кути сигарет боғланган куракчани кўрдик. Французчани чала-чулпа биладиган ўртоқларимиздан бири топография хариталари солинадиган катта планшетга гуталин<sup>2</sup> билан ёзди: «Compris»<sup>3</sup>. Планшетни душманга кўринадиган қилиб кўтардик. Шунда нариги тарафда сигарет боғланган куракчани у ёқдан бу ёққа силкита бошлашди. Биз ҳам планшетни силкитдик ва бир парча оқ матони намоиш этдик – у шу паллада битини териб ўтирган обер-ефрейтор Бюлернинг кўйлаги эди.

Бироз вақт ўтгач, у ёқдагилар ҳам оқ мато кўтаришди, камига – каскани ҳам кўшишди. Биз кучимиз борича кўйлакни силкитиб сигнал бердик, ундаги ҳамма битлар ёмғир ва шамолда тўкилиб кетгандир-ов. Ниҳоят, у томонда пакет тугган кўл кўриниб, аллақандай француз эҳтиёткорлик билан тиканли сим орасига суқилди; у секин-аста биз томонга эмаклар ва аҳён-аҳёнда дастрўмолини силкитганча юзида кўркув аралаш ку-

---

<sup>1</sup> «Диккат!» (фр.)

<sup>2</sup> Этик мойи.

<sup>3</sup> «Тушундим» (фр.)

ларди. Оралиқдаги майдоннинг тахминан ўртасига етганида у тўхтади, пакетни ерга қўйди, беш-олти марта унга бармоғини нуқиди, яна кулди, бош ирғади ва эмаклаганча изига қайтди.

Булар бари хаддан зиёд ҳаяжонга солди бизни. Ҳаяжонга болаларга хос бўлган, тақиқланган ишни қилиш иштиёқи ҳам қўшилди, биз кимгадир ҳазил қилмоқчига ўхшардик гўё; қолаверса, шунчаки тезроқ пакет ёнига бориб, ундаги ширинликларними ёки бир қути сигаретними қўлга киритгимиз келарди.

Қалбимизда жиндек эркинлик, мустақиллик, дўстлик ва барча ўлим механизмлари устидан ғолиблик руҳи ҳам пайдо бўлди. Шундай ҳисни мен ўшанда, асир французлар қаршисида турганимда чуқур инсоний бир туйғу қалбимга музаффарона ёриб кириб, «душман» ҳақидаги ибтидоий тушунчаларимни янчиб ташлаган дамда ҳам туйгандим. Энди эса бу зафарга ўз ҳиссамни қўшишни хоҳламоқда эдим.

Биз шоша-пиша бир нечта совға-салом ҳозирладик, умуман олганда, майда-чуйда нарсалар эди бари, чунки нейтрал ҳудуднинг нариги ёғидагилардан фарқли ўлароқ, бизнинг суробимиз тортилиб қолганди. Шундан сўнг тагин қўйлақ билан сигнал йўлладик, дарров жавоб қайтаришди. Мен оҳиста юқорига ўрмалай бошладим. Бошим ва елкам қарийб хандақдан чиқди. Сенга очигини айтаман, жуда беҳузур бўлдим: химоясиз, мана мен, дегандек бруствердан чиқиб турибман – тап-тайёр нишон!

Кейин тўппа-тўғрига эмаклардим, шундагина фикрларим буткул ўзгарди, гўё ёмон фикрларни биров миямдан сўриб олгандек эди. Жуда ғалати ва мароқли вазият эди: ичимда мисли кўрилмаган шодлик кўпириб-тошаётганини ҳис қилардим. Хурсанд эдим, кула-кула, дадил эмаклардим.

Тугунчани кўйдим ва улар қолдирган тугунчани олиб, изимга бурилдим. Шу маҳал миямда гўё тинчлик завқи бир лаҳзада кунпаякун бўлгандек ҳолат юз берди. Ортимдан юзлаб милтиқларнинг оғзи менга қаратилгандек даҳшатли бир туйғуни ҳис қилдим. Бу мени қаттиқ кўрқувга солди, аъзойи баданим жикқа терга ботди. Лекин ўзимизникилар ёнига соғ-саломат етиб бордим ва ўпкам оғзимга текилгудек бўлиб ҳандақ ичига ағанадим.

Эртаси куни мен бу ишга анча кўникиб қолгандим; бора-бора «олди-берди»ни хийла соддалаштирдик ва ҳандақларимиздан галма-гал эмас, балки бараварига ўрмалаб чиқадиган бўлдик. Занжирдан бўшатишган икки олапар каби бир-биримизга томон эмаклар ва совға алмашиб қайтардик.

Илк дафъа бир-биримизнинг кўзларимизга боққанимизда паришон жилмайдик, холос. Анов француз аскарлари ўзимга ўхшаган ёшгина йигит экан, йигирмаларда бордир, ундан ортиқ эмас. Бу ўйин унга жуда ёқаётгани юзидан сезилиб турарди. «Bonjour, camarade»<sup>1</sup> деди у, мен буткул эсанкираб қолдим ва икки марта тақрорладим: «Bonjour, bonjour», сўнг учинчи марта ҳам айтдим ва бош ирғаб қўйиб, шошилганча ортга қайтдим. Биз муайян вақтларда учраша бошладик ва олдин сигнал бериб огоҳлантириш таомилидан воз кечдик – бу ёзилмаган тинчлик сулҳи шартларига икки томон ҳам бекам-кўст амал қиларди. Бир соатдан сўнг эса, бурунгидек, яна бир-биримизни ўққа тутардик. Бир куни мен билан совға айирбошлаган француз йигит кўрка-писа қўлини узатди ва биз саломлашдик. Турган-битгани ҳангома, ўлай агар.

Бунақа воқеалар фронтнинг бошқа участкаларида ҳам юз бераркан. Юқори кўмондонлик хабар топиб, «Бунақа ишлар қатъиян ман этилади, зотан,

---

<sup>1</sup> Салом, оғайни (*фр.*).

алоҳида ҳолларда шуни деб ҳарбий ҳаракатлар режими бузилмоқда», деган мазмунда буйруқ чиқарибди. Бирок биз парво ҳам қилганимиз йўқ.

Ажойиб кунларнинг бирида фронтимизга аллақандай майор келиб, шу тўғрида ротамизга узундан-узоқ ваъз ўқиди. Жонкуяр ва серғайрат зобит экан, курғур, фронтнинг олдинги маррасида кечгача қолмоқчилигини айтди. Таассуфки, у биз совға алмашишга чиқадиган жой яқинига ўрнашиб олди ва бу ҳам етмагандек, милтиқ беришларини талаб қилди. Жуда ёш, жасорат кўрсатишга ишқибоз экан майор.

Нима қилишни билмасдик. Нариги томондаги ўртоқларимизга белги бериш имкони йўқ эди, қолаверса, душман билан бунақа ўйин қилаётганимиз учун жойимизда отиб ташлашларидан хавфсирардик. Соатимнинг дақиқани кўрсатувчи кафгири секин-аста айланишда давом этарди. Қимирлаган жон йўқ эди ва биз ҳаммаси хайрли тугайди, деб умидландик.

Майор, шубҳасиз, фронт чизиғи бўйлаб давом этаётган биродарлик муносабатларидан хабардор эди-ю, бироқ биз бу ерда нималар билан шуғулланаётганимиз тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасди. Жин ургурнинг айнан бизга, яна-тагин шундай топшириқ билан келганини қара. Омад юз бургани шу-да!

Мен унга: «Беш дақиқадан кейин у ёқдан кимдир келади. Унга ўқ узмаслик керак, бизга ишонади», десаммикан деб оғиз жуфтладим. Бироқ журъатим етмади, барибир бундан наф чикмасди. Шундай деганимда, у хандакка биқиниб атай уни пойлаган бўларди, индамасак, балким, бир иложи топилиб қолар, эҳтимол, ўзи кетар. Қолаверса, Бюлер қулоғимга шипшиб, нариги брустверга бориб, милтиқ билан «Тегмади!» (мерганлик машқида ўқ нишонга тегмаган пайтларда милтиқ билан ҳавода чизик тортиб сигнал берилади) ишорасини қилганини ва улар

жавоб беришганини, хуллас, чиқиш мумкин эмаслигини тушунишганини айтди.

Бахтга қарши, кун совуқ эди, майдалаб ёмғир ёғарди. Қош қорая бошлади. Тайинланган учрашув вақтидан чорак соатча ўтди. Хавотиримиз сал босилди ва биз эркин нафас олдик. Бир маҳал нигоҳим муаллақ қотди; тилим шишиб, оғзимни тўлдиргандек эди. Қичқирмоқчи бўлардимۇ оғиз очолмасдим. Умидсизликдан қўл-оёғим шол бўлгандек бетараф худуд оша қарарканман, оҳиста кўтарилган қўлни ва кимнингдир шарпасини илғадим. Бюлер бруствер ёнидан зир югурар ва огоҳлантирувчи белги бермоқчи бўлиб пайт пойларди. Бироқ ғишт қолипдан кўчганди – майор ўқ узишга улгурди. Кимдир ингичка овозда қичқирди, шарпа ғойиб бўлди. Бир зум даҳшатли сукунат чўкди. Яна бир-икки сониядан кейин юзлаб товушдан иборат ҳайқирикни эшитдик. Қақшатқич жанг бошланди. «Отинглар! Улар хужумга ўтишяпти!» бақирди майор.

Шунда биз ҳам ўт очдик. Телбалардек, милтиқларимизни пешма-пеш ўқлаб отардик, бу мудҳиш онлар тезроқ ўтиб кетса бас, деб ўйлардик. Бутун фронт жонланди, артиллерия енг шимарди, кечаси билан отишдик. Эрталаб ўн иккита жасадни санадик, улар орасида майор ва Бюлер ҳам бор эди.

Ҳарбий ҳаракатлар, турган гапки, қайтадан бошланди. Душман томон билан сигарет алмашишни бас қилдик, қурбонлар сони соат сайин ортарди...

Ўшандан кейин ҳам кўп балоларни кўрдим. Кўп одамлар кўз ўнгимда ҳалок бўлди, менинг ўзим ўлдирганлар ҳам оз эмасди. Тошбағир, ҳиссиз бўлиб қолдим. Йиллар ўтди. Аммо ўтган шу узоқ вақт мобайнида мен кўлимдан келганча ёмғир шивалаб турган пайтдаги ўша ингичка товушли қичқирикни эсламасликка уриниб яшадим».

## ИОГАНН БАРТОКНИНГ ҒАРОЙИБ ТАҚДИРИ

Тунукасоz ва чилангар Иоганн Барток уруш бошланган пайтда беш ойлик куёв эди. Уни биринчилар қатори чақиришиб, чегарадаги аллақайси Австрия гарнизонига жўнатишди. Урушга кетишидан бир кун олдин у ҳамма ишларини саранжомлади, ўзига қарашли кичик дўкон-устахонани хотини ва шогирди ихтиёрига топширди. Ҳатто иккита буюртмани тайёрлашга ҳам улгурди. Сахардан то соат тўрт-бешларга довур шу ишлар билан банд бўлди ва ақалли Мавлудгача рўзғори қийналмаслигини ўйлаб, анча хотиржам тортди.

Кеч кирмасдан бурун у энг башанг костюмини кийиб, хотини иккови фотографга боришди. Шу пайтгача бирга суратга тушгани сира ботинишмаганди. Икковлон уззукун меҳнатдан бош кўтаришмаса-да, қўл учида тиркичилик қилишар, бунақа хою ҳавасларни пулни елга совуриш деб ҳисоблашарди. Бироқ ҳозир вазият бошқача эди. Эртасига эрталаб фотограф суратларни тўппа-тўғри вокзалга олиб борди. Иоганн расмдаги хотини икковининг юзини чўнтак соати қопқоғига сиғадиган қилиб қирқиб олмоқчи бўлди, лекин эвини қилолмади. Улар Барток ўйлаганидан кўра каттароқ чиқибди. Шунда у паккичаси билан ўз тасвирини қирқиб ташлаб, фақат хотинининг юзини олиб қолди. Бу қопқоққа лоппа-лойик келди.

Кўп ўтмай Бартокнинг полкини фронтга ташлашди. 1914 йилнинг кишида улар кечаси хужумга ўтиб, қақшатқич жангга киришди. Душман тўлғама усулини қўллаб, икки ёндан айланиб ўтди ва учта ротани қуршаб олди. Улар кун бўйи мудофаага ётиб олишди, ўқ-дорилари тугаганидан сўнг эса таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Барток шу роталардан бирида эди. Туткунлар бир неча ойни тўпланма лагерда ўтказдилар. Барток кулбада эр-



тадан кечгача ўз ўй-хаёлларига ғарқ бўлиб ўтирарди. У хотинининг аҳволини, кун кечириш учун янги буюртмалар тополдими-йўқми – билишни жуда хоҳларди. Аммо лагерга хат-хабар келмасди, шу боис Барток ўзи тез-тез хат ёзиб, хотинига ҳар хил маслаҳатлар берди, тўсатдан панжара ёки бошқа темир буюмга эҳтиёжманд бўлиб қоладиган одамларнинг исмлари ва манзилларини кўрсатди. Апрель ойи бошларида асирлардан 1800 кишилик отряд тузилиб, соҳилга олиб келишди. Улар орасида Барток ва ўртоқлари ҳам бор эди. Тутқунларни кемага чиқаришди – миш-мишларга қараганда, уларни Шарқий Осиёдаги аллақайси лагерга жўнатишаётган экан.

Дастлабки кунлар тутқунлар денгиз касаллигидан азоб чекишди. Кейин эса дим ва қоронғи трюмда ҳар ким баҳолиқудрат ўрнашиб олиб, қолган-қутган сигаретларини чекишди. Улар кафтдек майда иллюминатор ёнига галма-гал келишар ва бирпас денгизни томоша қилишарди. Сув кўм-кўк эди, аҳён-аҳёнда қушларнинг оппоқ қанотларини ёки йирикроқ балиқларни кўриб қолардилар.

Кунлар кетидан кунлар ўтди, соқчилар аввалгидек сергак бўлмай қолишди. Тутқунлар буни пайқаб, экипажга ҳужум қилишни ва кемани ўз қўлларига олишни кўнгилларига тугдилар. Улардан бир нечтаси қурол-яроғ сақланадиган жойни аниқлашга муваффақ бўлибди, бошқалар эса яширинча миҳчўп, арқон ва пичоқ каби анжомларни тахт қилиб қўйишди.

Бир кеча шиддатли довул турганида ҳужумга киришдилар. Уч нафар дароз унтер-офицер Барток қўшилган отрядга бош бўлди. Улар худди бекорчиликдан айланиб юргандек ими-жимиди каюта-палуба зинаси ёнига келишиб, соқчиларга мушукдек ташланишди, соқчилар қаршилик кўрсатишга ҳам улгуришмади. Санокли сониялар ичида люк очилиб, улар палубага чикдилар.

Кема командасининг бир қисми уйкуда эди, уларни оппа-осон қўлга олишди, қолганлар эса қуролларини ташлашга мажбур бўлдилар. Фақат капитан билан икки нафар зобитгина баррикада қуриб ўт очишди. Уч туткун уларнинг ўқларидан ҳалок бўлди. Бироқ исёнчилар пулемётни эгаллаб олишганидан сўнг оғир яраланган капитан ҳам таслим бўлди.

Ҳарбий асирлар бирон-бир бетараф мамлакатга қаршли портга киришга қарор қилдилар. Уларда қурол ва ўқ-дори мўл-кўл эди, ораларида ҳатто собиқ денгизчилар ҳам бор эди. Ўшалардан бир зобит қўмондонликни ўз зиммасига олди. Ҳар куни жанговар машқлар ўтказилди, хусусан, Барток пулемётчиликни ўрганди. Янги кема капитанининг мўлжалига кўра энг яқин портга етиб олиш учун роса икки ҳафта сузиш керак эди. Бироқ тўртинчи куни уфқда номаълум ҳарбий кеманинг маҳобатли бўз корпуси кўзга ташланди. У қувурларидан тутун бурқситганча асирлар тушган пароход устига бостириб келарди.

Қочмоқчи бўлдилар, лекин кема тезлиги панд берди. Шунда қоронғи тушгунига қадар кемани мудофаа қилиш, сўнг туман ва тундан фойдаланиб қочиш қутулиш учун барча жанговар шай ҳолатга келтирилди.

Аммо бу режалари ҳам пуч экан, фақат милтиқлар билан қуролланган ҳолда росмана ҳарбий крейсерга бас келиб бўлармиди?! Бир соат ўтар-ўтмас кўпчилик кирилиб кетди, қолганлар эса оқ байроқ кўтардилар. Крейсёрдан туширилган биринчи қайиқ кема бортига яқинлашганида туткунларга қўмондонлик қилаётган зобит ўзини ўлдирди. Крейсёр қўмондони ҳарбий асирларни аскарлар эмас, балки исёнчилар деб ҳисоблаб, уларни аллақайси оролдаги жазо колониясига олиб кетди. Туткунларнинг бошлиқларини, шу жумладан, Бартоқнинг дўсти Михаэл Хорватни ҳам отиб ташлашди.

Ўлимидан олдин у Бартокка чўнтак соати ва ҳамёнини берди.

– Омад ёр бўлсин, Иоганн, – деди у видолашмоқ учун кўл узатаркан. – Қандай ўлишнинг нима аҳамияти бор – ҳаммаси бир гўр! Ўлимдан барибир қочиб қутулолмайсан. Лекин лоақал сен омон қоласан, деб умид қиламан. Агарда онамни тирик кўрсанг, бу буюмларни унга топшир, хўпми?

Беистисно барчани исёнда айблашди. Беш киши «умрбод» камокқа, қолганлар эса ўн беш йилдан мажбурий меҳнатга ҳукм этилди. Бартоқнинг иши ўнгидан келди, у атиги ўн беш йил олди.

«Ўн беш йил-а! – ўйлади у биринчи оқшом қора ту-нукадан тикланган ва кундузи офтобнинг тигида лағча чўғдек қизиб кетадиган омборхонанинг бир бурчагида чўзилиб ётаркан. – Ўн беш йил. Ҳозир ўттиз икки ёшдаман. Демак, муддатим тугаганида қирк еттида бўламан». У соати қопқоғидан хотинининг суратини чиқазиб, унга узоқ термулди. Сўнг бош чайқаб кўйди ва пича хаёл суриб ётгач, ухлашга уринди.

Улар оғир ишларни бажарардилар, иклим эса худди ажал эди. Биринчи йилиёқ бир юз саксон киши нобуд бўлди. Иккинчи йили – бир юз ўн. Тўртинчи йили Барток Банат вилоятидан урушга чақирилган Вильчек исмли деҳқон йигит билан дўстлашди. Олтинчи йили уни қабрга кўйди. Еттинчи йили олдинги тишлари тўкилиб тушди. Саккизинчи йили эшитдики, уруш аллақачонлар тугабди. Тўккизинчи йили сочлари оқарди. Ўнинчи йили ўн олти киши қочди, лекин уларни яна тутиб келишди. Ўн иккинчи йили ҳеч кимса уйга қайтиш тўғрисида оғиз очмай кўйди. Гўё курраи замин мана шу оролча қадар қуруқшаб торайгандек, ҳаёт машаққатли меҳнат ва чуқур уйқудангина иборатдек, Ватан соғинчи сўнгандек, оғриқлар босилиб, хотиралар яксон бўлгандек, ҳар кеч ўзига ўлим тилаб уйқуга кетадиган, аммо

барибир уйғонадиган тирик мавжудотларнинг бу маъносиз қолдиқлари даванг ва бераҳм соқчилар, қолаверса, безгак ва умидсизлик ҳукми остида эдилар.

Кунларнинг бирида бош назоратчи «Сизлар озод бўлдингиз», деганида, улар аввалига ишонишмади. «Алдагандим, яна беш йил ўтирасизлар», дейишини сўнгги дақиқагача кутишди. Зотан, улар озод бўлиш нима эканини тасаввур ҳам қилолмайдиган аҳволга етган эдилар. Лаш-лушларини йиғиштиришиб, саф-саф бўлиб портга тушишди. Барток сўнгги бор ортига қаради. Бостирмалар олдида умрбод камокқа ҳукм қилинганлар тўпланиб туришарди. Улар эркинликка чиққан ўртоқларини жимгина кузатардилар. Жўнаш олдидан Барток бу ерда умрбод қоладиган икки маҳкумдан «Уйдан ул-бул юборайми?» деб сўради. «Даф бўл тезроқ!» жавоб берди улардан бири ва юзини ўгирди. Иккинчиси ақлдан озган каби анграйиб турарди. Лекин биринчи маҳкум барибир чидай олмади, озод бўлганларга бир неча одим яқинлашиб, қичқирди: «Биз ҳам бир куни, албатта, қайтамыз!» Қолганлар «қилт» этишмади. Қаққайиб, бўзрайиб тураверишди.

Кема томон боришаркан, Барток чўнтагидан соатини чиқазди. Хотинининг суратини сақлаб қўйганди, аммо у чунон унниқиб кетганидан таниб бўлмасди. Барток суратни қопқоқдан суғуриб, кўзига элтди ва унга тикилган кўйи ўтмишини эслашга уринди. Анчадан бери бунақа қилмаган эди, бир дақиқа ўтар-ўтмас боши чир айлана бошлади.

...Соҳилга тушишгач, у бир неча ҳамюрти билан йўлда давом этди. Ватанлари эндиликда улар уруш олиб борган мамлакатга қарашли эканини эшитдилар. Тинчлик сулҳига биноан бу ерлар ғолибларга берилганди. Улар бунини тушунишмасди, аммо ҳозирча кўникишга қарор қилишди. Зеро, ўтган йиллар ичида улар учун бутун олам ўзгарганди. Улар уйларни, кўчаларни, автомобил-

ларни, одамларни кўришар, таниш номларни эшитишар, бироқ ҳаммаси уларга бегона эди. Шаҳарлар кенгайган, кўчалардаги ҳаракат акли шоширарди ва теварак-атрофда рўй бераётган воқеаларни англаш уларга қийинлик қиларди. Воқеа-ҳодисалар алланечук тезлашиб кетган, улар эса жуда суст ўйлашга ўрганиб қолишганди.

Ниҳоят, Барток она шахрига етиб келди. Ҳаяжондан оёқлари бўйсунмас, йиқилиб тушмайин деб таёққа суняниб олди. Тиззалари қаттиқ титрарди. У бир пайтлар истиқомат қилган уйини топди. Устахона ҳалиям бор эди, аммо хотини ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Сўнгги тўққиз йилда устахона бир неча марта қўлдан-қўлга ўтибди. Хотини аллақачон бу ерлардан кўчиб кетганди. Барток уни ҳар ердан дараклай бошлади. Ахийри аллаким «Аёлинг мамлакат ғарбидаги қатта шаҳарлардан бирида яшаётган бўлса керак», деди. Барток номи тилга олинган шаҳарга қараб йўл олди. У ерда кўп эшикларни чертди, қанча уйларга бош сукди, ҳамма ерда сўраб-суриштирди. Ҳеч ким тайинли маълумот беролмагач, силласи қуриган ва жамики умидларидан маҳрум бўлган Барток қайтиб кетмокчи бўлди, аммо шу пайт ярқ этиб хаёлига бир фикр келди. У шаҳар маъмурияти ходими-га собиқ шогирдининг исмини айтди. Хизматчи тагин дафтарини варақлади, топди. Етти йил бурун хотини ўшанга турмушга чиққан экан. Барток бош ирғади. Нега ундан сира хат олмаганини, нега кадрдон уйи ҳақида сира эшитмаганини энди тушунди у. Демак, уни ўлдига чиқаришган...

...У зинапоядан секин-аста кўтарилиб, кўнғирокни чалди. Эшикни беш яшар ўғил бола очди. Кейин хотини ҳам кўринди. Барток унга қараб турар, хотиними-йўкми, аниқ билолмаганидан оғиз очишга журъат этолмасди.

– Мен Иоганнман, – деди у ниҳоят.

– Иоганн?! – аёл бир қадам чекиниб, курсига ўзини ташлади. – Ё Раббий! – йиғлаб юборди у. – Ахир, қанча бўлди... қанча бўлди сенинг... ўлиминг хабарини олганимизга!..

У ўрнидан туриб, титроқ қўлларида бир қутини кавлаштира бошлади, гўё ҳаёт-мамоти ўша қорахат топилиши ёки топилмаслигига боғлиқдек.

– Садқайи сар, кидирмай қўяқол, – Барток лоқайд киёфада ошхонани айланиб чикди. – Бу сенинг болангми?

Хотини бош ирғади.

– Бошқа боланг ҳам борми?

– Иккита...

– Иккита, дегин... – беихтиёр такрорлади у. Сўнг диванга чўкиб, кўзларини ерга тикди.

– Энди нима бўлади, Иоганн? – сўради хотини юмюм йиғлаб.

Барток бошини кўтарди. Ёнида, пастак ғаладон устида зарҳал гардишга солинган чоғроқ фотосурат турарди. Барток аскарликка чақирилганида буюртма қилиб ишлаттирган сурат эди бу. Барток уни қўлига олиб узоқ тиккиди. Сўнг бармоқлари учини пешонасига теккизди.

– Биз беш ойгина бирга яшадик... Шундайми?

– Ҳа, Иоганн...

– У билан-чи?

– Етти йил, – кўрка-писа гапирди аёл. – Кетиб қолмайсанми?

– Йўқ, кетаман, – деди у ва фуражқасини кийди.

– Жиллакурса кечки овқатгача қол, – ялинди аёл, – Альберт келсин...

Барток бош чайқади.

– Йўқ, йўқ... кетганим маъқул. Бу ишни сен ўзинг ҳал қил. Шундай қилсак, тўғрироқ бўлади.

Кўчага чикқач, уй олдида бироз турди. Сўнг вокзалга бориб она шахрига жўнади. Иоганн Барток у ерда ўзига иш топиб, барини қайтадан бошламоқчи эди.

## МУНДАРИЖА

Жек Лондон. <i>Аёл матонати</i> .....	3
<i>Бир бўлак гўшт</i> .....	19
Нодар Думбадзе. <i>Она</i> .....	46
<i>Жинлар</i> .....	57
О. Генри. <i>Рус мўйнаси</i> .....	69
<i>Олийжаноб товламачи</i> .....	79
Василий Шукшин. <i>Виждонсизлар</i> .....	89
<i>Умидвор диллар</i> .....	102
Сомерсет Моэм. <i>Дўст кулфатда билинади</i> .....	112
<i>Ниначи ва чумоли</i> .....	118
Ги Де Мопассан. <i>Соваж кампир</i> .....	124
<i>Тазарру</i> .....	133
Аркадий Аверченко. <i>Тирик товон</i> .....	143
<i>Яккамохов</i> .....	150
Эрих Мария Ремарк. <i>Душман</i> .....	159
<i>Йоган Бартокнинг заройиб тақдири</i> .....	168

*Жаҳон адабиёти хазинасидан*

*Адабий-бадиий нашр*

## **ҒАРОЙИБ ТАҚДИРЛАР**

*Ҳикоялар*

**Таржимон**      **Ж. Матёкубов**

Муҳаррир	<i>Б. Худоерова, С. Саидмуродов</i>
Рассом-дизайнер	<i>Д. Мулла-Ахунов</i>
Техник муҳаррир	<i>Б. Каримов</i>
Кичик муҳаррир	<i>Н. Абдураҳмонова, М. Якубжанова</i>
Мусахҳих	<i>Ш. Шоабдураҳимова</i>
Компьютерда саҳифаловчи	<i>Н. Аҳмедова</i>

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.2009.  
Босишга 2018 йил 30 октябрда рухсат этилди.  
Бичими 84x108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози. «Times New Roman»  
гарнитурасида офсет усулида босилди. Шартли босма  
табоғи 9,24. Нашр табоғи 8,26.  
Адади 5000 нусха. Буюртма № 18-543.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston»  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 100011, Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)